Р 496
1986/4



ГУЛИСТОН

4
1986

Экз. №4



КУЗНЕЦОВ 74

ГБ Узб ССР
Н

ТУБ БУРИЛИШ БОСҚИЧИДА

1986 йил 25 февраль — 6 март кунлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVII съезди бўлиб ўтди. Съезд мамлакат, умуман ҳозирги дунё ҳаётидаги туб бурилиш босқичида бўлди. Бу съезд — жаҳоншумул аҳамиятга молик, тарихий воқеадир.

Съезд шуни кўрсатдики, КПСС Улуғ Октябрь ишини изчиллик билан давом эттирмоқда, Ленин йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда, ишчилар синфининг, бутун совет халқининг сиёсий йўлбошчиси ролини муносиб бажармоқда.

Съезд шуни кўрсатдики, партия ўтмишдан энг кўп даражада сабоқлар чиқариб олишга, бошдан кечирилаётган даврни кенг, ленинча идрок этишга, реалистик, ҳар томонлама пухта ўйланган ҳаракат программасини ишлаб чиқишга қодирдир.

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш — партиянинг съезд тасдиқлаб берган стратегик йўлидир.

Съезд шуни кўрсатдики, инсон омили шу программани бажаришда, жадаллаштириш ишида муваффақиятга эришишда ҳал қилувчи кучдир, уни яхши ўйланган иқтисодий стратегия, кучли социал сиёсат ва собитқадам ғоявий-тарбиявий ишни чамбарчас бирлаштириш орқалигина кучайтириш мумкин.

Съезд шуни кўрсатдики, КПСС — социал тараққиёт ва тинчлик партиясидир, партия учун Ер юзида тинчликни сақлаб қолишдан, термоядро фалокатининг олдини олишдан ҳам юксакроқ мақсад йўқ.

Съезд партиявий принципиаллик ва бирлик, талабчанлик ва большевикча ҳақгўйлик, камчилик ва нуқсонларни рўй-рост аниқлаш, жамиятимиз тараққиётининг ички ва ташқи шароитларини чуқур таҳлил этиш муҳитида ўтди.

Мана шуларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев қилган КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида метиндек мустаҳкамлаб берилди.

Докладда КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида ифодалаб берилган партиянинг сиёсий донолиги, унинг сиёсий реализми ва келажакни кўзлаши; Уставда мужассамлаштирилган зўр қатъият, унинг ташкилий формалари аниқлиги ва оқилоналиги; СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларининг пухта амалий йўналиши, конкретлилиги, замон ва маконни аниқ белгилаб бериши мужассамлаштирилган.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида ҳозирги дунёнинг жозибадор, кенг миқёсли манзараси, унинг асосий тенденциялари ва зиддиятлари тасвирланган. Совет жамиятининг ҳолати, унинг муваффақиятлари ва қийинчиликлари атрофлича таҳлил этилган ҳамда партия иқтисодий ва социал сиёсатининг, жамиятимизни янада демократлаштиришнинг асосий йўналишлари аниқ чизиб берилган. Партиянинг асосий мақсадлари ўртага қўйилган ва унинг ташқи сиёсий стратегияси йўналишлари белгиланган. Янги таҳрирдаги партия Программасининг ва Уставга киритиладиган ўзгартишларнинг муҳокамаси якунланган. Социализм ва коммунизм улуғ ишининг муваффақиятига, инсониятнинг порлоқ келажагига комил ишонч изҳор этилган.

Халқнинг зўр куч-ғайратлари туфайли Совет Иттифоқи КПССнинг учинчи Программаси қабул этилганидан кейинги чорак аср мобайнида салмоқли муваффақиятларга эришди, дейилади Сиёсий докладда. Миллий даромад қарийб 4 баравар, саноат ишлаб чиқариши 5 баравар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши 1,7 баравар ўсди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 2,6 баравар, ижтимоий истеъмол фондлари 5 баравардан зиёд ошди. 54 миллионта квартира қурилди. Умумий ўрта таълимга ўтилди. Олий ўқув юртларини битирган кишилар сони тўрт ҳисса кўпайди. Фан, медицина, маданият соҳасидаги муваффақиятлар ҳаммага маълум.

КПСС раҳбарлиги эришилган натижаларни муносиб баҳолаш билан бирга сиёсий ва амалий фаолиятдаги нуқсонларимиз, экономикадаги ва социал-маънавий соҳадаги ноҳуш тенденциялар ҳақида, бу ҳодисаларнинг сабаблари тўғрисида партия билан халққа ҳалол ва тўппа-тўғри гапиришни ўз бурчи деб ҳисоблайди, деб уқтиради М. С. Горбачев. Аввало, субъектив тарздаги сабабларга кўра, мамлакатни ривожлантиришдаги проблемалар тезроқ кўпая борди-ю, улар камроқ ҳал этилди. Лоқайдлик, бошқарув форма ва методларининг қотиб қолганлиги, ишдаги жўшқинлик пасайганлиги, бюрократизм кучайганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси ишга катта зиён етказди. Жамият ҳаётида турғунлик ҳолатлари сезила бошлади.

Партия олдида принципиал янги стратегик йўлни ишлаб чиқишдан иборат зўр тарихий аҳамиятга молик вазифа пайдо бўлди. Бу — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш йўли КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленумида ўртага қўйилди. Партия, бутун халқ бу йўлни бажонидил қўллаб-қувватлади. Жадаллаштириш концепцияси КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида, съезднинг бошқа ҳужжатлари ва материалларида, унинг делегатлари сўзлаган нутқларда асосий масала бўлиб қолди.

«Жадаллаштириш, — деб уқтирилади докладда, — аввало иқтисодий ўсиш суръатла-

R 496
1986/4
Эко
№4



ОММАНИНГ ЖОНЛИ ИЖОДКОРЛИГИ, СОЦИАЛИСТИК ТУЗУМНИНГ ЖУДА КАТТА ИМКОНИЯТЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИДАН МАКСИМАЛ ДАРАЖАДА ФОИДАЛАНИШ — БИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТИМИЗНИ ТАЪМИНЛАБ БЕРИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН БОШ ОМИЛДИР.

М. С. ГОРБАЧЕВ

Москва. Кремлнинг Съездлар саройи. 1986 йил 25 февраль. КПСС XXVII съезди Президиуми. Минбарда — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

С. Смирнов ва А. Стешанов фотоси

рини оширишдир. Аммо бугина эмас. Жадаллаштиришнинг моҳияти ўсишнинг янги сифатида: фан-техника тараққиёти, экономика структурасини қайта қуриш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали шакллари асосида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлашдан иборат». Жадаллаштириш йўли актив социал сиёсат ўтказишни, социалистик адолат принципини изчиллик билан қарор топтиришни, сиёсий ва идеологик муассасаларнинг иш формалари ва методларини янгилашни, социалистик демократияни чуқурлаштиришни, эски усулларни қатъиян бартараф этишни, турғунлик ва консерватизмни — ижтимоий тараққиётга халақит бераётган ҳамма иллатларни тугатишни назарда тутади.

Ожмаининг жонли ижодкорлиги, социалистик тузумнинг жуда катта имкониятлари ва афзалликларидан максимал даражада фойдаланиш — жадаллаштириш иши муваффақиятини таъминлайдиган бош омилдир.

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш — ҳам яқин келажакдаги, ҳам истиқболдаги иқтисодий ва социал, ички сиёсий ва ташқи проблемаларимизнинг ҳаммасини ҳал этиш калитидир. Бу йўлни муваффақиятли амалга ошириш янги таҳрирдаги КПСС Программасида ва Асосий йўналишларда белгилаб берилган иқтисодий ҳамда социал ривожланишнинг асосий марраларига эришиш имконини беради.

Бу марралар эса улкан, жозибадордир. Аср охиригача миллий даромад салкам икки баравар кўпайиб, ишлаб чиқариш потенциали икки ҳисса ортади ва у сифат жиҳатидан ўзгартирилади, меҳнат унумдорлиги 2,3—2,5 баравар ортади, миллий даромаднинг солиштирма энергия сарфи 1,4 баравар ва солиштирма металл сарфи қарийб 2 баравар камаяди. Бу эса ишлаб чиқаришни интенсивлаш, сифат ва самарадорликни ошириш сари туб бурилишни билдиради.

Фан-техника тараққиёти, жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тубдан ўзгартириш — ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг асосий воситасидир. Бу ўринда гап фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида халқ хўжалигини чуқур реконструкция қилиш ҳақида, фан ва техниканинг олдинги йўналишларида зўр муваффақиятларга эришиш тўғрисида, хўжалик механизмини, бошқарув системасини қайта қуриш ҳақида бормоқда.

Шу мақсадда структура ва инвестиция сиёсатини ўзгартириш, яъни диққат марказини миқдор кўрсаткичларидан сифат ва самарадорликка, оралиқ натижаларидан — пировард натижаларга, ишлаб чиқариш фондларини кенгайтиришдан шу фондларни янгилашга, ёқилғи-хом ашё ресурсларини кўпайтиришдан шу ресурслардан фойдаланишни яхшилашга, илм-фанга кўпроқ асосланадиган тармоқларни, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани жадал ривожлантиришга қаратиш кўзда тутилмоқда. Ўн иккинчи беш йилликда ишлаб чиқаришни реконструкциялашга ва техника билан қайта қуроллантиришга аввалги 10 йил мобайнида сарфланганидан кўра кўпроқ, яъни 200 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратиш мўлжалланганини айтиш кифоя.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети машинасозликни янада ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қарор аслида машинасозликни модернизациялаш программасидир. Ёқилғи-энергетика комплексини тубдан реконструкциялаш ғояси Энергетика программасига сингдириб юборилган.

Металлургия ва химия индустриясида, ишлаб чиқаришни электронлаштириш ва комплекс механизациялашда, транспорт ва алоқа соҳасида кўп иш қилиниши лозим. Бевосита аҳолининг эҳтиёжларини қондириш учун ишловчи енгил саноат ва саноатнинг бошқа тармоқлари устун даражада ривожлантирилади.

Капитал қурилишни тубдан яхшиламай туриб, техникавий реконструкциялашни амалга ошириб бўлмайди, бу эса бутун қурилиш комплексини янги индустриал ва ташкилий даражага кўтаришни, лойиҳадан тортиб то қувватларни тўла ўзлаштиргунгача давом этадиган инвестиция циклини амалда 2 баравар қисқартиришни талаб қилади.

Реконструкция зарурияти илм-фан олдига янги вазифалар қўймоқда. Илм-фанни халқ хўжалиги эҳтиёжлари сари янада зўр ғайрат билан буриб юбориш керак. Ишлаб чиқаришни фан сари буриш, уни фан ва техника ютуқларига имкони борича мойиллаштириш ҳам муҳим вазифадир.

Озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш биринчи галдаги вазифадир. Бу соҳада олға силжиш бор, бироқ қишлоқ хўжалигининг орқада қолишини бартараф этиш суст амалга оширилмоқда. Ўн иккинчи беш йилликдаёқ аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни анчагина яхшилаш учун қатъий бурилиш қилиниши керак. Биз бундай қилишимиз мумкин ва лозим. Шу мақсадда муттасил мўл ҳосил етиштириш учун шарт-шароит яратиш зарур. Бу ўринда гап аввало ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, интенсив технологияларни кенг жорий қилиш ҳақида бормоқда. Ҳосилни йиғиштириб олиш, ташиш, асраш ва қайта ишлаш пайтида дала ва фермалар ҳосилининг нобуд бўлишини камайтириш — озиқ-овқат фондини тўлдиришнинг энг муҳим манбаидир.

Агросаноат комплексини бошқаришнинг ягона органлари тузилганлиги принципиал аҳамиятга эгадир. Эндиги вазифа шу ташкилий структурани таъсирчан хўжалик механизми билан мустаҳкамлашдан иборат. Хўжалик юритишнинг иқтисодий методларига имконият очиб қўйиш, колхоз ва совхозларнинг мустақиллигини, уларнинг пировард натижалардан манфаатдорлигини ва шу натижалар учун масъулиятини анча кенгайтириш муҳимдир.

Агросаноат комплексининг моддий-техникавий базаси бундан буён ҳам изчиллик билан ривожлантирилади. Бироқ инсон тараққиётининг бош ҳаракатлантирувчи кучи, унинг жон-тани бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Қишлоқ меҳнатчиларининг меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш муваффақиятларнинг энг мустаҳкам гаровидир.

Экономикадаги янги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун хўжалик механизмини тубдан қайта қуриш, социализмнинг имкониятларини тўлиқроқ рўёбга чиқариш имконини берадиган яхлит, самарали ва пухта бошқарув системасини вужудга келтириш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладида айтилганидек, хўжаликни бошқаришни доимо такомиллаштириб бориш лозим. Бироқ ҳозирги вазият шундайки, қисман яхшилашлар билан чекланиб қолмасдан, туб ислоҳот ўтказиш зарур. Бу ислоҳотнинг мазмуни шундан иборатки, бутун ишлаб чиқаришимизни ижтимоий эҳтиёжларга, одамларнинг талабларини қондиришга бўйсундириш, бошқарувни самарадорлик ва сифатни оширишга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, ишловчиларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини халқ хўжалигининг ҳар бир бўғинида ва аввало меҳнат коллективларида ташаббускорлик ва социалистик омилкорликни ривожлантиришга қаратиш зарур.

Соцаал-иқтисодий жадаллик, социализмни амалда мустаҳкамлаш бутун социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари каби бошқарувни ҳам такомиллаштиришнинг олий мезонидир.

Партия ишлаб чиққан чуқур ўзгартишлар стратегиясини амалга ошириш учун анчагина вақт кетади. Ҳолбуки, ўсиш суръатларини оширишга ҳозироқ эришмоқ керак. Шу боисдан ҳам барча резервларимизни — ташкилий-иқтисодий ва социал-психологик омилларни имкони борича кўпроқ сафарбар этиш, мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнатни рағбатлантиришнинг таъсирчанлигини ошириш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, хўжасизликни тугатиш зарур. Кооперация усулида маҳсулот етказиб бериш интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг бир маромда бўлмаслигига чек қўйиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш, ҳамма жойда ва ҳар ишда тежаш, хўжасизлик ва исрофгарчиликка бепарво қарамаслик зарур.

Маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш айниқса катта аҳамиятга эга. Бунинг учун моддий ва маънурий таъсирнинг бутун кучидан, қонунларимиздан фойдаланиш лозим. Сифатни ошириш вазифаси ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир совет кишисининг иши бўлиб қолиши керак.

Илғор тажрибани кенг оммалаштириш, социалистик мусобақа — яна бир муҳим резервимиздир, социалистик мусобақа ҳар бир коллективда, ҳар бир иш жойида иш сифатини оширишга, иқтисод ва тежамкорликка, белгиланган марраларга эришишга қаратилиши лозим.

Социал сиёсат масалалари, инсон ҳақида, халқ фаровонлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик съезднинг диққат марказида турди.

Келгуси 15 йил мобайнида турмуш шароитларини яхшилашга сарфланадиган ре-

сурслар ҳажмини икки ҳисса ошириш назарда тутилмоқда.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 1,6—1,8 баравар оширилади. Ўн иккинчи беш йилликда даромадларнинг оширилишидан миллионлаб киши баҳраманд бўлади. Уй-жой ва социал-маданий қурилиш кенгайтирилади. Одамларнинг турмушини яхшилаш уларнинг меҳнатда ва ижтимоий соҳада берадиган самарасини ўстириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Меҳнат ва истеъмол меъёри устидан назоратни кучайтириш, иш ҳақини меҳнат унумдорлигига ва сифатига янада қатъийроқ боғлиқ қилиб қўйиш, тенгчиликка қатъиян барҳам бериш, ишлаб топилмаган пул ва номуносиб мукофотлар тўланишига йўл қўймаслик, меҳнатсиз даромад топиш ҳолларига қарши муросасиз кураш олиб бориш, социал адолатни изчиллик билан қарор топтириш зарур. Социализмнинг: «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган асосий принципида социал адолатнинг моҳияти ифодаланган.

Партия ижтимоий фондларни янада ошириш ва улардан самаралироқ фойдаланиш йўлини ўтказишни мўлжалламоқда. Ўн иккинчи беш йилликда бу фондларнинг ҳажми 20—23 процент кўпайтирилади.

Марказдаги ва жойлардаги партия, давлат, хўжалик органлари аҳолини сифатли моллар билан кўпроқ таъминлаш ва хизмат кўрсатишга муносабатни тубдан ўзгартиришлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Комплекс программасини бажаришни таъминлашлари лозим.

Уй-жой қурилиши ва турар-жойларни реконструкциялаш миқёслари оширилади, кооператив ва якка тартибда қуриш, ёшлар комплексларини барпо этиш рағбатлантирилади, уй-жойларни тақсимлаш яхшиланади.

Меҳнат, унинг мазмуни тубдан ўзгартирилади, меҳнат унумдорлиги оширилади, ишлаб чиқариш соҳасидаги қўл меҳнати ва кам малакали меҳнатнинг улуши кескин қисқартирилади.

Партия узлуксиз таълим ягона системасини вужудга келтириш вазифасини қўймоқда. Шу мақсадда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишни изчиллик билан амалга ошириш, ёшларни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашни тубдан яхшилаш; олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш; мутахассислар тайёрлашни ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш, ишчилар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ҳамда уларни қайтадан тайёрлаш системасини яхшилаш лозим.

Соғлиқни сақлашни яхшилашга, оммавий физкультура ва спортни, туризмни ривожлантиришга, одамларнинг, айниқса ёшларнинг мазмунли дам олишини таъминлашга қаратилган туб тадбирлар зарур. Соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ичкиликбозлик ва алкоголизмни тугатиш иши бениҳоя муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги шароитда табиатни муҳофаза қилиш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш кескин вазифа бўлиб қолмоқда. Ишлаб чиқаришни планли ташкил этадиган ва инсонпарварлик дунёқарашига амал қиладиган социализм бу проблемани ҳал этиши мумкин ва лозим.

Ишчилар синфининг етакчилик ролини таъминлаш, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлилар иттифоқини мустаҳкамлаш — КПСС сиёсатининг мустаҳкам негизидир.

Партия бундан буён ҳам мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлигини тинимсиз мустаҳкамлайверади, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида тарбиялайверади, миллатчилик ва шовинизмнинг, маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши принципиал курашаверади.

Оилани мустаҳкамлаш, болаларнинг тарбияси учун ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш партиянинг диққат марказида турибди.

Партия ишлаб чиққан социал сиёсат, деб таъкидланади Сиёсий докладда, кўп қиррали бўлиб, бемалол амалга оширса бўладиган сиёсатдир. Биз социал соҳа томон қатъий бурилишга эриша олганимиз тақдирда, ҳозирги, қолаверса, эртанги проблемаларнинг кўпи шу пайтгача бўлганига қараганда анча тезроқ ва самаралироқ ҳал этилади.

Социалистик тузум халқнинг ўзи ўз ишларини реал равишда бошқарган, миллионлаб кишилар сиёсий ҳаётда иштирок этган тақдирдагина муваффақиятли равишда ривожланиб боради. Меҳнаткашларнинг Ленин тасаввуридаги ўз-ўзини бошқаруви айни мана шунинг ўзи бўлиб, у Совет ҳокимиятининг моҳиятини ташкил этади. Ўз-ўзини бошқарув асослари давлатчилигимиз ташқарисида эмас, балки ичкарисида ривожланиб, давлат ва жамоат ҳаётининг барча соҳаларига тобора чуқурроқ кириб бормоқда, демократик централизм мазмунини бойитмоқда, унинг социалистик табиатини мустаҳкамламоқда.

Съезд СССР Олий Советининг, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг қонунчиликни ривожлантириш, ўзларига ҳисоб бериб турадиган органлар иши устидан контролликни амалга ошириш, жамиятимизнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга оммани сафарбар этишда, аҳоли кундалик турмушига оид масалаларни, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий Советларнинг иши яна ҳам қатъийроқ кучайтирилиши ва яхшиланиши учун барча босқичлардаги халқ депутатлари Советларига раҳбарлик борасидаги фаолияти тобора амалий ва изчил бўлиб қолиши муҳимлигини таъкидлади. Советлар ижроия комитетларининг, бошқа давлат органларининг ишида маҳкамачилик ва маҳаллийчилик, масъулиятсизлик ва бюрократизм, одамларга нисбатан расмиятчилик-лоқайдлик муносабати кўринишларини қатъиян тугатиш керак.

Давлат ва жамият ишларини бошқаришда касаба союзлари ва комсомолнинг, ижодий союзлар ва кўнгилли жамиятларнинг, хотин-қизлар ташкилотларининг роли бундан буён ҳам ошириб борилади. Аввало меҳнат коллективларида бевосита демократия барча формаларидан фойдаланишга, мамлакат ҳаётидаги катта масалаларнинг умумхалқ муҳокамаси ва шундай масалалар юзасидан овоз бериш практикасини такомиллаштиришга партия алоҳида эътибор беради. Давлат органлари ва бошқа органларнинг фаолиятида ошкораликни кенгайтиришга, шу органлар қабул қилаётган қарорлар ҳақида ва улар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида аҳолининг хабардорлигини оширишга принципиал аҳамият берилади.

Партия давлат ва жамоат ҳаётининг ҳуқуқий асосларини доимо мустаҳкамлашга, қонунларга ғоят қатъий риоя этилишига, совет кишисининг ҳуқуқ ва эркинликлари гарантияларининг мустаҳкамланишига катта аҳамият беради.

Империализмнинг СССРга ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қўпорувчилик муддаолари кучайиб бораётган бир шароитда давлат хавфсизлиги органларининг масъулияти ошмоқда.

Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини бутун чоралар билан ошириш, Армия ва Флот жангчиларини, барча совет кишиларини ҳушёрлик ва социализм улуғ ғалабаларини ҳимоя қилишга доимо тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялаш, Қуролли Кучларни империализм кучларининг стратегик устунлигига йўл қўймайдиган даражада сақлаш бундан буён ҳам ғоят муҳим вазифаларнинг бири бўлиб қолиши керак.

Партиянинг ҳозирги йўли, жадаллаштириш стратегияси, идеология фаолиятининг самарадорлигини анча ошириш учун ниҳоятда қулай имкониятлар яратади. Бу имкониятлардан ҳозирча суст фойдаланилмоқда. Вазифа меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, унинг форма ва методлари реал ички ва халқаро ҳаётга мувофиқ ҳолга келтирилишидан, унинг ташкилотчилик ва хўжалик фаолияти билан қўшиб олиб борилишини таъминлашдан иборатдир.

Жонли практикани идрок этишда марксизм-ленинизм назариясининг роли қанчалик актив бўлса, социалистик жамият шунчалик муваффақиятли такомиллаштирилади. Жамиятимиз тараққиётини жадаллаштиришнинг, у сифат жиҳатидан янги ҳолатга эришишининг энг асосий вазифалари жамиятшунослик тадқиқотларининг марказига қўйилиши зарур.

Меҳнаткашларни коммунистик ғоявийлик ва Совет ватанига садоқат, пролетар, социалистик интернационализм, меҳнатга ва ижтимоий бойликка онгли муносабатда бўлиш, социализмга, маданиятимиз ва коллективчилик ахлоқимизга ёт бўлган барча нарсаларга муросасизлик руҳида тарбиялаш — идеология ишидаги бош йўналишлардир. Коммунизм қурувчиларининг ғоявийлиги ҳалоллик, виждонлилик, софдиллик билан чамбарчас боғланган.

Партиянинг иқтисодий стратегиясини, унинг социал сиёсатини амалга оширишда, ижтимоий онгни шакллантиришда оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг роли ортиб бормоқда.

Партия ташкилотларининг маданий қурилиш соҳасидаги фаолияти одамларнинг маънавий талаб-эҳтиёжлари ва қизиқишларини тобора тўлиқроқ қондиришга, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш, бўш вақтдан мазмунли фойдаланиш учун шарт-шароитларни таъминлаш вазифаларини ҳал этишга қаратилиши лозим. Бунда адабиёт ва санъатнинг роли ғоят каттадир. Партия бунда барча талантли, партиявийлик ва халқчиллик руҳи билан йўғрилган асарларни қўллаб-қувватламоқда ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади.

Ишлаб чиқаришда, ўқишда ва истиқомат жойларидаги тарбия ишларида барча раҳбар кадрларнинг қатнашуви, унга комплекс ёндашув, тарбиянинг бирлиги — идеология ишини ташкил этишга нисбатан қўйилаётган талаблардир.

Энг кўп даражада конкретлилик, фидокор меҳнатчи ёки социализмга зид ахлоқда бўлишдан қатъи назар, ҳар бир инсон билан якка тартибда иш олиб бориш — тарбия ишидаги бош вазифадир.

Жамиятимиз ҳал этаётган кенг миқёсли, янги ва мураккаб вазифалар партиянинг барча сиёсий, мафкуравий ва ташкилотчилик фаолиятига нисбатан юксак талаблар қўймоқда. Партия ишини тубдан қайта қуриш, ҳар бир партия ташкилотида ижодкорлик, принципиал талабчанлик ва ўз-ўзини танқид муҳитини қарор топтириш, социал-иқтисодий, илмий-техникавий ва ғоявий-тарбиявий муаммоларни ҳал этишнинг янги таъсирчан йўлларини қидириб топиш биринчи даражали аҳамиятга молик ишдир. Ҳамма нарсани ўз номи билан аташ, ҳамма нарса тўғрисида ҳалол фикр юритиш, юқори партия органларини ва оммани объектив равишда хабардор қилиб туриш, ҳамиша ва ҳар ишда юксак талабчанлик ва ҳалоллик кўрсатиш — буларнинг ҳаммаси партия ишидаги қатъий қоида бўлиб қолиши керак. Танқид ва ўз-ўзини танқидни бутун чоралар билан авж олдириш, дабдабабозликка қарши курашни кучайтириш, сўзда қайта қуришни ёқлаб чиқиб, амалда эса эскириб қолган схемаларга мувофиқ фикр юритаётган ва ҳаракат қилаётган, ўз шаънига айтиладиган эътирозларни оғриниб қабул қиладиган ходимларни тузатиш зарур. Соғлом танқидни бўғиш, танқид қилганлик учун таъқиб этиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян чек қўйилиши керак.

Ҳамма жойда амалий ва жанговар иш услубини, унинг эпчил, самарали методлари ва воситаларини қарор топтириш — бош вазифадир.

Партия кадрлари унинг бебаҳо бойлигидир. Партиянинг ҳозирги талаблари ва вазифаларига мос келадиган кадрлар сиёса-

тини бундан буён ҳам изчил ва қатъият билан ўтказавериш зарур. Кадрларни кўтариш ва бошқа ишларга ўтказиш чоғида уларнинг ғоявий-маънавий фазилатлари, реал ишлари, партиянинг сиёсий йўлини актив рўёбга чиқара олиш қобилияти ҳал қилувчи мезонлар бўлиши лозим.

Улуғ Октябрь бошлаб берган озодлик революциялари бизнинг XX асримиз қиёфасини белгилаб бермоқда. Ҳозирги жамият тараққиёти ҳақли равишда социализм билан боғланмоқда. «Жаҳон социализми, — деб таъкидланади съезднинг КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан резолюциясида, — қудратли халқаро уюшмадир. У юксак даражада ривожланган экономикага, замонавий илмий базага, мустаҳкам ҳарбий-сиёсий потенциалга таянади. Социализм ижтимоий проблемаларни принцип жиҳатидан бошқа, — коллективчилик асосида ҳал этиш мумкинлигини ҳамиша намойиш этиб келмоқда, шу йўлдан борувчи мамлакатларни тараққиётнинг юксакроқ марраларига олиб чиқди». Социализм уруш ва милитаризм, реакция ва зўравонлик идеологияси ва сиёсатига, инсониятга нисбатан душманликнинг барча формаларига қарши тобора мустаҳкам тўсиқ яратмоқда, инсониятнинг социал тараққиётига актив ёрдам бермоқда.

Сиёсий докладда ҳозирги замон капитализми чуқур ва ҳар томонлама таърифлаб берилган. Ҳозирги замон капитализми фантехника революцияси таъсири остида ва унинг шароитида ғоят даражада ўсиб кетган ишлаб чиқарувчи кучлар билан ижтимоий муносабатларнинг хусусий мулкчилик характери ўртасидаги конфликтни яна ҳам кескинлаштирмоқда. Капитализмнинг умумий кризиси яна ҳам чуқурлашиб бормоқда.

Ҳозирги шароитда империализм инсониятнинг ўзига тобора кўп хавф солмоқда. Империализмнинг энг мудҳиш маҳсули милитаризм бўлиб, у буржуа жамиятининг бутун сиёсий машинасини ўз таъсири ва манфаатларига бўйсундиришга, унинг маънавий турмуш ва маданиятини ўз назорати остига олишга интилмоқда. Асримиздаги урушлар ва можаролар учун, қуролланиш пойгасининг бошланиши ва узлуксиз кучайиши учун, бу пойганинг янги йўналишлари очилганлиги учун айни империализм жавобгардир. Ядро қуролини биринчи бўлиб империализм қўллади. У ҳозир янги, эҳтимол, ўнглаб бўлмас қадам қўйишга — қуролланиш пойгасини космоса кўчиришга тайёргарлик кўрмоқда. Империализм инсониятни термоядро ҳалокати жари ёқасига бошламоқдаки, бу нарса Ер юзидаги барча оқил ва тирик мавжудотни йўқ қилиб юбориш хавфини солмоқда.

Уруш ва тинчлик проблемаси — ҳозирги пайтда инсоният олдида турган энг кескин проблемадир. Инсониятга ҳеч қачон шу қадар даҳшатли хавф-хатарлар солмаган эди. Бироқ тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш имкониятлари ҳам ҳеч қачон шу қадар реал бўлмаган эди. Тинчлик кучларининг потенциали ўсиб бормоқда. Социалистик давлатларнинг актив, изчил тинчликсевар сиёсати, уларнинг мустаҳкамланиб бораётган иқтисодий ва мудофаа қудрати тинчлик посбонлигида турибди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги давлатларнинг ғоят кўпчилиги тинчлик тарафдоридир. Барча қитъалардаги ғоят кенг халқ оммасининг урушга қарши ҳаракатлари тинчлик тарафдоридир. Уруш хавфи қанчалик катта бўлмасин, КПСС жаҳон уруши муқаррар эмас, деган фикрга асосланади. Урушнинг олдини олиш, инсониятни ҳалокатдан омон сақлаб қолиш мумкин. Социализмнинг, планетамиздаги барча тараққийпарвар, тинчликсевар кучларнинг тарихий вазифаси мана шундадир.

Партия ташқи сиёсий стратегиясининг бош мақсади совет халқига мустаҳкам тинчлик ва эркинлик шароитида меҳнат қилиш имкониятини таъминлаб беришдан иборат. Шу сабабли келгусида ҳам партиянинг халқаро майдондаги фаолиятининг асосий йўналиши ядро хавфига, қуролланиш пойгасига қарши, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашдан иборат бўлиб қолаверади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг 1986 йил 15 январдаги Баёнотида илгари сурилган программани — оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш ва янги жаҳон урушининг олдини олиш программасини амалга ошириш учун кураш СССР ташқи сиёсатининг яқин йилларга мўлжалланган бош йўналиши бўлиб қолиши керак.

Ядро хавфи шароитида шундай объектив шароит вужудга келдики, бунда капитализм билан социализм ўртасидаги ўзаро кураш фақат ва нуқул тинч мусобақа ҳамда тинч рақобатчилик формаларида ўтиши мумкин.

Тарихнинг бориши бутун планета кўламида давлатлар ва халқларнинг амалий, бунёдкорликдан иборат баҳамжиҳат ҳаракати йўлга қўйилишини тобора қатъийроқ талаб қилмоқда. Икки системанинг мусобақасини, тарихий курашини ва жаҳон ҳамжамиятининг бир-бирига объектив боғлиқлиги, баҳамжиҳат ҳаракат қилиши сари кучайиб бораётган тенденцияни қўшиб олиб бориш — ҳозирги жаҳон тараққиётининг реал диалектикасидир. Қарама-қаршиликларнинг кураши орқали зиддиятли, аммо бир-бири билан боғланган, кўп жиҳатдан яхлит дунё таркиб топади. Съезд Марказий Комитетнинг Сиёсий докладида олға сурилган «Халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтиришнинг принципиал асослари» алоҳида муҳим эканлигини қайд этиб ўтди.

КПССнинг ташқи сиёсий йўли — жаҳон социализм системасининг иқтисодий ва сиёсий ривожланиш динамизмини эътиборга олаётган йўлдир. Ҳозир тинчлик ва социал тараққиёт тақдири жаҳон социализм системаси билан ҳар қачонгидан кўра мустаҳкамроқ боғланган. Бу йўл барча коммунистик партиялар, жаҳон социалистик системасидаги ҳамма давлатлар билан ҳалол, ошкора муносабатлар, улар ўртасида ўртоқларча фикрлашиб олишга қаратилган йўлдир.

Бу йўл — социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг социалистик иқтисодий интеграциясига, улар ўртасида сиёсий ҳамкорликни янада ривожлантиришга (идора қилувчи коммунистик партияларнинг баҳамжиҳат ҳаракати шу ҳамкорликнинг ўзаги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда), бу ҳамкорликнинг методлари ва формаларини такомиллаштириш ҳамда янгилашга, фикрлар, ғоялар, социалистик қурилиш тажрибаси билан бир-бирини бойитишга, энг мураккаб проблемаларни ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини қидириб топишга қаратилган йўлдир.

Бу йўл — халқаро Коммунистик ҳаракатнинг бирлигига қаратилган йўлдир, бу бирликнинг бир хиллик ва иерархия билан, бир партиянинг бошқа бир партия ишларига аралашуви билан, бирон партиянинг фақат ўз фикрингина ҳақиқат деб даъво қилишга интилиши билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу йўл — муштарак мақсадлар — тинчлик ва социализм йўлидаги курашда коммунистик ва ишчи партияларнинг бирдамлиги ҳамда ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган йўлдир.

Бу йўл — социал ва миллий озодлик кучлари билан бирдамликка, социалистик ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар билан, революцион-демократик партиялар билан, қўшилмаслик ҳаракати билан қалин ҳамкорликка, социал демократия билан алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган йўлдир.

Бу йўл — урушга қарши, халқаро хавфсизлик учун, ядро урушига қарши жангда муваффақиятга, бутун инсониятнинг, планетамиздаги ҳар бир кишининг тарихий ғалабаси бўладиган муваффақиятга эришиш манфаатлари йўлида яна ҳам мустаҳкамроқ ҳамкорлик қилишни ёқлаб чиқаётган ҳамма кишилар билан алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган йўлдир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди Сиёсий доклад юзасидан резолюциясида қарор қилди:

КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолияти маъқуллансин;

Марказий Комитетнинг съездга Сиёсий докладида баён этилган қоидалар, хулосалар ва вазифалар маъқуллансин, барча партия ташкилотлари ўз ишларида уларга амал қилсин.

Съезд КПССнинг янги таҳрирдаги Программасини, унинг киритилган ўзгартишлар билан Уставини бир овоздан тасдиқлади ва тегишли қарорлар қабул қилди.

КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботини ҳамда шу комиссия тўғрисидаги янги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорлар ҳам бир овоздан қабул қилинди.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков « СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида» доклад қилди. Съезд Асосий йўналишларни бир овоздан тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилди.

Съезд партиянинг марказий органларини сайлади. 6 март куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. М. С. Горбачев бир овоздан Марказий Комитетнинг Бош секретари этиб сайланди.

КПСС XXVII съезди партия, халқ ҳаётидаги тарихий босқичдир. Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган бош йўл қабул қилинганлиги ва тасдиқланганлиги — съезднинг асосий сиёсий якунидир. Съезднинг бориши ва унинг иш натижалари — бутун партиянинг, совет кишиларининг, жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида бўлди. Съезд қарорлари келгуси йиллар ва ўн йилларда ҳаракатимизнинг характерини ҳам, суръатларини ҳам белгилаб беради.

Совет халқи съезд қарорларини ўз қарорларидек қабул қилиб, уларни маъқулламоқда, партияга меҳр-муҳаббат ва ишонч, Ватан шон-шуҳрати йўлида астойдил, ижодий ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишга тайёр эканлигини изҳор этмоқда. Съезд бунёдкорлик ишларида, жамиятимизнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун қудратли омил бахш этди. М. С. Горбачев съездни ёпиш вақтида сўзлаган нутқида айтганидек, съезд «Партиянинг фаолиятига, бутун мамлакат ҳаётига юксак ахлоқий, маънавий руҳ бахш этди».

Съезд қарорларининг моҳияти ва руҳини ҳар бир партия ташкилотига, ҳар бир коммунистга, ҳар бир совет кишисига етказиш, шу қарорларнинг сўзсиз бажарилишини аниқ, пухта ташкил этиш биринчи навбатдаги вазифадир. Бунда омманинг мамлакатимиз тарихидаги туб бурилишда унинг кураши ва меҳнатига бошчилик қилиши лозим бўлган партия ташкилотлари ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Съезд қарорларини пропаганда қилиш, тушунтириш ва уларнинг бажарилишини ташкил этишда партияга ёрдам бериш оммавий ахборот ва пропаганда воситалари — матбуот, радио, телевидениенинг биринчи даражали вазифасидир.

Бизнинг режаларимиз қийин ва улуғвордир. Аммо улар бажарилиши мумкин ва лозим. Ажойиб, меҳнатсевар халқимиз бу режалар амалга оширилишининг гаровидир. Партия, мислсиз кураш ва бунёдкорлик йўлини босиб ўтган большевиклар, коммунистлар партияси бу режалар бажаришининг гаровидир. Социализмнинг ғоят катта имкониятлари, омманинг жонли ижодкорлиги, ишчилар синфи, деҳқонлар, халқ зиёлилари, бутун совет халқи партия ғоялари ва ишларини қўллаб-қувватлаётганликлари режалар рўёбга чиқарилишининг гаровидир. Партия, халқ барча режаларни рўёбга чиқарадилар, коммунистик бунёдкорлик ишини муваффақиятли амалга оширадилар.

(«ПРАВДА» газетасининг 10 мартдаги бош мақоласи).



Владимир Ильич Ленин.

ЛЕНИН

Мирсаид МИРШАКАР,

Тожикистон ССР халқ шоири, СССР Давлат мукофотининг лауреати

Ватан, халқ, партия — шу учта сўзда
Мен учун мужассам бахт, шодлик, нажот.
Толмайман уларга меҳримни сўзлаб,
Рамзида улуғвор Лениндир ҳаёт.

Ўшалар туфайли олам тинчлиги,
Бугуну эртамнинг равнақи улар.
Ўшалар ҳаётнинг севинчлилиги,
Улар сиймосида иқболим кулар.

Ватан, халқ, партия — шу учта сўзни
Атайман оламда мен энг муқаддас.
Партиям ўргатди, шунингчун ўзни
Эл, юртга содиқ деб билгум ҳар нафас.

Ҳаётим ардоқли — халқу Ватан деб
Хизматга бўлгани учун яроқли.
Биламан, биламан, нетай яшириб,
Уларсиз ўтардим кўрмай чироқни.

Ватан, халқ, партия — шу учта сўзни
Атайман оламда мен энг муқаддас.
Партиям, сенга чин садоқатимни
Халқим ўргатгандек изҳор этсам, бас.

Айтинг, коммунистлар иттифоқисиз
Зафар қозонмоғи осонми инсон!
Улар бўлмасайди — мумкинми ҳаргиз
Бизчалик шиддат-ла ошмоқлик довон?

Ватан, халқ, партия — шу учта сўзда
Мен учун мужассам бахт, шодлик, нажот.
Толмайман уларга меҳримни сўзлаб.
Рамзида улуғвор Лениндир ҳаёт.

Душанбе

Ўлмас Жамол таржимаси

Ленин йўлидан истиқбол сари

Ҳабиб ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

КОММУНИСТИК партия асосчиси ва йўлбошчиси Владимир Ильич Ленинниинг мамлакатимиздаги барча халқлар ва элатларнинг ҳақиқий озодлиги учун ва уларни социалистик жамият қуришга илҳомлантириш ва уюштириш учун курашдаги тарихий роли буюкдир. В. И. Ленин Совет Шарқида, шу жумладан Туркистонда Октябрь революцияси ғалабаларини мустаҳкамлаш, адолатли миллий сиёсат тантанаси учун ғоят муҳим тадбирларни амалга оширишга ҳам раҳнамолик қилди.

Доҳиймиз таълим бериб айтган эдики, ишчилар синфи билан барча миллат меҳнаткашларининг иттифоқи социалистик революция ғалабаси учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Бу иттифоқ уларнинг туб манфаатларига асосланади ва ишчилар синфи раҳбарлик ролини бажарган ҳолда социализм қуришнинг умумий негизида халқ оммасининг жипслашуви таъминланади. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин ҳар қандай шовинистларга ва миллатчиларга қарши изчил кураш олиб борди.

В. И. Ленинниинг Россия ишчилар социалистик революцион ҳаракати, айниқса 1905 йил революцияси таъсири остида мазлум Шарқ халқлари сиёсий онги кўтарилиши ҳақидаги башорати Ўрта Осиёдаги тарихий воқеликда ўз ифодасини топди. Бунинг яққол намуналаридан бири 1916 йилдаги катта халқ қўзғолони эди. Ўрта Осиёда озодлик ҳаракати, айниқса, 1917 йил Февраль революцияси натижасида янги босқичга кўчди. Туркистонда мусулмон меҳнаткашлари Советлари, касаба союзлари ва бошқа демократик ташкилотлари вужудга келди. Маҳаллий меҳнаткашларнинг илғор вакиллари В. И. Ленин партияси сафига қабул қилиндилар.

Мана шундай шароитда Ўрта Осиёдаги революцион ҳаракатнинг кўтарила бориб, Умумроссия революцион курашига узвий қўшилиши реакцион кучлар — буржуа ва феодал-руҳоний табақаларни ваҳимага солди. Улар революциянинг ривожланишига жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатдилар, турли миллат меҳнаткашларининг рус ишчилар синфи билан тобора мустаҳкамланиб бораётган иттифоқига путур етказиш учун қабиҳ ҳаракатлар қилдилар, ўзларининг «Шўроий Уламо», «Шўроий Исломия» сингари реакцион жамиятларини тузиб, халқ оммаси онгини панисломизм ва миллатчилик руҳида заҳарлашга уриндилар.

Ленин партияси жамиятнинг бундай қора кучларининг хатти-ҳаракатларини фош қилди ва меҳнаткашларни пролетар интернационализми байроғи остида жипслаштирди. Коммунистик партия ҳокимият ишчилар синфи ва камбағал деҳқонлар қўлига ўтиши учун олиб борилаётган курашда Ленинниинг «Бутун ҳокимият Советларга!» деган жанговар шиорини майдонга ташлади. Буржуа-демократик революциядан социалистик революцияга ривожланишнинг ленинча программаси Ўрта Осиё халқлари тақдирида ҳам ҳал қилувчи роль ўйнади.

Дарҳақиқат, энг илғор марксча-ленинча назария билан қуролланган Коммунистик партия миллий чекка ўлкалар, жумладан Ўрта Осиё меҳнаткашларини Россия революцион ишчилар синфи билан жипслаштира олди ва пролетар революцияси миллий-озодлик ҳаракатлари билан амалда қўшилишига раҳбарлик қилди.

Ўрта Осиё меҳнаткашлари большевиклар раҳбарлигида империализмга ва «ўз» ички эксплуататор синфларга қарши баҳодирона курашни кучайтирдилар. Революцион ҳаракатда Н. В. Шумилов, Е. А. Бабушкин, В. С. Ляпин, В. П. Бауман, П. Т. Полторацкий, А. И. Фролов ва бошқа большевиклар маҳаллий меҳнаткашлар ўртасида Ленин ғояларини тарғиб қилдилар. Улар раҳнамолигида ерли меҳнаткашларнинг революцион ҳаракатда актив иштирок этган А. Абдусаматов, О. Бобожонов, Ж. Камолов, О. Мирпўлатов, Ш. Зокиров каби илғор вакиллари Ленин партияси сафига ўтдилар.

1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь)да В. И. Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия раҳбарлигида Россия ишчилар синфи камбағал деҳқонлар билан бирга Улуғ Октябрь социалистик революциясини амалга оширди. Совет ҳокимияти қарор топди. Туркистонда ҳам Октябрь революцияси ғалаба қилди. Халқлар тарихида янги давр бошланди. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги таҳрирдаги Программасида уқтирилганидек: **«Улуғ Октябрь социалистик революцияси жаҳон тарихида бурилиш яратган воқеа бўлди, жаҳон тараққиётининг бош йўналиши ва асосий тенденцияларини белгилаб берди. Капитализмнинг янги, коммунистик ижтимоий-иқтисодий формация билан алмашинувидан иборат муқаррар жараённи бошлаб берди».**

Совет ҳокимияти вужудга келган дастлабки кунлардаёқ партиянинг ленинча программасига асосланиб, барча халқлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги эълон қилинди, миллий чекка ўлкалар халқларининг давлат бўлиб ажралиб чиқишига қадар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи таъминланди. Тарихда биринчи марта қолоқ мамлакатлар халқларининг капиталистик тараққиёт йўлини четлаб социализмга ўтиши тўғрисида марксча-ленинча ғояни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Туркистонда ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш соҳасида кенг тадбирлар амалга оширилди. Дастлабки социалистик ўзгаришлар муносачи партиялар ва буржуа миллатчи ташкилотларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Туркистондаги аксилинқилобий кучлар «Қўқон мухторияти»ни эълон қилиб, Совет ҳокимиятига қарши чиқдилар. Мазкур автономия тор-мор келтирилгандан кейин феодал-клерикал элементлар ва турли-туман буржуа группалари чет эл интервентларининг қўллаб-қувватлаши билан босмачилик ҳаракатини, қулоқларнинг исёнларини ва фитналарини уюштирдилар. Улар туркистонлик 14 комиссарни ўлдирдилар. Туркистон Совет Республикаси оғир синовларни бошдан кечирди. Совет Россиясидан ажратиб қўйилган Совет Туркистони қўшинлари вайронгарчилик, очлик ҳукм сурган, қурол ва ўқ-дори етишмаган ғоят оғир бир шароитда кенг меҳнаткашлар оммасининг мададига таяниб, ҳамма томондан ҳужум қилаётган душманнинг хуружларини қаҳрамонона қайтардилар.

В. И. Ленин бошчилигидаги Совет ҳукумати Туркистонни чет эллик интервентлар ва ички контрреволюциядан озод қилиш учун шошилинч чоралар кўрди.

Қизил Армиянинг Шарқий фронтдаги ҳал қилувчи ғалабалари Колчак қўшинларининг қолдиқларини тор-мор келтиришни таъминлади. Туркистонга йўл очилди. 13 сентябрда Қизил Армия қўшинлари Туркистондаги Қизил Армия қисмлари билан бирлашди.

Гражданлар уруши бошланганда, Туркистон Коммунистик партияси ташкилий жиҳатдан қарор топиш босқичида эди. Туркистонлик коммунистларнинг кўпчилиги революцион кураш ва ғоявий-назарий тайёргарлик соҳасида етарли тажрибага эга эмас эди. Уларнинг бир қисми орасида шовинистик ва миллатчилик кайфиятлари кучли эди. Туркистонда Совет ҳокимиятининг дастлабки икки йили мобайнида юз берган бу ва бошқа барча қийинчиликлар шуни кўрсатдики, Туркистоннинг ёш Коммунистик партияси партия ички ҳаёти соҳасида ва ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда, ҳарбий, давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида РКП(б) Марказий Комитетининг ва Совет ҳукуматининг доимий, бевосита ёрдамига муҳтож эди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 4 (434)
Апрель
1986

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон» № 4, 1986 й.

В. И. Ленинниng ташаббуси билан 1919 йил 8 октябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ Г. И. Бокий, Ф. И. Голошчекин, В. В. Куйбишев, Я. Э. Рудзутак, М. В. Фрунзе, Ш. З. Элиавадан иборат РСФСР Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг комиссияси тузилди. Комиссия давлат ва партия органи ваколатларига эга эди. Унинг асосий вазифаси — Туркистон халқларининг Россия меҳнаткашлари билан иттифоқини мустаҳкамлаш, Туркистонда миллий сиёсатни амалга оширишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш, партия ишини йўлга қўйишдан иборат эди.

Туркистонга Бутунроссия МИК ва РСФСР ХКС комиссиясининг юборилиши муносабати билан В. И. Ленин «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» деган хат ёзди. Туркистон Компартияси ўлка комитети, ўлка мусулмонлар бюроси ва Туркистон МИК Президиумининг бирлашган мажлиси Ленинниng хати билан танишиб ва комиссия раиси Элиаванинг докладини тинглаб, қуйидагича қарор қабул қилди: «Тарих бизга юклаган барча вазифаларни партиямизнинг Марказий Комитети ва III Интернационал кўрсатмаларига бўйсунган ҳолда бажарамиз, деб қасамёд қиламиз». 1920 йилнинг январида Ленинниng хати Туркистон Коммунистик партияси V Умумпартия ўлка конференциясида муҳокама қилинди. Конференция В. И. Ленинга хат йўллади. Унда Туркистон коммунистлари йўл қўйилган хатоларни бартараф қилишга, Туркқомиссияни якдиллик билан қўллаб-қувватлашга ваъда бердилар.

Ленин Ўрта Осиё коммунистларининг, шунингдек, мамлакатнинг бошқа шарқий чекка ўлкалари коммунистларининг диққат-эътиборини мустамлака ўтмиш қолдиқларини қатъиян тугатишга, меҳнаткашларнинг иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳар қандай тенгсизлигига барҳам беришга, меҳнаткашларни совет ва хўжалик қурилишига кенг жалб этишга, шу асосда Совет Шарқи халқлари билан Совет Россияси халқлари ўртасидаги муносабатларда тўла тенглик ва бузилмас дўстлик ўрнатишга қаратди.

Доҳиймизнинг ушбу хатида собиқ мустамлака чекка ўлка халқларига нисбатан пролетар интернационализми принциплари эълон қилинган ва Туркистондаги миллий масалани ўз тақдирини ўзи эркинлик билан белгилаш асосида ҳал этишнинг халқаро аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган эди. «Совет ишчи-деҳқон республикасининг кучсиз, шу дамгача эзилган мазлум халқларга муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, минглаб ва миллионлаб кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади, — дейилади бу ҳужжатда. — Мен сизлардан бу масалага, айниқса, эътибор беришингизни, Туркистон халқлари билан ибрат кўрсатиб, амалий иш билан ўртоқларча муносабат ўрнатишга бутун кучингизни сарф қилишингизни, Британия империализми бош бўлган жаҳон империализмига қарши астойдил курашиш учун великорус империализмининг изларини йўқотишни чин кўнгилдан истаганлигимизни уларга иш билан исбот қилишингизни, бизнинг Туркистон комиссиямизга катта ишонч билан қарашингизни ва унинг директиваларига, яъни ҳудди шу руҳда унга Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети томонидан берилган директиваларга қаттиқ риоя қилишингизни сизлардан жуда илтимос қиламан». (В. И. Ленин. ТАТ. 39-том, 349—350-бетлар).

В. И. Ленинниng йўл-йўриқлари нокапиталистик тараққиёт йўли тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотга мувофиқ Туркистонда ўтказилган социал-иқтисодий ўзгаришлар программасига асос бўлди.

Туркистоннинг партия ва совет ходимлари Туркқомиссиянинг ёрдамида чет эл интервентларига ва босмачиларга қарши курашни, халқ хўжалигини тиклаш, партия ва совет органларини мустаҳкамлаш ишларини қизиғиб юбордилар. Маҳаллий миллат меҳнаткашларини Қизил Армия сафига кенг жалб этиш, ўзини мудофаа қилувчи кўнгилли отрядлар сонини кўпайтиришга айниқса катта аҳамият берилди.

Туркистон фронтининг қўмондони М. В. Фрунзенинг 1920 йил 7 майда маҳаллий миллат меҳнаткашларидан 30 минг кишини Қизил Армия сафига олиш ҳақида чиқарган буйруғини ўлка меҳнаткашлари зўр шодлик билан кутиб олдилар. Совет ҳокимиятининг қуролли қўшинлари сафига маҳаллий миллат меҳнаткашларидан 31 мингдан ортиқ киши қўшилди.

Қизил Армиянинг Туркистон меҳнаткашлари билан биргаликда олиб борган қаҳрамонона кураши натижасида 1920 йилнинг бошларида Закаспийда инглиз интервентлари тор-мор этилиб, апрель ойида Еттисувдаги оқ казакларнинг чиқишлари бостирилди. Бу даврда Фарғона водийсидаги ва бошқа жойлардаги босмачиларнинг асосий кучларига қақшатқич зарба берилган эди.

Ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан амалга ошириш Ўрта Осиё халқлари тарихида жуда катта социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни рўёбга чиқарди.

Туркистонда ички ва ташқи душманларга зарба берилиб, Совет ҳокимияти мустаҳкамланди. 1920 йилда бўлиб ўтган халқ демократик революциялари натижасида Бухоро амирлиги ва Хева хонлиги ағдарилди. Ўрта Осиё харитасида янги халқ давлатлари — Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари вужудга келди.

Туркистон, Бухоро ва Хоразм Совет Республикалари кўп миллатли республикалар эди. Бу республикалар Совет Россияси ёрдамида иқтисодий-маданий томондан ривожланиб, катта муваффақиятларга эриша бошлади. Ўзбек, тожик, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа социалистик миллатлар тобора равнақ топди. Улуғ Ленин шу тарихий жараённи ҳисобга олиб, 1920 йилдаёқ «Туркистоннинг харитасини тузишни ва унда Туркистонни Ўзбекистон, Қирғизистон ва Туркманистонга бўлишни кўзда тутиш», ана шу уч қисмни бирга қўшиш ёки ажратиш шароитларини батафсил аниқлаш зарур, деб топди. Ленин бу масалани ўйлаб, пухта тайёргарлик билан иш олиб боришни уқтирди: «Республикани уч қисмга бўлиш масаласини олдиндан ҳал этиб бўлмайди», — деб таъкидлаб ҳам ўтди.

В. И. Ленин Туркистонда бир неча миллий республикалар ташкил этиш ғоят муҳим иш эканлигини жуда яхши тушунтирди. Доҳийнинг доно кўрсатмалари маҳаллий партия ва совет ташкилотларини партиянинг миллий сиёсатини амалга ошириш учун равшан йўл-йўриқ билан қуроллантирди. Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикалари юксала бориб, социалистик республикаларга айланганидан кейин бутун Ўрта Осиё миқёсида






Наманган областидаги 10-қурилиш трестининг 16-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари Наманган шаҳрида сут маҳсулотлари комбинати қурилишини жадал суръатлар билан олиб бормоқдалар. Суратларда: (ўнгдан тўртинчи) прораб Ғофир Насриддинов қурувчилар бригада бошлиқлари билан маслаҳатлашмоқда.

Қурилиш бошқармасининг илғор электр пайвандчиси Алишер Ҳайитов.

Монтажчи Турсунбой Юсупов.



А. Жданов фотолари

миллий-давлат чегараланишини ўтказиш имконияти туғилди. Бунинг учун 1924 йилда барча тарихий шароитлар вужудга келди. Босмачилик ҳаракати тугатилди. Совет ҳокимияти мустаҳкамланди. Социалистик хўжалик ва маданиятнинг ривожланишида муҳим муваффақиятларга эришилди.

Ўзбек социалистик миллатининг таркиб топиши тезлашди. Мана шундай қулай шароитда 1924 йилда Ленин назариясига изчил амал қилиниб, Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилди. Натижада, ўлкада ҳозирги республикалар ва шу жумладан Ўзбекистон ССР Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилиб ва составига ихтиёрий равишда қўшилиб, буюк дўстликдан баҳраманд бўлди.

Айни вақтда Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил топди. Бу тарихий воқеа ленинча миллий сиёсатнинг янги ғалабаларидан далолат эди.

Советлар мамлакатида индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш натижасида Ўзбекистон мамлакатимизда қудратли саноатига эга бўлган ва колхозлашган республикага айланди.

Ўзбек халқи барча синовлардан ғолиб чиқиб, социалистик интернационализм байроғи остида ўз тақдирини рус халқи билан, мамлакатимизнинг барча халқлари билан абадий боғлади ва улар билан биргаликда ривожланган социализм поғонасига кўтарилди.

Совет Шарқининг тарихий муваффақиятлари бу ерда коммунистик ташкилотларнинг қарор топиши ва ривожланиши, марксизм-ленинизм ғоялари ва пролетар интернационализми принципларини асосида мустаҳкамланиши билан боғлиқдир. В. И. Ленин Совет Шарқида коммунистик ҳаракатнинг қарор топиш йўлларини кўрсатди. Бу ердаги коммунистик ташкилотларнинг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишида Ленин партияси ҳал қилувчи роль ўйнади. Бунда партия Марказий Комитетининг ваколатли органи бўлган Туркомиссия, Туркбюро ва Ўрта Осиё Бюроси катта ёрдам берди.

Ўрта Осиё коммунистлари В. И. Ленининг сафдошлари В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Я. Э. Рудзутак, С. Орджоникидзе, М. И. Калинин ва бошқа ўртоқлардан катта ёрдам олдилар ва уларнинг бой тажрибаларидан баҳраманд бўлдилар.

Партиямиз ленинчи Марказий Комитети ёрдамида маҳаллий халқлар орасидан Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов ва омманинг бошқа кўпгина чинакам раҳбарлари етишиб чиқдилар.

В. И. Ленининг миллий масала бўйича программаси ва сиёсати муваффақият билан амалга оширилганлигига Совет Ўзбекистони ёрқин мисол бўла олади. Республикамиз қисқа тарихий муддат ичида, ленинчи партия раҳбарлигида, улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг бебаҳо ёрдамида қолоқликдан тараққиётга, феодализмдан социализмга ўтди.

1918 йилда Ўзбекистон территориясидаги жами коммунистларнинг сони икки мингдан иборат эди. Ҳозирги кунда эса КПССнинг жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон Коммунистик партияси 641 мингдан ортиқ коммунистни бирлаштиради.

Ленинизм ғояларига содиқ, меҳнаткашларни социалистик интернационализм руҳида, совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаб келаётган Ўзбекистон Компартияси коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли бажаришни таъминламоқда.

Саноат корхоналари, қурилишларда, пахта далаларида, маданият жабҳаларида республика меҳнаткашлари сўзда эмас, балки амалда Ленин ғояларига, пролетар интернационализми ленинча принципларига садоқат намуналарини кўрсатмоқдалар.

В. И. Ленин асарларининг ўзбек тилига таржимаси муваффақиятли амалга оширилганлиги республикамизнинг сиёсий ва илмий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. В. И. Ленин Тўла Асарлар тўпламининг ўзбек тилида нашр этилиши халқимизнинг пролетариат доҳийсига бўлган сўнмас меҳр-муҳаббати ва бемисл ҳурматининг рамзидир.

Биз шу билан фахрланамизки, Ўзбекистон Коммунистик партияси В. И. Ленин васиятларига амал қилиб, мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, меҳнаткашларни интернационализм руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳоншумул-тарихий ютуқлари — В. И. Ленининг буюк кўрсатмаларини, унинг Совет Шарқи коммунистларига қаратилган фикрлари ва умидларини рўёбга чиқариш самарасидир.

Совет Ўзбекистони ўзининг бутун ҳаёти билан, қўлга киритаётган барча ютуқлари билан Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг тўғри эканлигини, мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ва социалистик интернационализми ҳақидаги ленинча ғояларнинг улуғворлиги ва енгилмаслигини исботлади.

Ўзбекистон Компартияси КПСС Марказий Комитетининг Апрель ва Октябрь (1985 йил) пленумлари қарорлари асосида социал ва иқтисодий ривожланишга раҳбарликни мустаҳкамламоқда, партия ва совет раҳбарлигида айрим шахслар томонидан йўл қўйилган бузғунликлар, салбий ҳаракатлар ва хатоларни фош қилиб, республика ҳаётида ленинча йўлни изчиллик билан амалга оширишга катта эътибор бермоқда. Бу соҳада Ўзбекистон Компартиясининг XVI Пленуми муҳим роль ўйнади. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди КПССнинг ички ва ташқи интернационал сиёсатини тўла маъқуллади. Республикада партия раҳбарлигининг ленинча услубига риоя қилиб, янги муваффақиятларга эришиш соҳасида муҳим қарорлар қабул қилди.

Совет Шарқининг ривожланган социализм ғалабалари ва коммунизм сари илдам қадамлари В. И. Ленин васиятлари изчил амалга оширилаётганлигининг натижасидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев мамлакатимизнинг барча халқлари партия раҳбарлигида Ленин йўлидан бориб, катта ғалабаларга эришаётганликларини уқтирди. «Ленин коммунистларга ҳамма ишда меҳнаткашларнинг манфаатларига асосланиш, ҳаётни чуқур билиш, ижтимоий ҳодисаларни реалистик, синфий позицияларда туриб баҳолаш, — деди у КПСС Марказий Комитетининг Апрель (1985 йил) пленумида қилган докладида, — коммунизм идеалларини амалга оширишнинг энг яхши йўлларини доимо ижодий излаш керак, деб таълим берган эди. Бугунги кунда биз ўзимизнинг ишларимиз ва режаларимизни Ленинга, унинг улуғ ғояларига қиёс қилмоқдамиз, Ленин васиятларига мувофиқ яшаб, ишламоқдамиз».

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди жуда катта тарихий аҳамиятга молик воқеадир. Съезд мамлакатимизни социализм йўлидан такомиллаштира бориб, коммунизм сари жадал суръатлар билан ривожлантиришнинг илмий-программавий планларини белгилаб берди. Бу улуғвор режалар негизида совет республикалари қардошлик оиласида Ўзбекистоннинг ҳамма соҳалари ривожланишида янада муҳим, зўр ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Съездда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилган Сиёсий докладда шу нарса алоҳида таъкидландики, партия белгилаб берган планлар амалга оширилишининг асосий гарантияси шундаки, энг аввало, бизнинг планларимиз марксча-ленинча фаннинг мустаҳкам пойдеворига қурилади, улар Владимир Ильич Ленин ғояларининг битмас-туганмас бойлигига таянади.

Ҳозирги Ўзбекистон Ленин йўлидан — барча совет республикалари билан муштарак йўлдан бориб, рус халқи, мамлакатимиз барча миллатлари ва элатлари билан қардошларча иттифоқда бугунги кунда юксак экономикага, юксак социалистик маданиятга эга бўлган республика бўлиб ривож топаверади, истиқболимиз — коммунизм тантанаси сари дадил одимлайверади.



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Обид Акромхўжаев (ўртада), Анатолий Киришин ва Шавкат Амирхоновнинг нефть ва газ геологияси соҳасидаги янги тадқиқотлари 1985 йил 31 октябрда СССР Ихтиролар ва кашфиётлар давлат комитети томонидан муҳим янгилик сифатида қайд этилди.

А. Жумаев фотоси

Георгий МАРКОВ

ИСТЕЪДОДГА ИШОНЧ

ЕЗУВЧИ ЎЙЛАРИ

Ғ ОҲО ўзимнинг Сибирдан олган таассуротларим ёдимга тушиб, — она ўлкага тез-тез бориб турганим учун бундай таассуротлар беҳисоб, — нефтчилар, қурувчилар, деҳқонлар, овчилар билан бўлган учрашувларни, ишчанлик билан, очиқчасига айтилган гапларни эслайману шундай хулосага келаман: СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида таъкидланган «улкан планлар» албатта амалга ошади.

Бундай хулоса совет ватанпарварларининг ижодий ва фидойилик билан, ташаббус кўрсатиб ишлашга чексиз истак билдираётганликларига, моғорлаб қолиш ва ғафлатга тушишга қарши курашаётганликларига, яъни партиявий программ ҳужжатлар бизни қай тариқа ишга чоғлаётган бўлса, шундай меҳнат қилаётганликларига асосланган-дир.

Тюменлик ер қазувчилардан бири — кўп йиллардан бери Сибирдаги нефть бойликларини ўзлаштираётган кишининг сўзларини эслайман:

— Баландпарвоз мажбуриятлар ҳақида минбарлардан қичқиришлар жонга тегди, қани эди камроқ гапирилиб, ўша мажбуриятлар бажарилаверилса.

Сафсатабозлик, қуруқ ваъдалар камайсаю, ҳақиқий иш кўпроқ бўлса — сибирликлар билан, йўлимиз тушган бошқа ўлкалардаги меҳнаткашлар билан бўлиб ўтган барча суҳбатларимизда ана шу фикр муттасил жаранглаб турди. Фақатгина айни пайтларда эмас, КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси ва Асосий йўналишлар матбуотда эълон қилингунгача ҳам шундай суҳбатлар бўларди. Мазкур ҳужжатларда «янгича ишлаш лозим» деган сўзлар тез-тез учраб туради. Демак, бу «эскичасига ишлаш» мумкин эмас, дегани. Демак, ҳаётдаги барча соҳаларда ва барча жиҳатларда формализмни йўқотиш, гирдобга тушиб қолган баъзи бировлар ҳали ҳам ўзини қутқариш учун ёпишаётган шаблонларни ва схемаларни йўқотиш зарур. Одамларнинг ижодий яратувчилик руҳини кенг миқёсда ривожлантириш — уларнинг ташаббусини бўғиш эмас, қўллаб-қувватлаш зарур. Ўзимизнинг умумий бойлигимизни асрашимиз, талонторож этмаслигимиз, унга ўзимизникидек муносабатда бўлишимиз зарур.

Яширишнинг ҳожати йўқ: менинг Сибирдаги ва Уралдаги, Қозоғистондаги ва Ноқоратупроқдаги кўпгина суҳбатдошларим биз ёзувчиларга қаттиқ эътироз билдирмоқдалар. Нега адабиёт ҳаётдан орқада қолаётир? «Орқада қолаётир!» Бунчалик бир хилдаги баҳо наҳотки адолатдан бўлса, деб ўйлаб қоламан. Истеъдодли сўз санъаткорлари адабий жараённинг барча пайтларида ҳаётнинг разведкачиси бўлиб келганлар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий тараққиётимизда юз берган хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин — янги тенденцияларни пайқаб олишда жамиятга кўмаклашганлар. Совет ҳокимиятининг тонготарида, биринчи беш йиллик пайтларида шундай эди. Бунинг учун Гладковнинг «Цемент», Шагиняннинг «Гидроцентраль», Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди», Леоновнинг «Соть», Шолоховнинг «Очилган қўриқ», Катаевнинг «Давр, олға бос» ва бошқа классик асарларга айланиб қолган китобларини эслаш кифоядир. Ана шу асарларда «гўзал ва шиддатли дунё»ни қурган шан-шавкатли ва мард одамлар яшаган даврнинг юрак зарби билиниб турарди. Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам, фашист ваҳшийлари вайрон қилган халқ хўжалигини тиклаш даврида ҳам адабиёт партия билан, халқ билан бирга бўлди. У бугун ҳам — мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни тезлаштириш учун бошланган умумхалқ юришининг қатнашчиси, жамиятда юксак талабчанлик муҳитини яратишга, совет кишиларида психологик қайта қурилишлар яратишга кўмаклашмоқда. Зеро, чинакам тарихий, революцион характердаги вазифаларни ҳал этиш ана шу совет кишилари зиммасидадир. Бу ерда барча ҳурматли адабий номларни ва бебаҳо асарларни санаб ўтирмайман — улар миллионлаб китобхонларнинг хотирасидан жой олган. Андерсен эртагида Қор қиролича Кай исмли болани эрувчан муз парчаларидан улуғвор ва совуқ «мангулик» сўзини ясашга мажбур этади. Улар Кайнинг илиқ қўлларида эриб кетаверади, мангуликни эса, «қуриб бўлмайди», у сирпаниб кетаверади, ўзича ҳаракат қилади, реестрларга ва рўйхатларга сиғмайди. Баъзи докладлар ва нутқларга ёзувчиларнинг исмларини мажбуран тиқиштиришда ҳам худди шунақа ҳолатлар юз беради. Бу ишлар адабиётимизнинг тўла ғоявий-эстетик бойлигини ҳамиша ҳам аниқ акс эттира олмайди. Муҳими шуки, кўп миллатли адабиётимиз саҳифаларидан чиқиб келган қаҳрамонларнинг образлари орқали Советлар мамлакати тарихини яратиш, улар билан янги жамият тараққиётининг барча даврларидаги совет кишиси характерини тасаввур этиш мумкин.

Совет кишисининг ижтимоий оптимизми ҳамиша чинакамига улуғ ишларни яратиб келди ва бу ишларнинг акс эттирилишида социализм тараққиёти бадиий маданиятининг ажралмас қисми бўлган адабиёт ҳаёт гирдобида ўзига хос маънавий компас бўлиб келди, келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Еки шундай таърифлаш мумкин: Адабиёт — катта ҳарфлар билан ёзилади, чунки мен ҳозир унинг ҳаётимизнинг ажралмас қисми эканлиги ҳақида, ҳамманинг ва ҳар бир кишининг ҳаёти эканлиги ҳақида, унинг зиммасига «халқ манфаатига, коммунизм ишига, миллионлаб кишилар учун қувонч ва илҳом чашмаларини очишга, уларнинг иродасини, ҳис-туйғусини ва фикрини акс эттиришга, уларнинг ғоявий камолоти ва маънавий тарбиясига хизмат қилиш» вазифаси юклангани ҳақида сўзламоқдаман. Ленин партиясининг янги таҳрирдаги Программасида адабиёт ва санъатнинг роли хусусида шундай дейилган.

Съезднинг партиявий ҳужжатларида бадиий маданиятга катта ўрин ажратилди. Партия адабиёт ва санъатнинг жамиятдаги ролини тушунишдаги ленинча нуқтаи назарга суяниб ва санъаткор меҳнатининг ўзига хослигини ҳисобга олиб, реал амалиётда шундай бир муносабат системасини яратди ва тасдиқладики, бу нарса санъаткорни, ижодкорни жамият номидан гапириш ҳуқуқига эга бўлган мўътабар шахсга айлантирди. Мен бундай ютуқни тарихий деб аташдан қўрқмас эдим, зеро, бунақа ҳуқуқ аввалги даврларда юзага чиқмаган эди, бошқа ижтимоий шароитларда уни яратиш мумкин ҳам эмас.

Бундай ҳолат осонликча юзага келгани йўқ, ҳозир ҳам уни соддагина иш деб тушуниш мумкин эмас. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси адабиёт ва санъат соҳасида ленинча принципларга содиқ сиёсатни ишлаб чиқди, бу сиёсат истеъдодларнинг ижодий имкониятларини тўла-тўкис ифода этишга, санъаткорларнинг халқ ҳаётининг долзарб муаммоларига, кундалик ишлар ва жамият ташвишларига иштирок қилишларига қаратилгандир. Шунинг учун бугун ғурур билан айтамизки: бизнинг мамлакатимизда чинакам халқчил санъат, гуманизмнинг юксак ғояларидан илҳомланган халқ санъати ва халқ учун хизмат қиладиган санъат яратилган. КПСС Программаси (янги таҳрири) маънавий ҳаётимизнинг ана шу белгиларини аниқ ифода этади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, КПССнинг йўли бадиий ижод соҳасидаги маъмуриятчиликни рад этади. Бу ишда ишонтириш, эътиқод — санъаткорлар билан муносабатдаги асосий метод ҳисобланади, коммунистик дунёқарашни шакллантириш учун ғамхўрлик қилади. Бу эса, санъат кишиларига халқ манфаати учун ғайрат билан меҳнат қилиш, юксак ижодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имкониятларини очиб беради.

Бундай ишончни чинакамига баҳолаш қийин. Лекин унга муносиб тарзда, сўзда эмас, амалда жавоб бериш зарур: бунда ёзувчилар ҳар қандай совет гражданидан фарқланмасликлари керак. Партия бизнинг ҳар биримизни даъват этаётган ишларга муносиб, ўзида халқ характерини мужассамлаштирган китоблар билан жавоб бериш лозим.

Менга қолса, бу тушунчани икки хил талқин қилган бўлар эдим. Халқ характери дегани ўзида авлодларнинг катта маънавий-ахлоқий тажрибаларини намоён қилган бунёдкор халқ характери, биринчи беш йилликлар, оғир уруш йиллари, хўжаликни тиклаш даври қийинчиликларини бошидан кечирган ва енгган халқ характери демакдир. Бу бизнинг кунларимиз киши-си — ишчи, деҳқон, олим, партия ёки хўжалик ходими характери дегани ҳамдир. Партиямиз учинчи минг йилликка бўлган ҳаётни планлаштирар экан, тўғриси, ана шу совет характерига суянган ҳолда иш кўрмоқда.

Яшириб ҳам нима қилдик, ҳозирча ёзувчиларимиз томонидан сира иккиланмай Семён Давидов ёки Павел Корчагин, Глеб Чумалов ёки профессор Вихров билан ёнма-ён қўйиш мумкин бўлган замонамиз қаҳрамони образи яратиб берилгани йўқ. Ҳа, кўп ишлар қилинди, қилинмоқда, совет ёзувчилари умумий ишда ўз меҳнатлари эгаллаб турган ўрин билан ҳақли равишда фахрланадилар. Тўғри, бу меҳнатни тонналаб ёки метрлаб ўлчаб бўлмайди. Лекин у ҳеч қандай ҳисоб-китобга бўйсунмайди, деб ўйлаш ҳам нотўғри. Аксинча, у кўзга кўринмаган ҳолда, лекин ҳар соатда, ҳар куни халқ томонидан, унинг сезгир, жиддий, одил қалби томонидан баҳоланади. Дарвоқе, умуман олганда, бу керакли даражада юксак баҳодир. Кўпинча профессионал танқидчилигимизнинг оммавий китобхонга нисбатан «ўзга фикрда» бўлиши эса, тамомила бошқа гапдир. Китобхонлар янги асарни ёки

янги роман босилган журнал сонини қўлма-қўл қилиб ўқийдилар, танқидчилар эса, лом-лим демайдилар, китобхонларнинг қизиқишини ҳисобга олишни хоҳламайдилар. Ёки китобхонлар юрагига етиб боролмаган асарларни кўкка кўтариб мақтайдилар.

Адабий-бадиий танқид юзингкўзинг демайдиган — ўткир бўлмоғи керак, юзаки баҳоловчи эмас, аналитик бўлмоғи керак. Биз танқидчилик умумий адабий сафда ўз муносиб ўрнини эгаллаши, адабиётчиларимизнинг сиёсий камолотини, ижодий ва жамоатчилик фаоллигини ошириш ишида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши учун ғамхўрлик қилишимиз керак. Танқид, таъбир жоиз бўлса, наинки фақат — нима ўқиш, қандай ўқиш керак деган масалада ўқувчилар учун, балки — биринчи навбатда! — ёзувчилар учун компас бўлмоғи зарур. Носирларга, шоирларга, драматургларга, публицистларга, танқиднинг: бу даврий аҳамиятга молик роман, униси эса иқтидор билан ёзилган холос, анавиниси эса ҳеч нарсага ярамайди, деган ёрлиқлар эмас, балки муайян асарларнинг фазилатлари ва нуқсонларини, муаллифнинг муваффақиятлари ва камчиликларини тийраклик билан, чуқур очиб берувчи таҳлил керак. Қисқаси, «катта мезон асосидаги» профессионал ва принципиал сўз керак.

Биз жуда яхши биламизки, ҳаётимизнинг бунёдкорлик руҳини, драматизми ва улуғлигини бадиий сўз орқали тўғри ва илҳом билан тасвир этиш учун ҳали жуда кўп иш қилиш керак. Ана шунинг учун ҳам мазмунан нотавонлигини, истеъдодсизлигини актуаллик билан ниқоблашга уринадиган тезпишар — «муҳим мавзудаги» ямоқ-ясқоқларга асло сабр-тоқат қилиб бўлмайди.

Гоҳо шундай бўладики, қандайдир муаллиф шунақа бир «тезпишар» нарсани ёзиб қўяди-ю, ҳеч қандай танқидни тан олмайди. Гўё у «масалани ўткир бир тарзда қўйган», гўёки «чуқур қатламларни ағдарган», уни эса, буни қарангки, етарли даражада баҳолашмаган. Ёки матбуотда танқид қилишган.

Бундай муаллифларга шундай дегингиз келади: ҳой, бундоқ кўзингизни каттароқ очиб атрофга қаранг; иқтидорингиз бўлса, ҳаётнинг қайнаб турган жойларига боринг; ана шунда унинг ҳақиқий қаҳрамони ким эканлигини кўрасиз!..

Ленининг омма орасида большевикчасига ишлаш санъати тўғрисида айтилган қуйидаги сўзлари ҳар доим эсимда туради:

«Омма билан алоқа.
Омма ичида яшамоқ.
Кайфиятни билмоқ.
Ҳамма нарсани билмоқ.
Оммани тушунмоқ.
Ёндаша билмоқ.
Унинг *мутлақо* ишончини қозонмоқ.

Раҳбарлар ўзлари раҳбарлик қилаётган оммадан ажрамасликлари, авангард бутун меҳнат армиясидан ажралмаслиги керак» (ТАТ, 44-том, 557-бет).

Бу аниқ ва лўнда-сиқиқ формулалар ёзувчи меҳнатига ҳам тааллуқли эмасми? Бундан кўра ҳам, унинг ҳаёт тарзига тааллуқли эмасми? Тааллуқли бўлганда қандоқ! Надежда Константиновна Крупская Владимир Ильич ҳақида хотирлаб шундай деган эди: «У ҳаётга қараб тўймас эди, у ҳаётни эҳтирос билан севар эди — деҳқонлар билан суҳбатлашар, уларнинг ишларини юргизар, кузатар, қишлоқни ўрганар эди». Большевикларлари бу ленинча хусусият ҳақида «Сибирь» романимни ёзаётганимда кўп ўйладим, энди, «Келажак асрга» романимни тугаллаш устида ишлаётган пайтимда ҳам ўйламоқдаман. Аминманки, мамлакатда ҳар қандай — иқтисодий, ижтимоий, ахлоқий ўзгаришларни амалга ошириш учун халқнинг руҳий тажрибаси қанчалик азиз эканлигини ленинчасига билиш коммунистларни халқнинг қалбига олиб кирган ва олиб киради.

Ҳа, «ҳаётни ўрганиш учун» ҳар хил йўл-йўриқлар ўйлаб топиш маъносиз бир иш: ҳар ким воқеликни ўзича, ўзига хос тарзда кўради. Лекин кимки ҳаётдан қочса, унинг муҳим мавзуларидан, муаммоларидан қочса, кимки Коммунистик партиянинг ҳормас-толмас фаолиятидан четда қолишни хоҳласа, у ёзувчи деб аталишга ҳақли эмас. Ва албатта истеъдоднинг йўналиши, унинг ғоявий қуролланганлиги биринчи даражали аҳамият касб этади. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида мухтасар қилиб шундай дейилган:


«КПСС истеъдод эгаларини авайлаб асрайди, бадиий изланишига ҳурмат билан муносабатда бўлади. Айни пайтда у ижодий союзларга, жамоатчилик фикрига, марксча-ленинча бадиий танқидга таянган ҳолда ғоясизлик ва дунёқарашдаги бефарқлик, эстетик жиҳатдан ғўрлик, кўринишларига қарши ҳамиша курашиб келди ва бундан кейин ҳам курашаверади».

Биз, адабиётчилар учун партия анжуманига тайёргарлик даври Бутуниттифоқ ёзувчилар съездига тайёргарлик даври билан тўғри келди. Бунинг ҳаммаси ўзига хос талабчанлик муҳитини юзага келтирди, ёзувчилар ташкилотларини ўз ишларидаги кўп нарсаларни қайта кўриб чиқишга мажбур этди. Биз ҳар бир таклифни, барча танқидий мулоҳазаларни эътибор билан тинглаймиз ва тўғри — партиявий! — хулосалар чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Биз — оптимистлар мамлакати, биз учун ҳаёт доимий мактаб. Билиш мактаби. Бурчга садоқат мактаби. Мардлик ва сабот мактаби. Юксак ғоявийлик мактаби. Ёзувчи туғилганидан бошлаб то сўнгги нафасигача — бу улуғ мактабда ўқийди. Лекин унинг, ёзувчининг яна бир бебаҳо мактаби — буюк анъаналарга эга бўлган, бизнинг олис ва яқин салафларимиз, замондошларимиз, меҳнатдаги сафдошларимиздан таркиб топган адабиётнинг ўзи ҳам мавжуд.

Адабиёт эса — агарда у ҳақиқий бўлса! — ҳамиша оптимистдир.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР



Икром ОТАМУРОДОВ

* * *

Юрт ҳақида гапирмоқ учун,
Унга фидо бўлмоғинг керак.
Бунинг маъноси — роҳатдан
кечиб,
Далаларга сочилсин юрак.

Ҳансираган офтоб тиғида
Чатнаган ғўзани кўзингга суртиб
Турмасанг, турмасанг беҳуда —
Юртим, деганинг оғиз
кўпиртириб.

Соя-салқин нелигин билмай —
Тер таёқдай қотирган белга,
Ярамасанг худди малҳамдай,
Учар, қуруқ гапларинг елга.

Илдизи берк дарахт сингари
Пойида ер, бошида осмон
Бўлолмасанг, бекордир бари —
Куйинганинг, ёнганинг ёлғон!

Еки, оқар дарё мисоли,
Сингимасанг қадам-бақадам —
Елғон, минг хил рангдан тус олиб
Севаман, деб ҳайқирганинг ҳам.

Севаман, деб ҳайқирганинг ҳам...
Жаконданинг суратин кўриб:
«Қандай гўзал, йўқ унга тараф,
Арзир унга жонингни бериб —
Қурбон бўлсанг!» дегандайин гап.

Шундоқ келиб, пайкал бошидан
Ғўзаларга бир назар ташлаб,
Не борлигин ичу ташида,
Билмай қайтиб кетгандайин гап.

Севаман, деб ҳайқирганинг ҳам...
Ғўзалар бағрига кирмайин,
Елғон, улар учун куйинмоқ...
...Пайкалларни яшнатмоқ қийин,
Жуда осон томоша қилмоқ...

Юрт ҳақида гапирмоқ учун,
Унга фидо бўлмоғинг керак.
Бунинг маъноси — роҳатдан
кечиб,
Далаларга сочилсин юрак.



* * *

Мадад кучлар керак одамга,
Йиқилганда суянмоқ учун.
Гоҳо ҳаёт юклаган ғамга
Етмас фақат бардошнинг кучи.
Малҳам кутган интиқ беморга
Бир оғиз сўз бўлади дармон.
Бир оғиз сўз демаймиз нега
Юракларга чўккanda армон.
Мадад кучнинг аввали замин —
Киндик қонинг тўкилган тупроқ,
Ҳиди қалбга ўрнашса, тайин
Умидларинг ранг тортар кўпроқ.
Синовларга бошласа агар,
Йўллар, зинҳор, қилмайин
шафқат,
Билгин, шунда мададкор бўлар
Кўксингни тўлдирган муҳаббат.
Тасодиф ё шундай ногаҳон
Бир кун, армон келса дучма-дуч.
Дўст керакдир туриб ёнма-ён
Далда бериб, дард олгучи куч.
Муюлишлар гирдоби аро,
Чорраҳада қотсанг бенажот.
Бу, тумандан қилмай юз қаро
Сени олиб чиққай эътиқод.
Давраларда сиғмайин ҳаддинг —
Дастинг қисқа, қолганда ночор.
Йўғингни бор қилиб, хам қаддинг
Кўтарувчи эл бўлур даркор.
Ва ниҳоят кўп улуғ сеҳри
Ватан керак нурли ярқироқ.
Қўмсаб келсанг, аямай меҳрин
Соғинч бўлиб очса у қучоқ.
Кўнглинг ўсар, кўнглинг тўлади,
Кўзларингда ҳаяжон қалқир.
Осмон кенгаяди...
Олам кулади —
Қуёш яна равшанроқ балқир.

Югурасан, сўқмоқлар ўсиб
Дунё деган йўлга бирлашар...
Мадад кучин бағрингга босиб,
Уни қучиб ўлсанг ярашар.

* * *


Қайтмас лаҳзаларни сезганинг
ҳолда,
Бари бир, улардан узмайсан
умид.
Ўйлайсан, қачондир яна қайтарда
Эркалар сени бағрига олиб.
Умид ширин,
Хаёл ундан ҳам лазиз.
Улар-ку, кўнгилга беради таскин.
Азизим, кўп қийин яшамоқ ёлғиз,
Умидга, хаёлга суяниб лекин.

* * *

Мен осмонга боқмасман, учиб,
Унга сира қилмасман ҳавас.
Онажоним — заминни қучиб,
Меҳрим шунга этаман пайваст.
Мен осмонга боқмасман, учиб.

Юлдузларга бўлсам ҳам шайдо,
Термилсам-да уларга мафтун:
Гулларим бор, турфа бўйли — оҳ,
Муҳаббатим ўшалар учун.
Юлдузларга бўлсам ҳам шайдо.

САМО ФАРЗАНДИ



12 апрель — биринчи космонавт-учувчи Ю. А. Гагарин парвозининг 25 йиллиги

Инсоният Юрийнинг парвози кунини ялпи тинчлик куни сифатида нишонлаши керак.
Рокуэлл КЕНТ

...Ушанда ҳам баҳор эди. 1961 йилнинг 12 апрели. Ҳар кунгидек поёнсиз дашт узра тонг отиб келарди. Ҳали ҳеч ким бир неча соатдан сўнг лолақизғалдоқлар билан қопланган Бойқўнғир деган жойда башарият билмаган жасорат, мислсиз қаҳрамонлик сари йўл бошланишини билмасди. Космодромдагилар эса ана шу оламшумул воқеанинг муваффақиятли амалга ошишини сабрсизлик билан кутишар, ҳамма биринчи фазогирга фақат омад тилар эди.

...Парвоз олди дақиқалари қанчалик ҳаяжонли ва унутилмас. Ниҳоят, кутилган вақт ҳам етиб келди. Соат миллари 9 дан 07 минут ўтганда, «Восток» космик кемасининг парвозига рухсат этилди. Ушанда Юрий Гагариннинг ёқимли ва дадил: «Қани бўлмаса, кетдик!» деган овози баралла янгради.

Бир неча дақиқадан сўнг жаҳон бўйлаб оламшумул хушхабар тарқалди: «Совет Иттифоқида ичида одам бўлган «Восток» космик кемаси жаҳонда биринчи марта Ер атрофини айланиб чиқди...»

Ҳаммаёқда шодиёна. Кўчалар, хиёбонлар одамларга лиқ тўла. Барчанинг қувончи чексиз. Буюк мамлакатимизнинг энг улкан ғалабаси билан бир-бирларини қутлашарди. Гагариннинг парвоз дақиқаларидаги «Кетдик» деган сўзлари тилларда достон эди. Одамлар «Қандай азамат йигит экан-а, космосга учибди-я», деб бир-бирларини қутлашарди.

Вазни 4 минг 725 килограмм бўлган космик кема парвоз қиларди. Тезлик қарийб секундига 8 километр, баландлик 200 километрга яқин, атроф бўшлиқ, ҳатто ўлчаб бўлмас даражада совуқ. Бу ҳаяжонли ва тарихий дақиқа 108 минут давом этди. Бутун дунё кишилари совет фан-техникасининг қудратига, мўъжизасига тасаннолар айтар, биринчи космонавт Юрий Гагарин жасоратига қойил қолган эди.

Совет Иттифоқи партия ва ҳукуматининг табригида мамлакатимиз кишиларининг қалбида зоҳир бўлган фахрланиш туйғулари ифода топганди: «Совет кишисининг космосга учиши халқимиз ижодкорлик даҳосининг жуда катта муваффақияти, коммунизм қураётган кишиларнинг эркин ва илҳомбахш меҳнати самарасидир, — дейилади табрикномада. — Рус ва жаҳон фани ҳамда техникасининг атоқли намояндалари орзу қилган, халқимизнинг гениал фарзанди Константин Эдуардович Циолковский ўз ҳаётини бағишлаган улуғ иш воқеликка айланди, қаҳрамонона кунларимизнинг амалий иши бўлиб қолди. Бу — совет халқининг жаҳон фани ва маданияти хазинасига қўшган жуда буюк ҳиссасидир. Инсоният Совет Иттифоқининг ана шу бебаҳо хизматини миннатдорчилик билан тилга олади. Совет кишисининг космосга қаҳрамонона учиши билан жаҳон тарихида янги давр бошланди. Инсониятнинг асрлар бўйи орзу қилиб келган тилаги рўёбга чиқди».

Юрий Гагарин парвози арафасида шундай деган эди: «Мен космосга парвоз қилиш олдидан бахтиёрманми? Албатта, бахтиёрман. Ахир, барча замонлар ва даврларда янги кашфиётларга мансублик инсонлар учун олий бахт бўлиб қолган эди-ку!

Мен космосга қиладиган ана шу биринчи парвозимни коммунизм кишиларига — совет халқи қадам қўйган ва мен аминманки, Ер юзидаги барча кишилар ҳам қадам қўядиган жамият кишиларига бағишлашни истайман.

Ҳозир стартгача бир неча минут қолди. Азиз дўстлар, кишилар узоқ сафарга жўнаб кета туриб, бир-бирларига доим айтганларидек, сизларга «Кўришгунча» дейман».

Космонавт туғилиб, вояга етган қадимий Гжатскда (ҳозирги Гагарин шаҳри) ўша кун байрам тантанасига чулғанди. Гагариннинг ота-онаси яшаётган уй ёр-дўстлар, ҳамшаҳарлар, меҳмонлар билан гавжум. Ҳамма Юранинг ота-онасини бетиним саволга тутишарди, уларни қутлашарди. Ўшанда космос лочинининг отаси Алексей Иванович ўғли ҳақида шундай деган эди:

— Мен ўғлим ҳақида нимани гапириб беришим мумкин? У оиламизда меҳнатсевар, камтар бўлиб ўсди, яхши ўқиди, спорт билан шуғулланди, самолётнинг моделларини ясарди. Учувчи Чкалов, Водопьянов тўғрисидаги китоблар унинг учун тугамас мўъжиза эди. Жюль Верн, Циолковский асарларини тинмай мутолаа қиларди, аллақандай сайёраларга келгусидаги учишлар тўғрисида орзу қилишни яхши кўрарди.

Космосдаги жасорат адибларимизга илҳом бахш этди. Отахон шоиримиз Ғафур Ғуломнинг қуйидаги сатрларида бу қувончли хабар шундай аксини топди:

Совет маърифатининг
азамат қудратига
Ҳамиша офарин деб
келади бутун жаҳон.
Қўрқув билмас баҳодир
Гагарин ҳимматига
Битта зинапоядай хизмат
қилур осмон...

...Одамларни ернинг космосдан қандай кўринишини билиш жуда қизиқтиради. Шунинг учун ҳам Юрий Гагарин парвоз пайтида иложи борича кўп нарсаларни билиб олишга ҳаракат қилди.

— Ернинг кўриниши жуда яхши, — деб ёзган эди кейинчалик у ўз таассуротларида. — Реактив самолётларда учган вақтда катта баландликлардан Ер юзаси қандай кўринса, космик кемадан ҳам тахминан худди шундай кўринади. Йирик тоғлар, катта дарёлар, кенг ўрмонлар, қирғоқлар, соҳиллар кўзга ташланиб туради. Ер юзасидаги соялар жуда яхши кўринди.

Атиги 108 минутлик парвоз. Салкам икки соат ичида инсон биринчи марта ер куррасини айланиб чиқди. Бир вақтлар Магелланнинг куррамизни океанлар орқали айланиб келиши учун 3 йил муддат кетган эди.

Афсонавий учувчи Валерий Чкалов ҳам Ерни суйиб, «шарча» деб атар ва шу «шарча» атрофини айланиб учишни орзу қилган эди. Чкалов таҳсил олган учувчилар мактабини битириб чиққан Юрий эндиликда улуғ мўъжиза шоҳиди бўлди. У дунёда биринчи бўлиб: «Мен Ернинг думалоқ эканлигини ўз кўзим билан кўрдим», дея олди.

Юрий Гагарин тушган аппарат — кичик «сайёра» соат 10 дан 55 минут ўтганда Саратов областининг Семеновка қишлоғидаги белгиланган жойга оҳиста қўнди. Шу ўлкада у илк бор «Як—18» самолётида мустақил парвоз қилган эди. Энди эса шу заминга қаҳрамон бўлиб қайтди.

Юрий Гагарин — қаҳрамон! Қандай битмас-туганмас бахт! У бу юксак ишончни оқлаш учун бутун умрини космосга, совет фан-техникасининг юксалишига бағишлади.

14 апрель, парвоздан сўнгги иккинчи кун москваликлар бирор дақиқа бўлса ҳам космос забткорини кўришга ошиқишади. «Ил—18» самолёти Внуково аэропортига оҳиста қўнди. Ана қаҳрамон — Юрий Гага-

рин самолётдан тушиб келмоқди. У ўрта бўйли, кўринишидан анча абжир, қувноқ йигит. Очиқ, хушрўй чеҳрасида ёқимли, жозибали табассум балқиб турган Юрий шахдам келиб, давлат комиссияси раисига рапорт берди.

«...12 апрелда Совет космик кемаси «Восток»да инсоният тарихида биринчи бўлиб учиш муваффақиятли ўтди.

Кеманинг ҳамма асбоблари ва ускуналари пухта ва бешикаст ишлади.

Ўзимни жуда яхши ҳис қилаяпман.

Партиямиз ва ҳукуматимизнинг ҳар қандай янги топшириғини бажаришга тайёрман. Майор Гагарин».

Биринчи бўлиш осон эмас эди. Юрий Гагарин совет кишисининг нақадар мўъжизакорлигини, келажак сари дадил қадам ташлашини, тинчликсеварлигини оламга намойиш этди. Унинг бағри ҳам фазо сингари кенг ва мусаффо эди. У учиш учун туғилганди.

У яшашни, ҳали кўплаб парвоз қилишни истарди. Унинг орзулари кўп эди. Аммо. Биринчи космонавтнинг 1968 йилнинг 27 март кунига белгиланган навбатдаги машқ парвози фожиали тугади. Бу машъум хабардан жумлаи жаҳон титради.

Атрофи кўм-кўк ўрмон билан қопланган космонавтларнинг Звездний шаҳарчасида бўлсангиз, бу ердаги ҳар бир нарса Юрий Гагарин номи билан боғлиқ эканлигини ҳис этасиз. Гагарин яшаган уй, Гагарин ишлаган хона, Гагарин ўтқазган дарахт ва гул кўчатлари...

Шаҳарчага кираверишда Юрий Гагариннинг ўзи ва дўстлари барпо этган хиёбонда биринчи космонавтнинг бронза ҳайкали офтоб нурида ҳамиша ярқираб туради. Унинг атрофида анвойи гуллар...

Бу ердан одамлар оқими сира аримайди. Барчанинг холис нияти бўлса, жаҳоннинг биринчи космонавтига битмас-туганмас ҳурмат-эҳтиромни изҳор этиш. У эса ҳамма-ҳаммани очиқ чеҳра билан кутиб олаётгандай...

Звёздний ҳар доим гавжум. Космонавтика музейидан эса сира одам аримайди. Бу ердаги жуда кўп экспонатлар Юрий Гагарин номи билан боғлиқ. Дунёнинг турли мамлакатларида бўлганида тақдим этилган эсдалик совғалари, суратлар, китоблар...

Бу ерга келувчилар Гагариннинг афсонавий парвози олдидан айтган ва плёнкага ёзиб олинган сўзларини ҳаяжон билан тинглайдилар, «Бизнинг Юра» фильмини томоша қиладилар.

Музей экспонатларининг бир қисми қўшни залдан ўрин олган. У ерда «Восток» кемасининг ишхонаси экспонат қилиб қўйилган. У ҳар бир кишида катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, музейда ўзбек пахтакорларининг қадоқ қўллари билан яратилган «оқ олтин»га тўла чаноқлар, тошкентлик самолётсозлар тақдим этган самолёт макети ҳам ўрин олган.

Ҳа, Юрий Гагарин бутун жаҳон аҳлига қадрдон бўлиб қолганди. У очиққўнгил, камтарин, жасоратли инсон эди. Ундаги бу фазилатларни камол топтиришда онаси Анна Тимофеевна Гагаринанинг хизматлари беқиёсдир. Шу ўринда бир воқеани эслаш кифоя қилади. Саратов аэроклубида шуғулланаётган пайтида Ю. А. Гагаринни шу ерда чиқадиган «Заря молодёжи» газетасининг 1955 йил 1 июль сонида мақташди. Юрий ана шу газетани онасига юборади. Бир неча кундан сўнг у онасидан қуйидаги мазмунда хат олади: «Ўғлим, сен билан фахрланамиз... Лекин ўзингни бос, кеккайиб кетма тағин...»

Гагариннинг қизлари Елена билан Галя ҳам отасидек тиришқоқ, изланувчан, камтарин инсон бўлиб вояга етдилар. Иккаласи ҳам олима. Мамлакатимиз фан-техника тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Ўтган йили Галина ҳаётида унутилмас воқеалар юз берди. Иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олди, Москвада ўтказилган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивалининг тантанали очилишига бағишланган машъалани аланга олдирганлардан бири бўлди.

Юрий Гагарин иши давом этмоқда. У бу ҳақда башорат қилиб шундай деган эди: «Космос ишлари инсонни бошқа самовий жисмларга олиб чиқадиган кун ҳам келади... Ўзга сайёраларга парвоз қилиш мумкинми? Еки, эҳтимол, бундан кейин ҳам ана шундай парвозларни амалга ошириш учун тезлиги иккинчи космик тезлигидан ҳам ортиқ бўлган янада каттароқ тезлик талаб қилиниши маълум бўлар, ёки бундай учиш фақат қудратли, кўп босқичли ракеталар ёрдамида мумкин бўлар. Фан ва техника олдида ҳар қанча техник қийинчиликлар турмасин, инсон Қуёш системасининг хўжайини бўла олишига шубҳа қилмайман».

Унинг нияти холис эди. Одамларнинг космосни ўзининг иккинчи манзилгоҳи деб билишини, у ердан бутун жаҳонни томоша қилишларини, илмий изланишлар олиб боришларини хоҳларди. Бугунги кунда совет космонавтлари Юрий Гагарин орзусини рўёбга чиқармоқдалар, бутун куч-ғайратларини космосни тинчлик маҳсадларида фойдаланишга сарфламоқдалар. Мислсиз жасоратлар кўрсатилмоқда. Юртдошимиз, космонавт-учувчи, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Жонибековнинг космосдаги қаҳрамонлиги барчани қойил қолдирди. У очиқ космосда бўлиб, «Салют» станциясини «Союз» космик кемаси билан туташтирибгина қолмай, балки станциянинг фаолиятини маҳорат билан тиклади.

Космосда ҳамма изланишлар ҳам ғаразсиз олиб борилаяптими? Асло йўқ. Америка Қўшма Штатлари космосни ядро майдонига, уруш ўчоғига айлантиришга интилмоқда. Рейган маъмурияти афгор омма талаб ва истакларини назар-писанд қилмай, мудҳиш «самовий урушлар» программасини зўр бериб жадаллаштирмоқда. Улар космосга олиб чиқиладиган ракеталарга қарши системани Американи ташқи ҳужумдан ҳимоя қилиш воситаси деб хаспўшлашга уринмоқдалар ва ўз «программа»ларини амалга оширишдан ҳайиқмаяптилар. Шошма-шошарлик, сохта васваса, биринчи бўлиш ва ҳоказо калтабинларча иш тутишнинг оқибати тарихда ҳамиша ёмон оқибатларга олиб келган. Масалан, яқинда ичида 7 астронавт (улардан иккитаси аёл эди) бўлган кўп марта фойдаланишга мўлжалланган «Чэлленжер» космик кемасининг парвози фожиали тугаганлиги ҳам ана шу шошқалоқликнинг оқибатидир. Космос космослигича қолиши, тинчликка, одамларга хизмат қилиши керак! Совет космонавтлари чексиз само қўйнини ана шундай улуғ ният билан тадқиқ этмоқдалар.

Ажойиб инсон, жаҳоннинг биринчи космонавт-учувчиси Юрий Гагарин бутун вужуди билан севган ва ҳаётини бағишлаган олам-шумул парвози замирида қанчалик маъно ётганини ҳар доим ҳис қиламиз. Бизни бундан чорак аср муқаддам Гагарин бошлаб берган космик асрнинг янги кашфиётлари кутмоқда.

Жаббор **РАЗЗОҚОВ**

Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

ОНА ҚУВОНЧИ

Гулга кон май ойи, байрам кўп тағин —
Шодликни кутмоқнинг ўзи бир шодлик.
Ўғил армиядан қайтар кун яқин —
Она хаёлида кезар ўй тотли.

Қалбидан фарзандга меҳри оқар сув,
Гўё қувончига букун дунё тор.
Кўнгил токчасида бир олам орзу;
«Суюнчи» деганга тўн-дўппи тайёр.

Тунда севинч унга келтирмас уйқу,
Гоҳ боқар «Мушук»ка — сочқи пулига.
Кимга совчиликка борса экан у:
Қўшни қиз Дилбар ё жиян Гулига.

Қўша-қўша кўйлак, костюм-шим, туфли,
Кўзи остонада ечаркан тугун.
Ўғли келаяпти — қадами қутли,
О, қандай бахтли у, бахтли у бугун!

Гулга кон май ойи, байрам кўп тағин —
Шодликни кутмоқнинг ўзи бир шодлик.
Ўғил армиядан қайтар кун яқин —
Она хаёлида кезар ўй тотли.



ДАВР ЮКИ

Кўзлаганмиз олис, баланд чўққиларни,
Давр юкин элтаяпмиз манзилларга.
Писанд этмай дуч келганда тоғ, қирларни,
Зўр берамиз аския ҳам ҳазилларга.

Толиш билмас юк кўтарган қадоқ қўллар,
Шаҳдам одим ташлагаймиз юксакликка.
Чор атрофда бўй таратиб алвон гуллар,
Сабр, омад ёрдир олий тилакликка.

Елкамизни эзиб баъзан оғир босар,
Ҳа, чидаймиз, — бардошимиз тоғдек метин.
Аҳён чивин чақмоқ бўлиб йўлни тўсар —
Биз борамиз доим олға бирин-кетин.

Сафимизда учрар андак енгилтаклар,
Уз нафсини кўзлаб юрмоқ бўлар ортга.
Ҳеч орқага ғилдирамас ғилдираклар, —
Зафар томон қамчи босдик бедов отга.

Ишимизга ҳавас билан боқар олам,
Келажагин ўйлаб улар қилар кураш.
Давр юкин кўтармаган эмас одам —
У босган из ҳаёт учун хавфли кураш.

Кўзлаганмиз олис, баланд чўққиларни,
Бораяпмиз — елкамизда давр юки.
Билиб қўйинг, авлодларим, шу сирларни:
Бу юк — ота-боболарнинг қутлуғ мулки.

ОЛИМ ҚАЛБИ



1944 йил. Август ойининг ўрталари. Улуғ Ватан уруши авжида. Кун бўйи областни, шаҳарни, пахта далаларини айланиб толиққан Усмон Юсупов кечқурун шеър ва санъат шинавандалари ҳузурида ҳордиқ чиқаришга аҳд қилди. Шаҳар боғининг чойхонаси гавжум. Қўқоннинг атоқли санъаткорлари йиғилишган. Куй куйга, ашула ашулага уланарди. Усмон ака бир қўшиққа навбат келганда эшитиб, алоҳида диққат билан қулоқ сола бошлади. У қўшиқ шундай анъанавий, ишқий сатрлар билан бошланган эди:

Мен кўнгул қўйган пари лайлинамолардан бири;
Кўзлари оҳу, жамоли маҳлиқолардан бири...

Қўшиқ тугагач, Усмон ака ўтирганларга:

— Қўшиқнинг сўзи кимники? — деб сўраб қолди.

Созандалардан бири:

— Қўқонлик Азизхон деган йигитчаники, — деди ва қўшиб қўйди, — Пўлатжон муаллимнинг ўғли.

— Уни кўриш мумкинми?

...Улар эртасига учрашдилар. Усмон ака гап орасида унинг елкасига қоқиб:

— Тошкентга олиб кетсам ўқийсанми? — деди.

Кўнгли очиқ, лекин фикри тийрак йигитчадан иккиланмай: «Яхши бўларди», деган жавобни олган Усмон аканинг кайфиятига кайфият қўшилди...

Республика партия раҳбарининг таклифини ҳам қаяжон, ҳам қатъият билан қабул қилган бу ўсмир таниқли шарқшунос ва адабиётшунос олим бўлиб етишган, партия ва ҳукумат ишониб топширган вазифаларда ҳалол меҳнат қилиб келаётган Азиз Қаюмов эди.

Азизхон 1926 йил 19 январда Қўқон шаҳрида Пўлатжон муаллим оиласида дунёга келди. Унинг отаси Муқимий ва Завқийлар билан учрашган, Ҳамза билан деярли ҳаммаҳалла бўлиб, ўғлини адабиётга муҳаббат руҳида тарбиялади.

Мен бўлажак олим билан 1944 йил кузда Ўрта Осиё Давлат университетининг Шарқ факультетида бирга ўқиб юрган чоғларимда танишганман. Бу босиқ, истараси иссиқ, табиати хушчақчақ йигитча менда аввало ўз мулойимлиги, камтарлиги, айни вақтда ҳар қандай саволга ҳозиржавоблиги, адабиёт соҳасидаги билимдонлиги билан ўша вақтдаёқ яхши таассурот қолдирган эди. Азиз ўқишдагина эмас, жамоат ишларида ҳам ғоят фаол эди. Биз шу йиллари Абулқосим Лоҳутий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Собир Абдулла каби ўнлаб адабиётимиз дарғалари билан учрашдик, улар билан мулоқотда бўлдик. Бундай кечаларни ташкил этишда Азизхон ҳамиша бошқош бўларди.

Азизхон университетни битиргач, 1949 йили Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Шарқ қўлёзмалари институтининг кичик илмий ходими сифатида иш бошлаб, ЎзССР Министрлар Советида референт (1957—1958 йиллар), А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг директори (1958—1961 йиллар), Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири (1961—1963 йиллар), Республика маданият министри, сўнг министр ўринбосари (1963—1964 йиллар), Кинематография Давлат Комитети раиси (1964—1974 йиллар) лавозимларида хизмат қилди. 1974 йилда унга Тошкент Маданият институтини ташкил этиш топширилди. 1979 йилда эса, Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтига директор этиб тайинланди. Азиз Қаюмов ана шу вазифаларнинг ҳаммасида ўзини моҳир ва камтар ташкилотчи сифатида кўрсата билди.

Унинг илмий қизиқиш доираси, изланиш объектлари ҳам китобат оламидек ранг-баранг ва хилмахил. У ўз илмий йўлини кашфиётдан бошлади. Унга қўқонлик шоир Чархий ёрдамида ўзбек адабиёти тарихида биргина «Ҳафалак» шеъри билан маълум бўлган истеъдодли ва прогрессив шоир — Махмурнинг шеърлар тўпламини топиш, илмий таомилга киритиш насиб бўлди. Шу асосда унинг «Махмур ҳаёти ва ижодини ўрганишга доир» мавзуидаги кандидатлик диссертацияси юзага келди. Илк ютуқлардан руҳланган олим ўз тадқиқот объектини чуқурроқ таҳлил қилиб, 35 ёшида «Қўқон адабий муҳити» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади. Атоқли совет олимларидан А. К. Боровков, В. Зоҳидов, Ҳ. Ораслий, В. Абдуллаев ва бошқалар бу ишга юқори баҳо бердилар. Азиз Қаюмов учун илмий тадқиқотнинг янги уфқлари очилди.

Характерли томони шундаки, унга ўтмиш ўзбек адабиёти тарихининг бегона соҳаси йўқ. Олим кейинги 30 йил давомида кўпгина коллектив нашрларда қатнашди: Абу Али ибн Синонинг кўп томлик «Тиб қонунлари» таржимаси, 5 томлик «Ўзбек адабиёти тарихи», кўп томлик «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қўлёзмалари каталоги», Москвада нашр этилаётган «Жаҳон адабиёти тарихи» ва ҳоказо.

1975—1985 йиллар орасида унинг Алишер Навоий «Хамса»сига оид», «Ҳайратул-аброр» талқини» (1977 й.), «Фарҳод ва Ширин» сирлари» (1979 й.), «Садди Искандарий» (1975 й.), «Ишқ водийси чечаклари» (1985 й.) каби тадқиқотлари нашр этилди. Бу асарлари билан олим улуғ шоир Алишер Навоий достонларини илмий ўрганиш, уларни кенг китобхонлар оммасига етказиш бўйича ўзига хос бир янгилик яратди.

Ҳамиша улуғ кишиларнинг ҳаёт йўли авлодларга ўрнак бўлиб келган. Шу жиҳатдан Азиз Қаюмовнинг 1976 йили «Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида «Алишер Навоий» асарининг эълон қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг кейинги йилларда «Шарқ юлдузи» журналида босилган «Устоз Беруний» (1980 й.), «Абу Али ибн Сино» (1984 й.), «Заҳириддин Бобур» (1985 й.) каби илмий-оммабоп очерклари шу ишнинг давоми, ривожи эди.

Азиз Қаюмов яратган тадқиқотларнинг кўпчилиги биринчи манбалар асосида юзага келган. Кейинги чорак аср давомида Алишер Навоий, Бобур, Махмур, Нодира, Ҳозиқ, Увайсий, Нодир, Ҳамза каби ўнлаб классикларимиз асарларининг нашрлари унинг номи билан боғланган.

Ўзбек адабиёти ютуқларини жаҳон миқёсида ўрганиш, тарғиб этишда олимнинг муносиб улуши бор. 1972 йили «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» серияси учун у тузган «Алишер Навоий достонлари» китоби рус тилида нашр этилди. 1983 йилда А. Қаюмов тузган ва шарҳлаган «Навоий. Шеърлар ва достонлар» китоби «Библиотека поэта» сериясида К. Яшин сўзбоши билан Ленинградда чоп этилди.

Ёшларнинг ҳурматли устози Азиз Қаюмов қайси вазифада ишламасин, ҳамма вақт кадрлар тарбиясига алоҳида эътибор беради. Шогирдлари ҳам бир эмас, ўнлаб: филология фанлари докторлари Собиржон Мирвалиев, Маҳбуба Қодирова, филология фанлари кандидатлари Р. Алиев, Э. Иброҳимова, Т. Ғафуржонова, П. Мирзааҳмедова, А. Шомуҳамедов, Д. Раҳматова ва бошқалар.

Партия ва ҳукуматимиз Азиз Қаюмовнинг совет фани ва маданияти олдидаги хизматларини муносиб баҳолади. У икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди, шунингдек, олим бир неча медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фахрий Ерлиқлари билан мукофотланган. 1983 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди. Толмас олим кўпгина илмий советларнинг аъзоси. «Адабий мерос» илмий мажмуасининг бош муҳаррири сифатида ҳам фанимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

Қилинган ва қилинаётган, эълон этилган ва эълон этилишини кутиб турган ишлар, қўлёзмалар, режалар эса сонсиз-саноқсиз... Фанимиз, маданиятимиз заҳматкашига улкан ижодий муваффақиятлар, соғлиқ-саломатлик ёр бўлсин, деймиз.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

УРАН САЙЁРАСИНИНГ ЙЎЛДОШЛАРИ

Америка олимлари «Вояжер—2» сайёралараро автоматик станцияси ёрдамида Уран сайёрасининг яна олтита йўлдоши борлигини аниқладилар.

Аэронавтикани ва космик фазони тадқиқ қилишни миллий бошқариш (НАСА) мутахассислари Уран атрофида жами 23 та йўлдош айланмоқда, деб тахмин қилмоқда эдилар.

* * *

Олимлар кутганидек, «Вояжер—2» автоматик космик кема программасининг бир босқичи амалга оширилди. Саккиз ярим йилдан бери космосда учиб юрган автоматик станция биринчи марта шу йил 24 январда Уранга жуда яқинлашиб, яъни 80 минг километр масофада наридан айланиб ўтди. Станциядаги илмий асбоблар ёрдамида кўпгина фотосуратлар ва ахборотлар Ерга узатилди. Шунингдек, Уранниг 9 та халқасининг тасвири ҳам Ерга жўнатилди. Уран сайёрасининг яна иккита йўлдоши борлиги аниқланди. Шундай қилиб, унинг аниқ бўлган йўлдошларининг жами сони энди 14 тага етди. Айни вақтда «Вояжер—2» сайёралараро станция Нептун сайёраси томон парвоз қилмоқда. У бу сайёранинг ёнидан 1989 йилда ўтиши лозим.




Мирзо УЛУҒБЕК.
(В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени «Космонавтлар проспекти» станциясига ишланган деворий сурат).

СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ҳамюртимиз Владимир Жонибеков.
(В. И. Ленин номидаги — Тошкент метрополитени «Космонавтлар проспекти» станциясига ишланган деворий сурат).

А. ЛЕОНОВ, Ю. А. ГАГАРИН — ЕРНИНГ БИРИНЧИ КОСМОНАВТИ.







А. СОКОЛОВ. КАСПИЙ ДЕНГИЗИ УСТИДА



К. Э. ЦИОЛКОВСКИЙ.
(В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени «Космонавтлар проспекти» станциясига ишланган деворий сурат).




Тошкентдаги Космонавтлар майдони.

В. Дубровский фотоси



А. СОКОЛОВ. ОРОЛ ДЕНГИЗИ УСТИДА.



А. СОКОЛОВ. ЮПИТЕР ЕНИДА.

Яйловда.

А. Кошкин, Р. Шагаев фотоси

Эл соғлиғи — юрт бойлиги.

Р. Готов фотоси



Бухоро областидаги «Маданият» колхози кутубхонасида.

А. Кудряшев фотоси



УЛУҒ ШОИР

Абдулла ТЎҚАЙ туғилган куннинг 100 йиллигига

Шу йил 26 апрелда татар шеъриятининг буюк намояндаси Абдулла Тўқай туғилган кунга 100 йил тўлади. Бу ном татар халқи учунгина эмас, балки бошқа қардош халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам мўътабардир. Маълумки, Абдулла Тўқай шеърияти XX асрнинг бошларидаёқ ўзининг ижтимоий-инқилобий ғоялари ва бадиий маҳоратининг юксаклиги билан илғор адабиётлар даражасига кўтарилган эди.

1905 йилдан кейинги инқилобий кўтарилиш йилларида А. Тўқайнинг ижтимоий адолатсизлик, мустамлакачилик, эксплуатацияга қарши, бой ва капиталистларнинг ёвузлиги, очкўзлиги, руҳонийларнинг сотқинлиги ҳамда риёкорлигини фош қилувчи ижтимоий-инқилобий шеърлари, сиёсий ҳажвиёти муҳим роль ўйнади.

Бу ҳақгўй шоир:

Оч-яланғоч деҳқонларга
Қани ҳурлик, қани ер?..

деб хитоб қилди. «Товуш» шеърида ишчиларга мурожаат этиб:

Ишчи ўртоқ, кураш керак,
керак кураш,
Курашмаган ишчиларга тез ботар
тиш, —

деб уқтирди. Тенгсизлик, ҳуқуқсизликка қарши курашга чақирди:

Эзгу ишдир курашмоқлик ҳуқуқ
учун,
Кураш, ишчи! Кураш зинҳор,
кураш, кураш!



Тўқай ижоди ўша пайтлардаёқ татар адабиёти доирасидан чиқиб, бошқа адабиётлар вакиллари, хусусан, туркий адабиётлар намояндалари ижодига ижобий таъсир кўрсатди. Ўзбек совет адабиёти асосчиси, инқилоб куйчиси даражасига кўтарилган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам ўз вақтида Тўқай шеъриятидан баҳраманд бўлди, унинг гўзал анъаналарини янгича тарихий шароитда ривожлантирди.

Абдулла Тўқай ижодини илғор ўзбек зиёлилари қўллаб-қувватладилар, ўз вақтидаёқ тарғиб-ташвиқ қилдилар, унинг кенг ёйилиши учун ёрдам бердилар.

Чунончи, севикли шоирнинг «Она тили» ҳақидаги машҳур шеъри турли ўзбекча, қозоқча ўқиш китобларига кирди, «Боқирғондан», «Усули қадимчи», «Ўзимга» сингари ҳажвий асарлари «Туркистон вилояти газетаси» саҳифаларида (1908 йил, 24 август) босилди. Шоир вафотининг бир йиллиги муносабати билан Таваллонинг «Марҳум Абдулла афанди Тўқаевнинг сўзига тазмин» (1914) шеъри ва кичик мақоласи, М. Сералиннинг «Абдулла Тўқай ҳақида» номли мақолалари эълон қилинди. А. Тўқайнинг «Бизни ўринсиз ёмонлайдилар», «Миллатимга», «Номуси топталган татар қизига», «Юртимга» каби шеърларига тазмин-ўхшатмалар боғланди.

Октябрь революциясидан кейин бутун Советлар мамлакати гуллаб яшнади. Қардош совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик изчил тарзда мустаҳкамланиб борди. Туғишган миллатлар буюк қардошлик оиласида маънан янада яқинлашиб, ўзларининг ҳамда қардошларининг бугуни ва ўтмиши, мероси билан чуқур қизиқа бошладилар. Жумладан, 20-йилларда ўзбек тилига қатор ғарб, рус ва шарқ адабиёти намояндалари, СССР халқлари классик адабиётларининг вакиллари асарлари қатори татар адабиёти намуналари, жумладан, А. Тўқай асарлари ҳам кенг таржима қилина бошланди. Унинг машҳур «Она тили», «Шурали», «Мужик уйқуси» асарлари Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Элбек ва бошқа ижодкорлар таржимасида турли ўқиш китобларида, газета ва журналларда босилди. Тошкентда ўзбек ва татар адабиётлари дўстлиги, А. Тўқай кечалари ўтказилди. «Иштирокиюн» газетаси шоир туғилган кун муносабати билан (1920 йил, 26 апрелда) «Шарқ шоири ўртоқ Абдулла Тўқаев» номли махсус редакцион мақола берди. Айниқса, бу даврда Абдулла Тўқайнинг ишчиларни, хотин-қизларни озодликка, эркинликка чақирувчи, халқлар дўстлигини тараннум қилувчи, миллатчиларни фош этувчи шеърлари ўзбек халқи орасида машҳур бўлиб кетди.

Ўлкамизда А. Тўқай ижодига бўлган қизиқиш кейинги йилларда ҳам сусайгани йўқ. Унинг ўлмас асарлари Улуғ Ватан уруши йилларида ҳам совет халқларини буюк ватанпарварлик, халқпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашда хизмат қилди. 1946 йили А. Тўқай асарларининг ўзбек тилига янги таржималари нашр этилди. 1961 йили шоирнинг аввалги таржималари янада тўлдирилиб, янги таржима асарлар билан бойитилиб, қайта чоп қилинди. Бу мажмуалардаги шеър ва достонларни Ғафур Ғулом, Уйғун, Миртемир каби атоқли ўзбек шоирлари таржима қилганлар.

Абдулла Тўқай ижоди ҳақли равишда юксак баҳоланиб кел-

Абдулла ТЎҚАЙ

БАЙРАМ ВА БОЛАЛИК ЧОҒИМ

Болалигин соғинади ҳар шоир-да,
Аччиқ-чучук хаёлдир бу ҳар шоирга.
Байрам келса, менинг ҳам эсимга тушар,
Чопгим келар ёшлар билан бирга-бирга.

Эсга тушар арафа кун ётган чоғим,
Тонгни кутган, аммо уп тун отмай тонгим,
Янги этик, янги кўйлак, иштонларни
Бош остига уйиб қўйиб ётган чоғим.

Кута-кута саҳар ухлаб қолган чоғим,
Тушимда ҳам нурли байрам кўрган чоғим,
Онажоним товушлари қулоғимда:
«Ҳайит келди, тур оппоғим, тур, оппоғим!»

Тонг отган сўнг хурсанд бўлиб чопган чоғим,
Маъсумона лаззат, ҳузур топган чоғим.
Қўй сўйилиб, турли таом, ош устида
Раҳмат айтиб, кула-кула қайтган чоғим.

Уйласанг ул азиз кунни, келар кўз ёш,
Кўнгиллидир инсон учун бу ҳол, бу ёш.
Байрам куни кўкдан ерга нурлар оқар,
Айтарсан ё чиққан бу кун икки қуёш.

Тангри! Қайтар ёшлигимни, сендан сўрай,
Тилагимни сендан сўрмай кимдан сўрай?
Байрам куни яна бола бўлиб қолай,
Роҳатланиб, сакраб, кулиб, ўйнаб юрай!

УМИД

Чиққин, эй фикрим қуёши! Кетсин устингдан булут,
Бу ўлик виждонни жонлантир, нуринг бирлан илит!

Мен адашдим, тўғри йўлга ул агар кўндирмаса,
Тўрт ёғим исён ўти, сўнмас ҳеч ул сўндирмаса.

Мен чуқур қудуқдадирман, йўқ нажот, қутқармаса,
Бир учидан ушламоққа ул келиб ип бермаса.

Эй менинг ёқтиргучим! Танҳо ўзинг ҳар ерда шам,
Не эрур дунё қуёши, сен менга нур бермасанг.

Бир очиб кўрсат юзинг, туғсин гўзал кунлар менга,
Соҳқилар сочсин умид, боғчамда ол гуллар менга.

Мен қоронғида ҳозир, ўтсин бу тонг отмас кечам,
Тош ютарман нон билиб ҳам заҳр ичарман сув десам.

Бу текис ердир дея, боссам ботар тош оёққа,
Сесканурман бир маҳал янглиш тутиб, қуш деб бақа.

Қоп-қоронғи, ўнгу сўлни, кўрмай осту устни мен,
Даъф қилиб душманга, санчдим чин-ҳақиқий дўстни
мен.

Қисқа он, жонсиз-да, виждонсиз-да мен, ёқтирмасанг,
Қайга бошимни урай, гар мақсадим топтирмасанг!

Йўқ, қуёшим, мен аминман, битмагансан мангуга,
Сен ва виждон биттадирсан, йитмагансан мангуга.

Йўқ, тубан кетмас бу жон, аслида юксак бўлган ул,
Қисмат устида қора қуш — ўтар, бир лаҳза қўнган ул.

Татарчадан Маъруф Жалил
таржималари

Редакция почтасидан

СОҲИБКОРЛАР



Абдураҳмон Қаҳҳоров Москва районидаги Фрунзе номли колхоз аъзоларининг ҳурматини қозонган почтальонлардан.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ)

Бир пайтлар Қўшкўпир районидаги «Ленинград» колхозининг ён-атрофлари юлғунзор ва қамишзорлардан иборат эди. Энди бу ерларга йўли тушган киши тўқайзор ўрнида бир сўлим маскан барпо этилганлигининг гувоҳи бўлади.

«Ленинград» колхози правлениесининг аъзолари — ишнинг кўзини биладиган тадбиркор одамлар. Улар ўз олдиларига биринчи галда меҳнаткашлар турмушини фаровонлаштириш вазифасини қўйдилар.

Қисқа давр ичида колхоз клуби таъмир қилиниб, маданият саройига айлантирилди. Янгидан болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Йўллар қайта ремонт қилинди. Ҳаммом, маиший хизмат уйи қуриб битказилди. Ана шундай хайрли ишлар шарофати билан колхознинг хўжалик планлари ҳам муваффақиятли бажариладиган бўлди.

Чорвачилик хўжаликни орқага судраб келарди. Бунинг сабаблари ўрганилди. Ферма мудирлигига ишнинг кўзини биладиган малакали мутахассисни тайинлаш лозим, деган хулосага келинди. Шундай қилинди ҳам. Қарабсизки, ҳаётий муҳим тармоқ ҳисобланган бу соҳада ҳам ўзгаришлар сезила бошлади.

Хўжалик раҳбари билан бўлган суҳбатимиз колхознинг яна бир муҳим соҳаси — боғдорчилик соҳасига йўналди. Суҳбат чоғида бош боғбон Раҳим Нуруллаевнинг номи тез-тез тилга олиниб турилди. Боғбоннинг ўзи билан ҳам учрашдик. Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтининг агрономлик факультетини тугаллаган бу йигитнинг аҳди улкан тўқайзорлар ўрнида боғ яратиш эди. Ўша пайтлари колхоз территориясининг атиги икки гектар ери боғдорчиликка ажратилган эди.

Билимдон агроном фанни тажриба билан боғлаган ҳолда иш олиб борди. Хоразм шароитида сизот, зах сувлар тупроқнинг устки қатламига жуда яқин. Шу сабабли тупроқ структураси ўзгариб туради, шўрланиши тез ва кучли бўлади. Бу ерлар янги ўзлаштирилган бўлса-да, тўқайзорнинг ўртасидан кесиб ўтган чуқур зовур устки қатламидаги зах сувларни олиб кетарди.

Раҳим Нуруллаев ер танлаб янглишмаган эди. Тупроққа қадалган кўчатлар бехато ўса бошлади.

Еш боғбон анчагина муаммоларга дуч келди. Айниқса, кўчат масаласи уни ўйлантириб қўйди. Правление раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, республикамизнинг бошқа областларидан кўчат олиб келишга аҳд қилди. У Фарғона водийсига борди. Наманган, Андижон областларидан, сўнгра Самарқанд областидан ҳар хил мева кўчатлари келтирди.

Раҳим ака шу ернинг ўзида ҳам кўчат етиштиришга, янги навлар яратишга киришди. У республикамизнинг жанубий областларида ўсадиган унаби дарахтини пайвандлаш йўли билан янги кўчат етиштирди. Ҳозир ярим гектар ердаги унабизордан икки тоннага яқин ҳосил олинмоқда. Бундан ташқари, Раҳим Нуруллаев колхозда алоҳида кўчатзор ташкил этди. Бу ерда йилига беш минг туп мевали дарахт, икки минг тупдан зиёдроқ ток кўчати парваришланади. Эндиликда райондаги бошқа хўжаликлар ҳам бу ердан кўчат олиб кетмоқдалар.

Тўқайзорлар ўрнида дастлаб ана шу тариқа 60 гектар боғ ташкил этилди. Бу ерда мўл-кўл мева ва узум етиштирилмоқда.

Ўтган хўжалик йилида «Ленинград» колхозида 53 тонна мева, 11 тонна узум ҳосили олинди.

Хўжалик соҳибкорлари бу йил шу боғдан 130 минг сўм даромад қилиш, шундан 50 минг сўм соф фойда олишни кўзлаяптилар. Қурвонжон Отамуродова, Дилором Пиржонова, Султонбой Ражабов, Рўзимат Нуруллаев ҳамда Абдулла Воисов каби соҳибкорлар ўз зиммаларидаги топшириқларни ошириб бажариб, озиқ-овқат Программасига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Кейинги йилларда Хоразм воҳасида гужум-сада-қайрағоч дарахтлари кескин камайиб кетди. Бунга шу дарахт кушандаси — мўйловли қурт сабабчи эканлиги аниқланди. Ҳозирги кунда областда бу дарахтни асраб қолиш, унинг касалликларга чидамли навларини яратиш борасида яхши ишлар қилинмоқда. Бу хайрли ишга Раҳим ака Нуруллаев ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. У боғ ўртасида катта ҳовуз ташкил қилиб, атрофига 80 туп гужум кўчати экиб парвариш қилаётир. Тажрибали боғбон гужумларни кўз қорачиғидай авайлаб ўстирмоқда. У ҳар йили бир марта эрта баҳорда ҳашаротларга қарши фазалон билан ишлов бераяпти.

Яқин йиллар ичида соҳибкор Раҳим Нуруллаев барпо этаётган боғ 120 гектарга етказилади. Шу билан бирга бу ерда мева шарбати ва ҳар хил чаноқбосди ичимликлар тайёрлайдиган завод қурилиши ҳамда теплица ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Бундай ишларнинг барчасига боғбон Раҳим ака Нуруллаевнинг ўзи бош-қош бўлмоқда. Ташаббускор соҳибкорларнинг ибратли ишлари таҳсинга лойиқдир.

Шоназар ЕРМАТОВ
Хоразм области

моқда. Шу жиҳатдан Владимир Ильич Ленининг татар адабиёти, Абдулла Тўқай ижодига оид қуйидаги фикрлари аниқса қимматлидир. Чунончи, В. Бахметьевнинг «Ленин ва РСФСР миллий республикалари» («Дружба народов» журнали, 1957 йил, 11-сон) мақоласида доҳиймизнинг қуйидаги фикрлари келтирилади:

«— Дарвоқе, татар адабиётида аҳвол қандай? Муносиб борислар борми... Мулланинг ўғли, шоир, татар тилига Пушкинни, Лермонтовни таржима қилган... Абдулла, Абдулла...

— Тўқаев, — деб эслатдим ва бир қанча ёш татар адибларининг номларини айтдим.

— Демак, порох ўқдонда бекор қолиб кетмабди! — деди-ю, жилмайиб қўйди Владимир Ильич».

Кўп миллатли совет адабиётининг жуда кўп намояндалари Абдулла Тўқай шахси, ижоди тўғрисида ўз ажойиб дил сўзларини айтганлар. «Тўқай ажойиб инсон эди. 1905 йилдан кейин, реакция тантана қилган пайтда, татарларни Туркияга кўчиб кетишга даъват қилинган вақтда, Тўқай «Кетмаймиз» деган шеърини ёзди», — дейди Александр Фадеев. «Тўқайнинг илғор, мағрур шеърияти...» — деб шоҳидлик беради Мухтор Авезов, — Пушкиннинг эрксевар поэзиясига яқиндир». «Октябрдан аввалги ўн йиллар мобайнида туркий халқларнинг кўпгина адиблари ва шоирлари Тўқай адабий мактабини ўтадилар, бадиий маҳорат соҳасида ундан таълим олдилар, — сўзнинг айнан ўз маъносида, — унинг шогирди бўлдилар», деб мамнуният билан таъкидлайди Собит Муқонов...

«Ҳозир ҳам ўзбек мактабларининг адабиёт программасига А. Тўқай ижодининг киритилиши, А. Тўқай асарларининг ўзбек тилида тадрижий равишда нашр этилиши, Тошкент марказий кўчаларидан бирининг Абдулла Тўқай номи билан аталиши ўзбек халқининг шоирга бўлган ҳурмат ва муҳаббатининг тимсоли, ўзбек ва татар халқи ўртасидаги тарихий дўстликнинг аломатидир», — деб ёзган эди Ғафур Ғулом.

Ҳа, Абдулла Тўқай ижоди рус, Европа инқилобий-бадиий тафаккурини ўзида мужассам этган, уни Шарқ адабиёти анъаналари билан бойитган ҳолда ривожлантирган дўстлик кўприги эди. Бу кўприкнинг асоси бизнинг давримизда яна ҳам мустаҳкамланиб бормоқда.

Шерали **ТУРДИЕВ**,
филология фанлари кандидати

ДАРАХТЛАРНИ АСРАЙЛИК

Ҳар бир киши эзгуликка садоқат туфайли имкони борича яхши ният билан кўчат экади, боғ яратади. Инсон меҳрига йўғрилган ҳар гиёҳда унинг умрини безайдиган, ўзгаларга яхши кайфият, мамнуният бахш этадиган фидойилик акс этади.

Мамлакатимизда ҳар йили кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилади. Ўрмон ва боғлар, иҳотазорлар, истироҳат боғлари ва хиёбонлар ташкил қилинади. Бинобарин, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1972 йил 29 декабрда «Табиат муҳофазасини кучайтириш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш ҳақида» деб қабул қилган қарорида ҳам дарахтларни асраб-авайлаш ва уларни кўпайтира бориш масаласига алоҳида эътибор берилган. Мазкур қарорнинг ижроси сифатида уюштирилаётган шанбалик ва якшанбаликларда кўплаб мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилаётир. Аммо уларни парваришлаш, авайлаб-асраш масаласи талаб даражасида эмаслиги жиддий ташвиш уйғотади. Хусусан, бир қанча корхона, муассаса, хўжаликларда кўкаламзорлаштириш, дейилганда, фақат мавсумий иш — кўчат ўтқазишнинг ўзи тушунилаяпти холос. Ниҳол ўтқазилгач, унинг тақдири бутунлай унутиб қўйилмоқда. Доимий эътиборсизлик туфайли ҳар йили экилаётган минг-минг туп кўчат нобуд бўлаётир. Уларни етиштириш учун сарф бўлган уруғ, меҳнат, вақт, давлат маблағлари беҳуда совурилмоқда.

Ниҳоллар кўпинча дуч келган ерга, режалаштирилмасдан экиб ташланаверади. У ерни суғориб бўладими, йўқми, бу ҳол мутасадди ташкилот раҳбарларини қизиқтирмайди. Баъзан кўчат экилган жой эртасига қурилиш майдончасига айланади. Натижада яна нобудгарчилик. Бундай хўжасизларча иш тутишлар оқибатида обод жойлар биёбонга айланиб қолаяпти.

Бир мисол: Термиз шаҳридаги «Дўстлик» маданият ва истироҳат боғининг Дзержинский кўчаси билан туташиб кетган беш гектарлик майдонга тўрт-беш йил аввал экилган элдор арчаси, чинор ва бошқа манзарали дарахт кўчатлари яшнаб, кўзларни қувонтираётган эди. Шу ерда савдо ярмаркаси ташкил этилди. Дарахтлар, манзарали буталар беаёв синдирилиб, ўрнига дўконлар қуриб ташланди. Гуркираб ўсаётган йўғничқа ва майсалар одамлар оёғи остида топталди.

«Узбекистон» номли хиёбон ҳам термизлик меҳнаткашларнинг сўлим оромгоҳи эди. Бу ерда ҳам чойхона ташкил этилди. Дастлаб, худди Фарғона чойхоналаридагидек соя-салқинга сўрилар ўрнатилиб, уларга атлас кўрпа-ёстиқлар тўшалди. Кишилар саҳнига сувлар сепилган, салқин чойхонада ҳордиқ чиқаришарди. Аммо кейинги икки йилда бу азим дарахтларнинг бир қисми сабабсиз таг-томири билан қўпориб ташланди, серсоя жойлар ҳувиллаб қолди. Юзлаб дарахтлар шу тариқа кесилиб кетди. Бу билан нафақат табиатнинг, балки инсоннинг кўнглига ҳам озор етди.

Сўроқловчи, изоҳловчи бўлмагани учун бундай ҳоллар Термиз шаҳрида одатга айланиб қолди. Мисол учун «Спартак» стадиони ёнидаги Совет, Педагогика кўчаларида 40—50 ёшли азим дарахтлар қўпорилганига икки йилдан ошди. Ўрнига ёш ниҳол экилса, шу пайтгача экиларди-да!

Бир неча йил аввал саратон кунларининг бирида йўлимиз Шеробод орқали Термизга тушиб қолди. Ўша пайтда Каптархона қишлоғи яқинидаги иҳотазор ёнидан ўтаётганимизда: «Дарахт борлиги қандай яхши, бирпасда одамнинг тафтини олади-я», деганди меҳмонларимиздан бири. Ростдан ҳам, автобус узоқ йўл босиб иҳотазор оралаганида юзкўзаларимизга салқин шабада урилганда танимиз ҳам, кўнглимиз ҳам яйраб кетганди. «Эҳ-ҳа, унинг «афғон» шамоли йўлини тўсиши ва бошқа фойдаларини айтмайсизми, — дея суҳбатга қўшилди зиёли киши. — Бир қарашда самараси сезилмайди-да. Пахта ҳосилдорлигини оширишда ҳам иҳотазорнинг фойдаси бор. Йўқ, кулманг. Қанча қуш уя қурган. Ахир, улар зарарли ҳашаротларнинг кушандаси-ку»...

Яқинда биз яна ўша манзиллардан ўтганимизда, ҳангу манг бўлиб қолдик. Яшнаб турган кўп йиллик дарахтлар таг-томири билан қўпорилган, яйдоқ жойда уйилиб ётган шох-шаббалар дилда нохушлик уйғотади.

— Эсиз, дарахтлар, — деб юборди йўловчилардан бири. Бу ҳамманинг дилидаги оғринишнинг изҳори эди.

— Балки пахтазорни кенгайтиришга зарур бўлиб қолгандир, — деди ҳамроҳларимиздан бири тасалли оҳангида.

— Э, пахтазорга ер қўшилсин дейишса, бу атрофда қумликлар, ташландиқ ерлар оз дейсизми? Фақат у жойларни ўзлаштириш учун нисбатан кўпроқ меҳнат қилиш керак бўлади-да. Эҳтимол, шундан қочишгандир, — деди бир қария.

— Эҳтимол, ўрмон хўжалигидаги акаларимизга ёғоч, ўтин керак бўлиб қолгандир, — дея кесатди кимдир.

Иҳотазорнинг ғариб манзараси барчанинг кўнглига нохушлик солди. Йўловчилар ўз-ўзларидан жимиб қолишди. Ҳамма ўз хаёли билан банд эди.

— Хўш, нега иҳотазор йўқ қилинди?

Биз шу савол билан область Ўрмон хўжалиги бирлашмаси бош инженери Соли Раҳмоновга мурожаат қилдик.

— Акацияларнинг кўпи умрини яшаб бўлган эди, — деб жавоб берди у.

— Ҳали деярли 90 фоизи яшнаб турган эди-ку. Қуриганларини кестириб, ўрнига бошқа ниҳол ўтқазилса бўлмасмиди? — деган эътирозимизга ундан дурустроқ жавоб ололмадик. Дарҳақиқат, нима ҳам деярди.

Бош инженер ўшанда бир қатор қилиб дарахт кўчатлари ўтқазишга ваъда берди. Афсуски, ваъда ваъдалигича қолди. Эндиликда бир пайтлар яшнаб турган сўлим дарахтзор ўрнининг катта қисмини шўра, янтоқ каби бегона ўтлар босиб ётибди.

Тўғри, илдизи билан қўпорилган дарахтларнинг айримлари қурий бошлаган эди. Иҳотазор деярли суғорилмасди. Улар бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилганди. Кўп йиллик азим дарахтлар ўрмон хўжалиги ходимларининг ғамхўрлигисиз ҳам дуппа-дуруст ўсиб-яшнаб, дилларга қувонч бахш этиб келаётганди. Қош қўяман, деб кўз чиқарилди, холос.

Бош инженер айтганидек, қўпорилган дарахтлар ўрнига кўркамроғи, янгилари экиладиган бўлса, нега бу ҳақда кечки куз, қиш ойларида ўйланмади. Бурноғи йили октябрь, ноябрь ойларида сафланиб ўсаётган дарахтларнинг 5—6 қаторини қўпориб, ўрнига эрта баҳорда янги ниҳоллар экилганида эди, кўчатлар улғайгунча эски дарахтларнинг бир қисми йўл бўйида ўсиб турган бўларди, бу қадар нохуш манзара юзага келмасди. Дарахт яшнаб ўсиши учун уни парваришлаш, озиқлантириш, суғориш керак. Сурхондарё область Ўрмон хўжалигида эса осон йўлни танлаб қўя қолишди: иҳотазордан воз кечилди.

Шуни айтиш керакки, Катта ўзбек тракти бўйидаги дарахтларни қўпориш одат тусига кириб қолмоқда. Яна бу иш ўрмончиларнинг ўз рухсатлари билан бўлаётгани, бунда кўпроқ уларнинг ўзи ташаббус кўрсатаётгани кишини ажаблантиради. Бир неча йил муқаддам Катта ўзбек трактининг Ангор посёлкасидан то Каптархона қишлоғигача бўлган масофанинг ўнг томонида дарахтлар дуркун яшнаб турарди. Унинг бир қисми — Ангор районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозидан то Термиз — Жарқўрғон чорраҳасигача кесиб ташланди. Кейинги бир неча йил ичида эса, иҳотазорлар Ангор райони билан Термиз райони чегарасигача тугатиб келинди. Йўлнинг ўнг томонидаги, хусусан, «Октябрь 50 йиллиги» колхози чўчқачилик фермаси яқинидаги йўқ қилинган иҳотазорнинг ўрни ҳозир ҳам бўш турибди.

Ўрмон хўжалиги ходимларининг эътиборсизлиги, айрим хўжалик раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли Гагарин райони территориясида — «Партия XXIV съезди» совхози чорраҳасидан Комсомолобод посёлкасига элтувчи йўлнинг ўнг томонидаги, Ленин йўли районининг Будённий номли ва Қ. Раҳимов номли совхозлари территориясидаги иҳотазорлар йўқ қилиб юборилди.

Хўш, бундай хўжасизлик, бошбошдоқлик қачонгача давом этади? Юрт кўрки бўлган дарахтларнинг эъзозланиши билан ким шуғулланади?

Халқимизда: «Дарахт қирқ йилда вояга етади», деган нақл бор. Сурхондарё область Ўрмон хўжалиги бирлашмасидаги мутасадди ўртоқлар бу ҳикматни эшитмаганга ўхшайдилар. Акс ҳолда улар дарахтларнинг йўқ қилинишига бу қадар йўл очиб бермаган бўлардилар. Хўш, уларнинг фаолиятига республика Ўрмон хўжалиги министрлигидаги ўртоқлар қандай баҳо беришар экан?

Р. АБДУРАҲМОНОВ,
М. АЗИЗОВ

Сурхондарё области.

ТЎНҒИЧ АДИБА

Шундай ижодкорлар бўладики, улар тақдирида муайян даврга хос фазилатлар ёрқин акс этган бўлади. Биринчи ўзбек совет адибаси Ойдин (Манзура Собирова) ана шундай сиймолардандир.

Ойдин ўзбек совет адабиётида хотин-қизлар озодлигининг илк, оташин куйчиси-адибаси сифатида майдонга чиқди. Унинг мазмунли, ҳаяжонли воқеаларга бой ҳаёт йўли мисолида ўзбек аёлларининг Совет ҳокимияти давридаги ёрқин ҳаёти, уларнинг гўзал маданий ва маънавий турмуши тимсолини кўриш мумкин.

Адиба Ойдиннинг таржимаи ҳоли ҳам бу фикрларни тўла тасдиқлайди: 1906 йилда Тошкентда туғилган бўлажак адиба 1923 йили хотин-қизлар педагогика техникумини битириб, биринчи ўзбек совет аёл ўқитувчилари — «маориф қалдирғочлари» сафидан ўрин олди. У ўқитувчилик қилди. Шу билан бирга, актуал мавзуларда шеърлар ва «Янгиликка қадам» драмасини ёзиб, умидли шоира, драматург сифатида адабий жамоатчиликнинг эътиборини қозонди. Сўнг рабфакда, 1927—1931 йилларда педакадемияда (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида) таҳсил кўрди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилари союзининг масъул секретари, «Ёрқин ҳаёт» журнали редактор ўринбосари, Ўзбекистон ССР Радио эшиттириш комитетида масъул муҳаррир вазифаларида ҳалол меҳнат қилди. Ёзувчи Ойдин ўз меҳнат фаолияти давомида партия ва жамоат ишини доимо ижодий иш билан қўшиб олиб борди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида масъул ходим ва «Ўзбекистон хотин-қизлари» (ҳозирги «Саодат») журналининг бош редактори бўлиб ишлаган.

20-йилларнинг ўрталаридан то 30-йилларнинг иккинчи ярмигача бўлган даврда Ойдин шоира сифатида қизғин ижод қилди. «Майса узилди», «Машина қулоғида», «Йўқолган тана», «Кўприк устида», «Бу кеча» сингари поэмалари ўша йиллар маҳсулидир. Шоира шу йилларда уч шеърий тўплам — «Тонг қўшиғи», «Чечан қўллар», «Ойдин шеърлари» китобларини ҳам ўз мухлисларига тақдим этди, маҳорати асардан асарга ўса борди.

Қўлларимда чолғулар
Озодликни куйлайдир, —

деб ёзган Ойдин ўз шеъриятида хотин-қизлар озодлиги, уларни социалистик қурилишга жалб этиш, замондош хотин-қизлар образини яратиш масаласи марказий ўринни эгаллайди. У ўз асарларида хотин-қизлар онгида содир бўлган буюк ўзгаришларни умумлаштириб кўрсатишда социалистик реализм принципларига изчил амал қилади.

Ойдин 30-йилларга келиб, ўз иқтидорини насрда синаб кўрди: 1934 йилда социалистик меҳнатнинг янги инсонни тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида «Зумрад ёки виговор» ҳикоясини ёзди. Шундан сўнг адибада ҳикоя жанрида ижод қилишга мойиллик кучая борди ва кейинроқ бу жанрда муттасил қалам тебратди. Унинг «Чақалоққа чакмонча», «Қизларжон», «Ширин келди», «Мардлик — мангулик», «Ямоқчи кўчди», «Садағанг бўлай, командир», «Ҳикоя ва очерклар», «Ҳикоялар», «Ширинга мактуб», «Гулсанам» ва бошқа китобларида тўпланган кўпгина асарлар ўзбек реалистик ҳикоячилигининг етук намуналаридан ҳисобланади.

Адиба ҳикояларининг кўпчилигига хос хусусият шундаки, уларда оддий совет кишиларининг, асосан, замондош ўзбек хотин-қизларининг реалистик об-



Г. Раҳмонова чизган расм.

разлари биринчи планда туради. Бу образлар воситасида автор кишиларда социалистик тузум туфайли юзага келган янги сифатларни очиб беради, янгича урф-одатларни улуғлайди.

Ҳа, тўғри, у шеъриятда бўлгани каби, ҳикоя жанрида ҳам муайян тадрижни ўз бошидан кечирди. Ўз ижодига танқидий назар билан қарай билган Ойдин социалистик реализм принципларини, А. П. Чехов, А. М. Горький, Абдулла Қодирий каби устоз ёзувчилардан маҳорат «сир»ларини ўзлаштирди. Натижада 30-йилларнинг иккинчи ярмида моҳир ҳикоянавис сифатида ном қозонди.

Масалан, «Икки кўзи шунда» ҳикоясида она бўлиш ва уни тарбиялаш кишининг ижтимоий фаолиятига халақит беради, деб ҳисобловчи баъзи аёллар (артистка Гулнора образи) қораланган. Гулноранинг фикрларини инкор этиш орқали оналик ва фарзанд тарбияси соф виждонли ҳар бир соғлом аёлнинг муқаддас бурчи, насл давомчиси бўлиш, қолаверса, ёш авлодни тарбиялаш давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ишдир, деган ғоя бадиий ифодаланган. «Кўнгил тўлдими, яхши йигит» ҳикоясида эса хотин-қизлар ижтимоий турмушдан четда яшаши мумкин эмас, улар социалистик турмушимизнинг актив иштирокчилари бўлиши зарур, деган фикр олға сурилади.

Шуниси характерлики, адиба ўз ҳикояларида кўпчиликни қизиқтирадиган муҳим ғояларни олға сурар экан, баёнчиликка берилмайди, сохталикка йўл қўймайди. Аксинча, ғояни асарнинг умумий руҳига, образлар фаолиятига сингдириб юборади. Оддий, кичик воқеалар тасвиридан катта ижтимоий хулосалар яратади. Бу фазилат унинг Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги йилларда яратган ҳикояларида ҳам очиқ кўринади.

Дарҳақиқат, 30-йилларда баракали ижод қилган адибанинг фаолияти Улуғ Ватан уруши йилларида янада юксалди. «Олтин узукка олмос кўз», «Эр юрак», «Асл ёр», «Умр совғаси», «Фарҳодлар», «Қизларжон» каби ғоявий пишиқ ҳикояларида ўша жанговар кунларнинг типик лавҳаларини ёрқин акс эттирди. Жангга кетган ака-укалари, дўсту ёрлари, ҳамқишлоғу ҳамшаҳарлари ўрнига фидокорона меҳнат қилиб, мамлакат ичкарисида қаҳрамонликлар кўрсатган ватанпарвар кишиларнинг ҳаққоний образларини яратди.

Ойдин ижодида замондош хотин-қизлар образини яратиш асосий ўрин тутади, деб юқорида таъкидладик. У ватанпарвар аёлларимизнинг ранг-баранг образларини тасвирлашда жиддий ютуқларга эришди. Уч ўғлига зафар тилаб, уларни босқинчи ёвга қарши жанг майдонига йўллаган Ҳурмат хола («Умр совғаси»), жангга кетган эри ўрнида ишлаган эр юракли машинист Салтанат («Эр юрак»), жанг майдонида бир оёғидан ажралиб қайтган жангчи Пўлатжонга садоқат билдирган Малоҳат («Асл ёр»), ГЭС қурилишида ҳарбийчасига меҳнат қилган Маърифатхон («Қизларжон»), ўз меҳнати билан бошқаларга ибрат бўлган Қумрихон («Олтин узукка олмос кўз») сингари қаҳрамонлар ана шундан далолат беради.

Ойиннинг Улуғ Ватан уруши даврида яратган асарлари кишиларимизни руҳлантиришга, уларнинг буюк ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу ўринда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчи Қамбар Мирзаевнинг 1943 йил 17 декабрда ёзган хатини эслаш ўринлидир: «...Ойиннинг «Қизлар»и («Қизларжон» тўплами — С. М.) менинг кўзимга ҳозирги оғир даврдаги Ўзбекистонни, ишчан, чидамли, меҳнатсевар халқимни кўрсатди. Яхши китоб экан. Мен уни қайта-қайта ўқидим. Госпиталдаги ўзбекчани билмайдиган қардошларимизга мазмунини айтиб бердим. Биладиганлари ўзлари ўқимоқдалар. Ёзувчимизга раҳмат демоқдалар ва яна фронтнинг орқаси шундай мустаҳкам бўлгач, душманнинг тор-мор бўлиши турган гап демоқдалар».

Адиба Улуғ Ватан урушидан сўнг замонавий мавзуларда қатор очерклар ҳамда «Келинчак», «Жононлар», «Суҳбати жонон», «Юрагида ўти бор», «Ўзи монанд», «Келин ўғил туғибди» сингари қатор ҳаётий ҳикоялар ёзди. Улуғ Ватан уруши оловларида тобланган ўзбек инженер аёли Мастура («Суҳбати жонон»), Она Ватанни ҳимоя қилиш учун фронтга кетган ёрини интизорлик билан кутган, колхоз даласида ҳалол меҳнат қилиб, эл ҳурматини қозонган камтар келинчак Қундузой («Келинчак»), социалистик меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришган звено қизлари («Юрагида ўти бор») ва бошқа образлар бу жиҳатдан характерлидир.

Адибанинг ҳикоялари мавзу, ғоя ва образ эътибори билангина эмас, балки бадиий маҳоратнинг юксаклиги билан ҳам диққатга лойиқдир. Улар адабий асарнинг «биринчи элементи» (М. Горький) ҳисобланган адабий тилнинг аниқ ва жозибадорлиги, пишиқ ва образлилиги билан ажралиб туради. Муаллиф тил имкониятларидан унумли фойдаланиб, чуқур мазмунли катта фикрларни содда ва сиқиқ шаклларда қизиқарли қилиб ифодалайди. Унинг ҳикояларига хос кўп фазилатлар очеркларига ҳам тааллуқлидир.

Ойиннинг адабиёт ва халқ олдидаги хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени, бир неча медаль ва Фахрий Ёрлиқлар билан мукофотланган. 1951 йили Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган. Эндиликда, унинг номи билан аталадиган кўча ва мактаблар мавжуд.


Ойдин асарларининг тарбиявий-эстетик аҳамияти катта. Бинобарин, улар бундан кейин ҳам халқимиз томонидан севиб ўқила беради. Асарларининг замонавийлиги ва адибанинг мангу барҳаётлиги ҳам ана шунда.

Сайдулла МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Самарқанд



Меҳнат завқи. С. Величкин фотоэтюди. (ЎзТАГ)



Машҳур лимончи селекционер Фахриддин Зайниддинов. Н. Муҳаммаджонов фотоси.

Ростгўйилик

Адабий қарашлар

Ростгўйилик ҳамма даврларда ҳам ижодни, ижодкорни улуғловчи бош фазилатлардан бири, балким биринчиси бўлган. Навоий, Пушкин, Толстой, Достоевский, Машраб ва Муқимий биринчи галда ўзларининг ҳақ сўзи билан эл орасида обрў-эътибор топганлар.

Гар қилич бошимға ҳам келса дегайман ростин...

Бу демократ, реалист шоир Муқимийнинг бош шиори эди. М. Горький, В. Маяковский, М. Шолохов, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳордан тортиб бугунги кўп миллатли совет адабиётининг барча пешқадам вакиллари ҳаммадан бурун халққа ҳақиқатни, фақат ҳақиқатни айтгани, айтганда ҳам ёниб, қойил қилиб айтгани учун қадрлидирлар.

Елғоннинг умри қисқа, дейди халқимиз. Адабиётда ёлғон сўзнинг умри ундан ҳам қисқа. Сир эмас, адабиётимиз тарихида ҳақиқатдан чекиниш, ҳаётни пардозлаб кўрсатиш, «конфликтсизлик назарияси» хийла кенг тарқалган, мадҳиябозлик, офаринчилик, қасидачилик авж олган даврлар ҳам бўлган. Бундай нохуш ҳодисалар инерцияси кейинги йилларда ҳам гоҳо кўриниш берди. Тажриба қайта-қайта шундан далолат бераётирки, қандайдир кўринишда бўлмасин ҳаёт ҳақиқатидан чекиниш, ҳаётни пардозлаб кўрсатиш, офаринчилик — сўз санъати учун заволдир. Ҳақиқий аҳволни бузиб, ҳаёт мураккабликларини хаспўшлаб, безаб-бежаб кўрсатиш Коммунистик партия кескин қоралаётган кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишнинг адабиётдаги кўринишидир. Илҳом-эҳтироссиз, ижодий машаққатсиз майдонга келган, арзон шуҳрат, қуруқ мадҳиябозлик маҳсули бўлган бундай «асар»лар адабиёт тарихидан, қолаверса халқимизнинг дилидан, ҳушёр, талабчан китобхон кўнглидан ҳеч қачон жой олмаган, ололмайди ҳам. Улар мушакдек бир дақиқа товланиб жимжималарга ишқибоз кимсалар кўзини қамаштирса-да, кўпга бормай «пўп» этиб ўчиб, ном-нишонсиз йўқолиб кетади. Аммо, бундай сохта, жимжимадор асарларга асло бефарқ қараб бўлмайди. Чунки улар дидсиз, тажрибасиз китобхонни, вақтинча бўлса-да, чалғитиш, жамоатчилик орасида хотиржамлик, ҳаётга енгил-елпи муносабат кайфиятларининг авж олишида ўзига хос «хизмат кўрсатиши» табиий. Адабий танқид уларга қарши курашаётир, бу кураш яна ҳам кескинроқ, саботлироқ бўлиши лозим. Давр шуни талаб қилаяпти, партия шунга даъват этаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев «Совет халқига янги йил мурожаати»да, жумладан: «Ҳозирги кунда биз ҳамма нарсани ўз номи билан атамоқдамиз: муваффақиятни — муваффақият, камчиликни — камчилик, хатони — хато демоқдамиз. Такаббурлик ва хотиржамликнинг ишончли даъвоси, аҳиллик билан ижодий вазиятда янги муваффақиятлар, янги ютуқлар сари, турмушнинг янги сифати, социал-иқтисодий ва маданий ривожланишнинг янги чўққилари сари бораверишнинг тўғри йўли мана шундадир», дейди.

Ростгўйлик ҳалоллик, самимийлик билан эшдир, ҳалол, самимий одамгина ростгўй бўла олади. Ростгўйлик, ҳалоллик бўлмаган жойда нормал ҳаёт, камолот, муваффақият тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Инсонни ҳаммадан бурун ростгўйлик, самимият, ҳалоллик улуғлайди. Олий мақсадларга фақат ҳалоллик билангина эришиш мумкин.

Коммунистик партия ҳозир социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, уни самарали ривожланиш йўлига ўтказиш вазифасини ўртага қўяётган экан, бунда инсон омилининг ролига алоҳида эътибор бераяпти. Чунки инсон омилини фаоллаштирмай, инсоннинг ўзини маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксакликка кўтармай, онглилигини оширмай туриб бу улуғвор вазифани асло ҳал этиб бўлмайди. Мана шундай шароитда адабиётнинг мангу шиори — ростгўйлик, ҳаққонийлик, қадимий ва ҳамиша навқирон мавзу-муаммоси — адолат, виждон, ҳалоллик, поклик, самимият масаласи ҳар қачонгидан кўра ҳам актуаллик касб этаётир. Бутун мамлакатда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳар бир соҳада адолатни барқарор эттириш, ростгўйлик, ҳалоллик, маънавий поклик хислатларини совет кишисининг ҳаёт тарзига айлантириш учун кураш кучайтирилган ҳозирги кунларда бу масала адабиёт ва санъатда янада кескинроқ қўйишни тақозо этмоқда.

Кейинги йилларда яратилган энг яхши асарлар — атоқли адиб Ю. Бондаревнинг «Ўйин» романи, В. Распутиннинг «Ёнғин» повести, А. Мишариннинг «Кумуш тўй» драмаси, Ев. Евтушенконинг «Фуку!» поэмасига хос бош хусусият шуки, улар аввало ҳақиқат ёғдулари билан йўғрилган, уларда давримизнинг мураккаб ва ўткир масалалари большевистик жасорат билан ўртага қўйилган, жамиятимизнинг ҳозирги ҳолати, муаммолари ҳалоллик билан теран бадиий таҳлил этилган, ҳаётимизни ҳар қандай ғуборлардан халос этиш ғояси пафос даражасига кўтарилган. Худди шу хусусиятлари билан бу асарлар кенг жамоатчиликни қаяжонга солаётир, қизғин баҳсларга сабаб бўлаётир. Шуниси қувонарлики, партиявий матбуотимиз, жумладан «Правда» газетаси бу турдаги асарларга хос ўткир гражданлик пафосини, камчиликларга нисбатан муросасизликни, муаллифларнинг жамиятимиз ҳаётига оид муаммоларни ҳал этишга фаол ва дадил аралашаётганликларини астойдил қўллаб-қувватламоқда.

Бугунги ўзбек адабиётининг энг яхши намуналарида ҳам ўша нодир асарларга яқин оҳангларни кўрамиз — уларда ҳам ҳаётнинг мураккаб муаммолари кўтарилган, нопоклик, ғирромлик, маънавий тубанлик сингари иллатларнинг жирканч кўринишлари, мудҳиш оқибатлари куюнчаклик билан қаламга олинган, танқид қилинган. Бундай танқид олижаноб мақсад — жамиятимиз, халқимиз камолоти, истиқболи учун астойдил қайғуриш руҳи билан йўғрилган. Шоир Омон Матжон «Чўлдагилар» достонида тўғридан-тўғри халққа мурожаат этиб ёзади:

Кунда ҳам доғ бор деб, овунар кўплар,
У доғми? Тун акси тушган гулхан у!
Е унмас, ё кулмас қора доғлардан,
Халқим, толеингни халос эт мангу!

Табиийки, адабиётда ҳақиқат, адолат, ҳалоллик, камчиликларга нисбатан муросасизлик туйғусининг кўчайиши шундай ғояларни ташувчи кишилар образига бўлган қизиқишни оширади. Ҳозирнинг ўзидаёқ шундай ғояларни ташувчи бир қатор қизиқарли образлар пайдо бўлди. Бу тур образлар тобора хилма-хил бўлиб, уларнинг характери, тақдири ифодаси, талқини бойиб бораяпти. Энг муҳими, муаллифларимиз ҳалол, ҳақиқатпарвар одамларни бирёқлама, сип-силлиқ, ғояларнинг қуруқ жарчиси бўлишидан қочиб (чунки бундай йўл адабиётда ҳеч қачон муваффақият, шуҳрат келтирган эмас), улар тақдири ва характерини мураккаблиги, кучли ва ожиз томонлари билан тасвирлашга интилмоқдалар. Айни шу жиҳати билан бу тоифа образлар қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётир, гоҳо қаҳрамонлардаги зиддият, ожизлик ёзувчининг камчилиги деб баҳоланаётир. Ҳар қанча мураккаб ва хилма-хил бўлмасин, асарларимиздаги маънавий пок, ҳалол, ҳақиқатпарвар ёки ҳақиқатга ташна одамлар бир жиҳатдан бир-бирига ўхшайдилар: улар бамисоли боладай беғубор, кўнгли ўта пок, нозик, нопокликни асло кўтаролмайди, нопоклик, ғирромлик аралашган жойда ўзини қўярга жой тополмайди, ноҳақлик, ғирромлик қаршисида нафрат-надоматдан олов бўлиб ёнади, гоҳо ўзини ожиз-нотавон сезади, аммо ҳеч қачон нопоклик билан муросага бормайди, боролмайди; эътиқодига гард юқтирмайди, ҳар қандай мураккаб, қалтис вазиятда ҳам ўзлигига содиқ қолади, ҳатто ўлимига рози бўлади-ю, аммо аҳдидан, эътиқодидан қайтмайди. Улар худди шу хислатлари билан гоҳо сентиментал, гоҳо ожиз-нотавон, гоҳо эса ғаройиб — афандитабиат кишилар бўлиб кўринади...

Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссасида шундай эпизод бор: асар қаҳрамони Қоплон — бу меҳнаткаш, ўта камсуқум, ҳалол одам масъул постда турган бир ғирром кимса мархумлар руҳига хиёнат қилиб, ўлик жонларни рўйхатга тиркаб, улар ҳақини ўмарганидан огоҳ бўлганида, инсон деган номни бу қадар оёқ ости этганини кўрганида ўзини тутолмай, беихтиёр йиғлаб юборади. «Инсон, ўғри бўл, ғар бўл, эви билан бўл-да!.. Шундан кўра ўлиб кетганинг яхши эмасми. Имон қани, одам деган номинг қани?.. Инсон, сенга пул керакми? Пул қоғоз-ку! Ана далалар, ишла. Бу тупроқ сенга пул деган қоғозни хоҳлаганингча беради. Пул далаларда оқиб ётибди. Инсон, шу ҳолатгача етдингми-а?!»

Қоплоннинг бир дақиқалик кўз ёшлари сираям ожизлик аломати эмас, аксинча қаллобликни асло қалбига сиғдиролмайдиган ўта ҳалол, беғубор меҳнаткаш одамнинг реал ҳолати! Унинг қалбидан отилиб чиққан надоматларга тўла сўзлар нолиш эмас, балки пешона тери, ҳалол меҳнати билан умр ўтказишни, бойлик орттиришни шараф деб биладиган асл деҳқон фалсафаси! Шу воқеадан кейин Қоплон тубан кимса инъомини қатъиян рад этади, у билан юз кўрмас бўлиб кетади. Бу қандайдир шартакилик эмас, балки инсонлик шаънини юксак қадрлайдиган, эътиқоди бутун, ҳалол одамнинг аҳду қарори, яшаш тарзи!

Адабиётимизда ҳалоллик, адолат учун кураш ғояси ифодаси тобора мураккаб кўриниш касб этиб бораётир, дедик. Адибларимиз ҳалол ва нопок одамлар орасидаги анъанавий ошкора зиддият, тўқнашувлар билан баробар, хийла чигал инсоний муносабатлар тасвири ва таҳлилига ҳам қўл ураётирларки, бу ҳол адабиётимизнинг реалистик балоғатидан далолатдир.

Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романи марказий қаҳрамони Музаффар орадан ўн йил ўтса-да, ҳалок бўлган севгилиси Мунаввар ёди билан танҳо яшайди, ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, уйланмай, уйланолмай қарияларни хуноб қилади; онаси ўлими хабарини эшитганда изтироб чекади, таъзиясига отланади, аммо онаси хонадонига яқинлашганда ўлим хабари туфайли дастлаб кўнгилда уйғонган фарзандлик меҳри сўниб, ортга қайтишни ўйлаб қолади.

Хўш, бу нима? Музаффарнинг уйланмай бўйдоқ юриши таркидунёчилик кўринишими? Онага бўлган совуқ муносабат тошбағирлик оқибатими? Асло! Гап шундаки, Музаффар — ҳалол, виждонли, қаллобликни сира кўтаролмайдиган йигит. У фарзанд сифатида онаси томон талпинади, бироқ она хиёнати, бу хиёнат туфайли отаси ҳамда ўзининг ҳаёти

алғов-далғов бўлиб кетганлигини асло унутолмайди. Бунинг учун биз Музаффарни кўнглида кек сақлайдиган одам ҳам дея олмаймиз. Ахир она йўл қўйган гуноҳ осонгина унутилиб юбориладиган гуноҳ эмас! Музаффарнинг севги фожиаси, Мунавварнинг ҳалокати ҳам бир чеккаси она хиёнатига бориб тақалади. Она йўл қўйган хато туфайли фақат Музаффарнинг гўдак умри хазон бўлиб қолмай, унинг келажагини, севгисини, севги ёшини ҳам завол этади. Раъно қилмиши туфайли қанчадан-қанча одамлар, қариндош уруғлар номусга қолади, инсонлик шаъни топталади... Музаффар туққан она олдидаги бурчини ўташга қарчанд уринмасин, онаси томонидан қилинган мудҳиш гуноҳ қалбини оғир дард бўлиб кемиради; нопоклик ҳаттоки, энг азиз, яқин одамини ҳам пок қалб эгаси учун бегона қилиб қўяди. Севги фожиасида, Мунаввар ҳалокатида ўз онасининг қўли борлигини билгани, вужуди билан ҳис этгани учун ҳам у марҳум хотирасини асло унутолмайди, бошқага кўнгил қўёлмайди...

Музаффар шахсий ҳаётда бахтсиз, омадсиз. Аммо уни ожиз-нотавон, дея олмаймиз, Музаффардан бу борада курашчанлик талаб ҳам этолмаймиз. Чунки Музаффар андишали фарзанд сифатида онага қарши боролмайди. Бунинг устига, онанинг ҳоли унга маълум, у ўзи йўл қўйган гуноҳ жабрини торта-торта, алам-изтироблар, пушаймонлар оловида куйиб адойи-тамом бўлган...

Музаффар она меҳрига зор ўсган бўлса-да, аммаси, боққан онаси — Робия меҳрини туйган, тотган, ўзи ҳам уларга фарзандлик меҳрини бахш этган. У уйланмай, уйланолмай ўтаётган бўлса-да, инисининг қизалоғига «ада»; қизалоқнинг «ада» деб талпиниши кўнгил ғуборини ёзгандай туюлади; ишда меҳнат билан овунади, кўл остидаги одамлар ташвиши туфайли кўнгил дардини унутади... Шу тариқа асарда қаҳрамон қисмати нуқул мусибату ғам-аламлардан иборат эмас, унда ғуборларни ёритувчи нурлар ҳам бор.

Кўриниб турибдики, романда ҳалоллик, адолат, виждон ифодаси, ҳалол ва нопок одамлар ифодасидаги муносабатлар талқини ҳийла мураккаб. Эркин Воҳидовнинг «Истамбул фожиаси» асарида бундан ҳам мушкул, чигал вазиятга дуч келамиз.

Асар асосида уч шахс — оғаини Жалол ва Искандар ҳамда бир вақтлар Искандар учун маъшуқа, сўнгра эса Жалолга хотин бўлган Саодат, уларнинг чалкаш, зиддиятли, фожеий тақдири ётади. Қирқ йил бурун рўй берган мудҳиш ҳодиса, ноҳақлик, янглиш бир қадам туфайли Искандар ҳаёти остин-устин бўлиб кетади, у дарбадар, ватангадога айланади. Бизни айниқса Жалол характери, тақдири, руҳияти қизиқтиради. Асардаги энг кескин драмалар силсиласи худди шу одам қалбида кечади. Чет эл сафарида тасодифан аллақачон марҳумга чиқарилган иниси билан учрашиб қолиб, инисининг аччиқ қисматидан огоҳ бўлган Жалол ҳушёр тортиб ўз ҳаётини, босиб ўтган йўлини виждонан тафтишдан ўтказади, йўл қўйган хатоларини бутун даҳшати билан ҳис эта бошлайди: бир вақтлар у иниси тиригини хорлаб, ўлими ҳақидаги ёлғон хабардан сўнг умр бўйи шу сохта шуҳрат йўлида давом этган. Шон-шуҳрат, мансаб-мартаба деб халқни алдаган, кўзбўямачиликлар, қаллобликлар қилган... Йўл қўйган хато, гуноҳ даҳшатини юракдан ҳис этиш, сохта шуҳрат, қаллобларча ҳаёт тарзи инсон деган ном учун иснод эканини тўла англаб етиш, бундай ҳаёт тарзи билан видолашиш — осон кўчадиган иш эмас. Шоир бир шеърида ёзганидек:

Юракларни пок этмак
Анчайин мураккаброқ.

Қирқ йил давомида қўлга киритган обрў, шон-шуҳратдан воз кечиш қанчалар мушкул бўлмасин, у пировардида ҳақиқат, адолат йўлини танлайди:

Мен аҳд қилдим — юртга
қайтгач биринчи ишим —
Одамларга ҳамма гапни ўзим
айтаман.
Бу унвону нишонларим, шону
шуҳратим
Бари сохта, деб айтаман. Не бўлса
бўлсин.
Ун етти йил ич-этимни кемириб
ётган
Изтиробдан қутуламан...

Агар ўзи бу ишни вақтида қилмаса, эртага ёки ўлимидан кейин албатта бор ҳақиқат юзага чиқишига ишонади. Бу иш оғир, аммо виждон азобидан қутулиш учун шундай қилишга мажбур.

Бор гапни мен тиригимда
айтишим керак,
Ҳеч бўлмаса, гўримда тинч
ётишим керак —

унинг эндиги орзуси шундай. Шоир қаҳрамоннинг шундай аҳдга келиш жараёнида кўнглида кечган руҳий драмаларни аксар ҳолларда бор кескинлиги билан кўрсатишга эришган. Бироқ энг кескин драматик ҳодисалар ҳали олдинда. Юртга қайтгандан кейин аҳдига тўла вафо қилиш учун унда жасорат, фидойилик етишармикан? Шундай савол билан биз асарни ёпамиз. Шу тариқа «Истамбул фожиаси» нопоклик, адолатсизлик даҳшатларини татиб кўзи очилган, ҳақиқатга, адолатга ташна одамлар ҳақидаги, ўқувчини ҳаяжонга соладиган, ўйга толдирадиган асардир.

Адибларимиз ғоят самарали ва ҳаяжонли ҳаётий жараён — турмушимизни ҳар қандай ғуборлардан халос этиш, ҳамма соҳада ижтимоий адолатни барқарор этиш учун сабот билан олиб бораётган курашнинг олдинги сафида турибдилар. Чунки ҳақиқий талант эгаси ҳаммадан бурун рост сўзнинг шайдоси, поклик, ҳалоллик, самимият соқчиси, адолат курашчисидир.

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори.

ЗИЁБАХШ ҚАЛБ

Отахонни кўпинча мутолаа устида учратасиз. У гоҳ эски қўлёзмаларни варақлаётган ёки картотека тузаётган бўлади. Хуллас, илмга, илмий ишларга тааллуқли асарларни игна билан қудуқ қазигандай синчиклаб текшириш, тартибга солиш унинг доимий машғулоти.

Шундай воқеалар бўладики, инсон хотирасида у умрбод сақланиб қолади. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-текшириш институтининг кекса ходими, китобдор Абдулла ака Носиров ҳаётида ҳам шундай бўлган.

...1920 йиллар. Ўша пайтлар билим ихлосманди, ёш Абдулла китобни қаттиқ севганлигидан атайлаб Тошкентдаги эски шаҳарда жойлашган «Турон» кутубхонасига ишга кирди. Бу зиёхонада нодир асарлар сақланган қўлёзмалар бўлими ҳам бор эди. У мазкур китоблардан фойдаланиш учун келган илм толибларига яқиндан кўмаклашарди. Бу борада Абдуллага араб, форс, туркий тилларни яхши билган билимдон устози Сидқий Хондайлиқийнинг ўгитлари қўл келди.

Худди ўша йиллари машҳур шарқшунос олим В. В. Бартольд ҳам Тошкентда эди. У ҳам шу кутубхонадан фойдаланарди. Абдулла Носиров рус олими билан тез-тез учрашар, фан муаммолари ҳақида қизғин суҳбатлашар эди. Бу хил суҳбатлар ҳам китобдорнинг илмини бойитди, унинг ақли, дидини чархлади. Шу аснода 1920 йили Носировнинг 143 га яқин шоирлар ижоди ҳақида фикр юритилган «Биликот» деб номланган асари юзага келди.

— Ўша «Турон» кутубхонасида ишлаб юрган вақтимдаги бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди, — деб эслайди ўтган кунларни Абдулла ака. — Бизнинг кутубхонага Абдулла Қодирий ҳам тез-тез келиб, мендан китоб олиб турар эди. Шу йўсинда мен у киши билан яқиндан танишиб қолган эдим. Бир куни Абдулла ака менга: «Махсум, вақтингиз бўлса, менинг романимни кўчириб берсангиз, қўлёзмани олиб қолиб, нашриётга нусха топширсам», деб илтимос қилди. Мен ҳам мамнунлик билан бу илтимосни қабул қилиб, ишга киришдим. Бу «Ўтган кунлар» романи эди... Абдулла акадан олган қалам ҳақига эса радиола сотиб олганман...

Абдулла Носиров кўп вақтлар юқорида номи зикр этилган Тошкент область кутубхонасида, сўнг Алишер Навоий номли Давлат халқ кутубхонасида ишлади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти очилгач, шу ерга ишга ўтди. Унинг шундан кейинги илмий фаолияти мазкур фан даргоҳида кечмоқда.



Шарқ қўлёзма китобларида одатда мундарижа бўлмагани туфайли улардан бирор шахс ёки воқеага доир маълумотни топиш учун кўп вақт сарфлашга тўғри келарди. Буни осонлаштириш чораси топилмасмикин? Ана шу хаёлда отахон ўз қўлидан тавсифлаш учун ўтаётган ҳар бир қўлёзма асарни бениҳоят синчиклаб ўрганиб, қайси саҳифасида қандай материал борлиги ҳақида махсус карточкалар туза бошлади. Уларни эса, институтнинг ўша вақтдаги хаттоти Усмон Каримов, Нури Йўлдошева ва Флора Раҳмонбоевалар махсус варақларга кўчиришди. Булар муқовасозлар ёрдамида китобларга айлантирилди.

Шундай қилиб, қайси асарда, қайси шахс ёхуд воқеани аниқлашнинг осон йўли топилди. Шу кунгача бундай китоблар сони юз жилддан ошиб кетди.

Ушбу асарларнинг ҳар бир жилди алоҳида соҳаларга, у ёки бу алломанинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган. Масалан, Ибн Сино, Беруний, Форобий Ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Дурбек, Атоий, Гулхаий, Муқимий, Фурқат ва бошқа алломалар, шоирлар ижоди учун алоҳида жилдлар, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент ва бошқа шаҳарлар учун алоҳида жилдлар ташкил қилинган.

Абдулла ака Носиров жиддий илмий ишлар билан ҳам шуғулланади. У «Ўрта осиёлик қирқ олим», «Али Қушчи», «Аҳмад Фарғоний», «Алишер Навоий қўлёзмалари каталоги», «Тошкент тарихида баъзи сиймолар» номли китобларнинг ҳамда бир қанча илмий рисолаларнинг муаллифидир. Шуниингдек, кейинги пайтларда унинг ҳамкорликда ёзилган «Ақл казбаси», «Ҳофиз Кўйкий ким бўлган?» «Ўрта Осиё ва араб маданияти», «Табобатнинг ноёб мероси» каби кўплаб илмий мақолалари ҳам шарқшуносликка қўшилган муносиб ҳиссадир.

Тўксон баҳорни қаршилаётган бу табаррук отахонинг институт фондини бойитишдаги олиҳиммат хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

Ажойиб китобдор, фан заҳматкаши Абдулла Носировнинг кўп йиллик самарали хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ҳурмат белгиси» ордени, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Ҳабибулла
ЗАИНИДДИНОВ

Еш оилалар алоҳида ғамхўрликка муҳтождир. Ешларни оилавий турмушга тайёрлаш лозим. Еш келин-куёвларга энг аввало уй-рўзғор муаммоларини ҳал этишда моддий ёрдам кўрсатиш системаси янада пухтароқ ўйланган бўлиши керак. Давлат ва жамоат ташкилотларининг амалий ишини шундай йўлга қўйиш керакки, бу ишлар оилани, унинг негизларини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан ёрдам берсин.

(«КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси XXVII съездига Сиёсий доклади»дан

СИЗ ТАНИГАН ОДАМЛАР

ФАРҒОНА шаҳрига йўлимиз тушганда, тошкентлик ҳамкасбимиз Зокир Мирзаевнинг бир гапи ёдимизга келди. Шаҳарнинг Абай кўчасида 56 йилдан бери партия аъзоси бўлган Мамадали Каримов деган табаррук отахон яшайди. У киши билан бир суҳбатлашсангиз, ўлкамиз тарихини бир варақлагандек бўласиз. Ота Совет ҳокимиятини ўрнатиш йиллари чинакам фаоллик кўрсатган, колхоз қурилиши ва уруш давридаги хизматлари ҳам чакки эмас... Серфарзанд, пири бадавлат одамлардан...

Шу гап туртки бўлдию отахонни кўришни ният қилдик.

— Мамадали отани танийсизми? — дея машина рулидаги ҳамроҳим, қишлоқ хўжалик олими Юсуф Дадабоевдан сўрадим.

— Таниганда қандай. У киши ҳаммамиз учун ҳурматли қария. Куёви Муҳиддинжон Ҳамидов билан яқин дўстмиз. Шу боисдан ҳам отаникида тез-тез бўлиб, суҳбатини эшитиб турамиз, — деди Юсуфжон қандайдир ички бир туйғудан юзлари ёришиб.

У шундай дея машинасини Абай кўчаси томон бурди.

— Мамадали отанинг фарзандлари ҳам кўпдир? — дея ҳамроҳимни яна гапга тортдим.

— Ҳа. Беш ўғил, бир қизи бор. Ўғлининг бири инженер, бири қурувчи, бири олим бўлиш ҳаракатида. Лекин ҳаммасидан қизи Гулчеҳрахон ўзиб кетган. Шаҳримиздаги таниқли олималардан бири. Профессор, файласуф... Ҳамма фарзандларининг тарбиясида отанинг хизмати катта.

Машина кўк дарвоза рўпарасига келиб тўхтади. Дарвоза пештоқидаги лавҳа эътиборимизни тортди: «Бу ерда партия ва уруш ветерани яшайди».

Партия ва уруш ветерани! Шу оддий тушунчада халқимизнинг, кенг жамоатчиликнинг табаррук зотга бўлган эҳтироми, иззат-ҳурмати ўз ифодасини топган.

Кенг ва озода ҳовлига қадам қўйишимиз билан самимиятли кишиларга рўпара келдик.

— Жамоат жам экан-ку. Мана, Гулчеҳрахон ҳам шу ерда эканлар. Отанинг профессор қизи шу киши бўладилар-да, — деди Юсуфжон.

Ташқаридаги стол атрофида давра қурдик.

— Бугун студентларни пахтаси кўпроқ Киров районига ўтказиш ҳақида кўрсатма олгандик, — деди вазмин гап бошлаб Гулчеҳра Мамадалиевна. — Энди далага кетишга отланаётгандим, уйдан деканатга қўнғироқ бўлиб қолди. Ойимиз зинапоядан сирғаниб, қўлларини бир оз шикастлантириб қўйибдилар. Дарров буёққа келақолдим. Дадамиз ҳам касалхонада ўзларини қаратиб турувдилар. У киши ҳам бу хабарни эшитиб, машина чақиртириб хабар олгани уйга келибдилар.

Отанинг Неъмат, Шуҳрат деган ўғиллари бирин-кетин иш жойларига қайтиб кетишди. Бизни бошлаб келган Юсуфжон ҳам машинасини заправка қиламан, деб чиқиб кетди. Стол атрофида биз уч киши (отанинг аспирант ўғли Тўлқинжон билан) қолдик.

— Ҳозиргача дадам билан ойимларнинг бир-бирига бўлган иноқлигини, меҳрибончилигини кўриб ҳавасимиз келади, — деди ўз гапини давом эттириб Гулчеҳра. — Буларнинг турмуш қурганига, мана, яқинда эллик тўрт йил бўлади. Беш ўғил, бир қизни оёққа қўйишди. Невараларни, чевараларни ҳам кўп. Икки қария денг бирини бири авайлаб, бизларга қувват бўлиб юришибди. Энди турмуш қурган баъзи ёшларни кўриб таажжубланасан киши. Никоҳдан ўтишдию, орадан кўп ўтмасдан қайддан ўтган ўша ЗАГС идорасига ажралиш ҳақида ариза кўтариб борадилар. Кейинги йилларда бу нарса, статистик маълумотларга қараганда, бизда ҳам, мамлакатимиз миқёсида ҳам оммавий нуқсонга айланиб бораяпти шекилли.

— Эшитишимизча, сиз шу соҳада узоқ йиллар давомида тадқиқот олиб боргансиз. Текшириш натижалари нималарни кўрсатди? — Атайин олимани яна гапга тортдик.

Гулчеҳрахон бир оз ўйланиб, сукутга толди. Чамаси олима фикрларини бир жойга тўплашга уринарди. Шундан сўнг у эҳтирос билан гапга тушиб кетди. Оилавий муносабатларнинг совет турмуш тарзини шакллантиришдаги роли, оилавий муносабатларда пайдо бўлаётган муаммолар устида социологик тадқиқотларни қай тарзда олиб борганлигини, бу жараёндаги қийинчиликлар — ҳаммасини сўзлаб берди.

... Гулчеҳрахон 1960 йилда Фарғона педагогика институтининг тарих факультетини имтиёзли диплом билан тамомлади. Шогирднинг қобилиятини кўрган устозлари уни КПСС тарихи кафедрасида ўқитувчи қилиб қолдиришди.

Институт ўқитувчиси! У зиммасига нисбатан эрта юклатилган бу масъулиятни ҳис этиб, жиддий мулоҳаза билан ишга киришди. «Кеча ўзим студент эдим. Бугун ўқитувчиман. Устозларимнинг, қолаверса, кафедра коллективининг бу ишончини оқлашим керак. Яна тағин... Ҳа, уларнинг кўмагига муҳтожман». Энди у аудиторияни ўзи бошқариши, программадаги мавзуларни студентларга тушунтирганда талабаларни қониқтиришга эришиши лозим. Акс ҳолда аудиторияда эътиборини йўқотади, студентлар олдида қадри кетади.

Демак, зиммасидаги масъулиятни оқлаш учун илмий савиясини тинмай ошириши, тажрибали устозларининг педагогик маҳоратларини синчковлик билан ўрганиши керак. Гулчеҳра Мамадалиевна педагоглик фаолиятининг илк босқичини ана шундай қатъий ният билан бошлади. Узоқ тунларни ўз фанига оид адабиётларни, зарур методик қўлланмаларни ўрганиш билан ўтказди. Бўш вақтларида тажрибали устозларининг машғулотларига рухсат сўраб кириб, уларнинг дарс бериш методларини кузатди.

Дастлабки кунлари аудиторияга кирганда бир оз ҳаяжон босди уни. Лекин бора-бора у студент-ёшлар олдида ўзини эркин тутадиган бўлди, ҳар бир мавзуга студентларнинг эътиборини тортишга ҳаракат қилди. Шу зайлда орадан икки йил ўтди. Бу орада Гулчеҳра педагог сифатида ўзини анча ўнглаб олди. Энди у илмий истиқбол хусусида ўйлай бошлади: институтда ишлаганингдан кейин бирор бир муҳим илмий мавзу устида ишлаб, илмий даражага эришишинг лозим. Шундай қилмасанг, атрофдаги ҳамкасбларингдан орқада қоласан, бир жойда депсиниб тураверасан. Замон эса узлуксиз тараққиётда: ҳар кун ўсиш, ҳар соатда янгилик, фан-техника тараққиётининг кўлами тобора кенгайиб бораяпти. Ҳаёт билан ҳамнафас бўлиш учун эса ўз устингда тинмай ишлашинг, олдинга интилишинг лозим.

У шундай эзгу истакни кўнглига тукканини дастлаб ойиси Мунисхон аяга, дадаси Мамадали отага айтди ва улардан маслаҳат сўради. Негаки, унинг икки нораста фарзанди бор эди. Бунинг устига, рўзғор ташвиши. Ҳаммасини турмуш ўртоғи Муҳиддиннинг зиммасига юклаб, фан марказларига илм кетидан қувиб кетса, инсофдан бўлмасди. Ахир, ўртада оила, бекалик масъулияти ҳам бор-да... Бунинг устига, эри ҳам давлат хизматчиси, кўпроқ эл орасида юради.

— Қизим, ниятингдан қайтма. Ойинг билан қайнонанг, қолаверса, бизлар бор. Оилавий шароитингдан хабарлашамиз. Невараларимизни зориқтирмаймиз. Бошлаган ишинг Тошкентда битадими, Москвадами, орқангга қарамай давом эттиравер. Бу шаҳарлар катта илмнинг маркази, — деганди ўшанда Мамадали ота қизига далда бериб.

Ота-онасининг далдаси, яхши ниятига умр йўлдошининг хайрихоҳлиги Гулчеҳра учун қанот бўлди. У аввал Тошкентда, кейин эса Москвада бир неча марта илмий сафарда бўлиб, вақтини кутубхоналарда, тегишли илмий муассасаларда ўтказди, илмий ишига оид адабиётларни синчиклаб ўрганди. Муайян йўналишда назарий билимлар билан қуролланган эса, илмий-амалий синовлар ўтказди. Ниҳоят, Гулчеҳра Мамадалиевна «Социалистик турмуш шароитида оилавий муносабатлар диалектикаси» мавзуидаги кандидатлик диссертациясини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳуқуқ ва фалсафа институтининг илмий кенгашида муваффақиятли ҳимоя қилди. Фанда эришган дастлабки муваффақияти унинг кейинги илмий ишлари учун катта маънавий туртки бўлди.

Энди у социализм шароитида оилавий муносабатларнинг совет турмуш тарзининг шаклланишидаги роли мавзуига боғлиқ муаммоларни кенгроқ миқёсда тадқиқ қилишга бел боғлади.

— Оилавий муносабатларга оид социологик тадқиқотлар билан қизиққан вақтларимда турли шаҳарларда бўлдим, ҳар хил тоифадаги кишилар билан учрашиб, шу хусусда суҳбатлашдим, — деб эслайди олима ўша кезларни. — Нимагадир кейинги йилларда оилаларнинг тез-тез бузилиш ҳолларига, эр-хотиннинг ажралиш фактларига дуч келдик. Шундан кейин менда бу масалага маҳаллий шароит нуқтаи назаридан қизиқиш туғилди. Бизнинг республикамизда уйланиш-ажралиш жараёни қандай кечаётгани, оиланинг бузилишига асосий сабаблар нималар эканлигини аниқлаш бўйича астойдил изландим. Шу мақсадда, ёшлар билан ишлайдиган ташкилотлар, муассасалар билан боғландим. ЗАГС идораларининг ва маҳаллий Советлар, суд органларининг шу масалаларга доир фаолиятини ўрганишга тўғри келди. Шундан кейин эса саволлардан иборат анкеталар тузиб, буларни республикамизнинг турли областлари ва районларига (ўртача ҳар областга 500 тадан) тарқатдим. Масалан, анкетада шундай саволлар ёзилган эди: «Сиз оиланинг бузилишига асосий сабабчи ким деб биласиз?.. Оиланинг мустаҳкам бўлиши учун сизнингча қандай шарт-шароитлар зарур?.. Бўлғуси турмуш ўртоғингизда қандай фазилатлар бўлишини истардингиз?..» Ҳамма анкеталаримизга жавоблар олингач, уни пухта ўрганиб чиқдик. Бу ишлар албатта, осонликча бўлмади.

Шаҳарма-шаҳар юришга, қишлоқма-қишлоқ кезишга, тегишли ташкилотлар билан узлуксиз мулоқотда бўлишга тўғри келди.

Анкетадаги биринчи саволга оиланинг бузилишига кўпинча эр ёки хотин, баъзи ҳолларда қайнона сабабчи эканлиги айтилган. Иккинчи саволга эса, «ўзаро тотувлик ва ҳурмат, етарли моддий шароит», деб асосан тўғри жавоб қилинган. «Бўлғуси турмуш ўртоғингизда қандай фазилатларни кўришни истайсиз?» деган саволга эса аксарият қизлар: «Ишчанлик, рўзғор шароитини билишлик», деб жавоб қайтарган бўлсалар, қизларнинг 17 проценти эса: «Ғўзал, хушбичим бўлиши лозим», деб кўрсатдилар.

— Анкеталар орқали савол-жавоб ўтказаётган кезларимиз эди, — деди олима ўз тадқиқотларининг моҳиятига урғу бериб, — «Социалистическая индустрия» газетасида босилган муҳим бир мақолага (1979 йил 15 декабрь сони) кўзим тушиб қолди. Болтиқбўйилик астрофизик Наан Густав оилавий мавзуга бағишланган ўз мақоласида ташвишланиб қуйидагиларни ёзганди: «Статистика маълумотларига кўра, мамлакатда ҳар уч оиладан бири, Латвия ва Эстония каби республикаларда эса икки оиладан бири ажралмоқда. Бу — ташвишли ҳол-ку? Бу ҳодисанинг туб сабаблари ва «механизм»ларини ўрганиш зарур.

Мулоҳаза қилиб кўринг. Кўп йиллардан бери оиланинг бузилиш сабабларидан бири — бу эскилик сарқити, деган тасдиқни эшитиб келардик. Майли, ажралувчилар сони кўпаяётган экан, демак, биз эскилик сарқитига қарши ёмон курашаётган эканмиз, деган мулоҳазага ҳам борайлик. Лекин Қирғизистон ССРнинг Норин областида ҳар 100 никоҳдан ўртача атиги иккитаси, Киев, Рига ва Одесса шаҳарларида эса 56 таси бузилаётганини қандай изоҳлаш керак! Наҳотки, эскилик сарқитларига мойил бўлган кишиларнинг кўпчилиги йирик маданий марказларга кўчиб ўтишган бўлса...»

Дарҳақиқат, бу мулоҳаза кишини чуқур ўйлатиб қўяди. Никоҳларнинг бузилиш ҳоллари бизда ҳам ташвишли. Масалан, 1977—1983 йиллар давомида ўтказган тадқиқий маълумотларимизга кўра, Андижон шаҳрида бир кварталда 500—550 тагача оила ажралишган. Бундай кўрсаткич Фарғона водисининг, шунингдек, республикамизнинг бошқа шаҳарларида ҳам анча юқори. Бизда ҳам ҳали-ҳалигача, Наан Густавнинг мақоласида айтилганидек, оиланинг бузилиш сабабини эскилик сарқитига, қизларнинг асосан совчилар воситасида узатилишига олиб бориб тақар эдилар. Ахир, ҳозир ёшлар бир-бирларини кўриб, учрашиб турмуш қураяптилар-ку! Ҳозирги фактик маълумотлар бу фикрнинг мутлақо нисбийлигини кўрсатади. Биз никоҳларнинг тез-тез бузилиш сабабларини, унинг моҳиятини бошқа томонлардан қидиришимиз лозим. Мен шу масалалар хусусида мулоҳаза юритганимда, Юрий Владимирович Андроповнинг бир гапи эсимга тушади. У ўзининг нутқларидан бирида: «Чет эл эстрадаси ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир этаётганлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўришимиз керак», деб бизни огоҳлантирган эди.

Бу таъкид замирида катта моҳият борлигини ҳис қилишимиз лозим. Ёки бўлмаса, биздаги кейинги 20—25 йил ичида айрим кишиларимиз психологиясида пайдо бўлган баднафслик, мешчанлик кайфиятларини олайлик. Бундай зарарли кайфият гирдобидаги оилаларда ўсган ёшлар-чи! Улар меҳнат қилишдан кўра кўпроқ айш-ишрат кетидан қувиб, «танлаб» кийинишни ҳуш кўрадилар. Буни кўриб бошқа ёшлар ҳам шунга интилаяпти. Ахир, бир дона жинси шимнинг баҳоси эса 100 сўм... Бизнингча, шу хил нотўғри кайфиятлар ҳам баъзи ёш оилаларга маълум даражада раҳна солаётир. Бугун партия ва ҳукуматимиз ижтимоий ҳаётимиздаги салбий ҳолатларга қарши кескин кураш очиб, халқимизнинг кўнглидаги ишларни қилаяпти. Бу жиҳатдан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми республикамиз ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнамоқда...

Шу орада ичкаридан Мамадали ота чиқиб келди. У билан иссиқ сўрашиб, эски танишлардек тезда тил топишиб кетдик.

— Дада, касалхонадан келиб бекорга овора бўлибсиз-да. Тўлқинжоннинг ўзи аямни дарров докторга олиб бориб кепти-ку, — деди Гулчеҳрахон отасини авайлаган бўлиб.

— Э-э, қизим, аянгизни 32 ёшга кирганда танлаб топиб олганман. У муштипарин еру кўкка ишонмайман-да, — деди ота мийиғида кулиб.

Гулчеҳрахон дадасининг ҳазил-мутойиба гапидан бир оз уялди шекилли, ерга қаради, кейин пиёлага чой қуйиб отасига узатди.

— Айтмоқчи, қизим, пахтага кетмоқчи экансан, тағин кеч қолма. Биз ўзимиз меҳмонни зериктирмай турамиз, — деди ота пиёладаги чойдан бир ҳўплаб.

Шундан сўнг Гулчеҳрахон бизлардан узр сўраб ўрнидан турди. У политехника институтининг студентлари кўчирилаётган Киров районига бориши лозим эди.

Ўшанда биз Мамадали ота билан роса мириқиб суҳбатлашдик. Отани жонли тарих деганларича бор экан. У бугунги бахтли турмуш, фаровончилик учун ота-боболаримиз Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳнамолигида оловли йилларда қанчалик қаҳрамонона кураш олиб борганини, Совет ҳокимиятини ўрнатиш, тарқоқ ва майда деҳқон хўжаликларини колхозларга уюштириш не-не машаққатлар билан амалга оширилганини, шахсан ВЦСПС раиси А. А. Андреевнинг таклифи билан Ўзбекистондан Тожикистон ССРга ишга юборилгани, дастлаб у ерда район ижроия комитетининг раислигидан республика Халқ Комиссарлари Совети раисининг ўринбосари лавозимигача кўтарилгани ва шу вазифада туриб Москвада СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида Тожикистон ССР павильонини қуришга бош-қош бўлгани — ҳамма-ҳаммасини ҳаяжонланиб, ғурур билан ҳикоя қилиб берди. Отанинг шахсий архивидаги ҳужжатлари, қўш-қўш орден ва медалларнинг гувоҳномалари унинг ҳақиқий большевик сифатида партия ва ҳукуматимизга узоқ йиллар садоқат билан хизмат қилганидан, оғир уруш йилларида ҳам ҳаракатдаги армия қисмлари сафида ғалаба учун душманга қарши мардонавор курашганидан далолат берарди.

— 20—30-йилларда Совет ҳокимиятини ўрнатиш, коллективлаштириш учун олиб борилган синфий курашларда ўлим билан бир эмас, бир неча марта юзма-юз келганмиз, — дея ўтмиш хотираларини эсларди ота. — 1931 йилнинг баҳор ойлари эди. Республиканинг бошқа жойларидагидек, Фарғонада ҳам колхозлаштириш қизғин бошланган пайтлар. Ҳамма фаоллар, фирқа аъзолари коллективлаштириш ишига сафарбар қилинганди. Ўшанда ҳозирги Ленин районида маориф мудири бўлиб ишлардим. Бир куни барча активларни район ижроия комитетига йиғишиб топшириқ беришди. Мени ҳам район ер-сув хўжалиги бошлиғи Тоир Қодиров билан (у киши яқинда вафот этдилар) колхоз тузиш учун қишлоққа юборишди. Дастлаб аҳоли ўртасида колхознинг аҳамияти, унинг истиқболи ҳақида тушунтириш, тарғибот ишлари олиб бордик. Биз, Асаканинг 101 хонадон яшайдиган участкасида 18 хўжаликни уюштириб, «Ленинизм» колхозини туздик. Орадан тўрт кун ўтди. Бизни яна район ижрокомига чақиртирдилар. У ердан: «Сизлар тузган колхоз бузилибди, уни яна бориб тузиб келингизлар», деган топшириқ олдик. Тоир Қодиров билан яна ўша томонга отландик. «Колхозни қайта тузишни нимадан бошлашимиз лозим? Энди уларни қайта уюштириб бўлармикан?» Йўл-йўлакай шу ҳақда бош қотирдик. Ишни қишлоқ имоми Муллатош домулладан фойдаланишдан бошладик. «Колхознинг нони ҳаром» деган гап кўпчиликнинг оғзида эди. Қишлоқ аҳлини бир жойга тўпладик. Кейин давра ўртасига Муллатош имомни таклиф қилдик.

— Қишлоқда «колхознинг нони ҳаром» деган гап тарқалибди. Наҳотки, шу фикр тўғри бўлса? — деган савол билан халойиқнинг олдида унга мурожаат қилдик.

«Қани домулла-имом нима деяр эканлар», дея йиғилганларнинг қулоқлари диккайди.

— Колхоз — бу, тушунишимча, коллектив, кўпчилик дегани. Кўпчиликнинг меҳнати билан топилган нон ҳалол, яна қайтараман ҳалол! — имом кишиларга юзланиб шунчаки жавоб эмас, балки хитоб қилди. Халойиқ ўртасида бирдан жонланиш бўлди. Ўша куни олдингидек 18 хўжаликни эмас, балки 38 хўжаликни қайта бирлаштириб колхоз туздик. Лекин йўлда келаётиб Боқибақироқ деган босмачининг галасига дуч келиб, роса қалтак едик. Агар Муллатош имом орқамиздан етиб келиб, орага тушмаганида аблаҳлар бизни ўлдирган бўлармиди... Ҳа, ўғлим, бизнинг — катта авлоднинг ўша оғир ва қалтис даврларда кўрган қийинчиликларини асти қўяверинг. Ўша йиллари колхоз тузамиз, мактаб очамиз, деган хайрли ишлар билан банд бўлиб ўзимга қарашга, очиғини айтсам, уйланишга ҳам вақтим бўлмаган. Ахир, ўттиз икки ёшга кирганда оила қурганман. Биз ўша вақтда ўзимизни эмас, халқни, партияни ўйлардик, кўпнинг манфаати учун югуриб-елардик. Энди баъзи раҳбарлар-чи? Гапирмайин десанг, дили оғрийди кишининг. Лавозим курсисига ўтирди дегунча ўзининг шахсий манфаатини ўйлайди... Давлатнинг қулай, шинам уйида яшагани етмагандек, яна данғиллама ҳовли, чорбоғ қуришга тушади. Қариндош-уруғларини ёнига тортиб, уларга ҳам имтиёз улашади. Лекин бир нарсани билингки, киши баднафсликка, нафсониятга берилдими, у ўзини идрок қилиш қобилиятини йўқотади, унинг фаолияти инқирозга юз тутади. Мана, ЎзКомпартия Марказий Комитетининг XVI Пленумида қанча гирром ишлар, тубан кетган раҳбарлар фош қилиб ташланди.

Шу вақтда оҳиста ичкари эшик очилиб, қоп-қора қуюқ сочли бола секин мўралади. У бувасини таниди шекилли, «дада!» дея отанинг бағрига ташланди.

— Бу чеварам бўлади, Гулчеҳра қизимизнинг тўнғич невараси, — дея Мамадали ота чеварасининг майин сочларини бир-бир сийпаб, яна мамнун гап бошлади. — Саксон тўртинчи йилда туғилган. Ўша йили қизимиз Тошкентда, катта олимлар даврасида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Омадини қарангки, орадан кўп ўтмасдан Москвадан ҳам тасдиғи, ҳам дипломи келди. Айтмоқчи, республикамизнинг 60 йиллик тўйи ҳам эди. Оиламизда хурсандчилик устига хурсандчилик қучдик денг. Ҳамма муваффақиятларимизнинг, бахтимиз туғилган куннинг рамзи бўлсин деб, чеварамизга ўзим Музаффар деб исм қўйганман. Музаффарнинг туғилган кунини ҳар йили шу ҳовлида ҳаммамиз йиғилиб, катта даврада нишонлаймиз. Куёвимиз Муҳиддинжон Ҳамидов ҳам иқтисодчи олим, шаҳримиздаги пахта тозалаш заводида ишлайди. Ишқилиб, омон бўлишсин, фарзандларимизнинг ҳаммалари турмушларидан мамнун. Бизнинг замонда нимагаки астойдил интилсангиз эришасиз, ҳамма томонга қўлингиз етади. Бу нарса фақат одамнинг ўзига боғлиқ...

Кечга яқин Мамадали ота Каримов билан хайрлашиб йўлга чиқдик. Йўлда узоқлашиб кетаяпмизу, лекин нимагадир, шу табаррук зотдан ҳозиргина эшитган, замирида бир олам маъно бўлган унинг зукко гаплари хаёлимиздан нари кетмасди: «Киши баднафсликка, нафсониятга берилдими, ўзини идрок қилиш қобилиятини йўқотади, фаолияти инқирозга юз буради...»

Ҳа, биз ўзимизни ана шу хавфли иллатдан асрашимиз керак. Партия ва ҳукуматимизнинг бугунги даъвати ҳам шу.

Шомурод **СИДДИҚОВ**

ХАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

«Дагбладет» газетасининг хабарига кўра, чекишнинг зарари ҳақида радио ва телевидениеда берилаётган эшиттириш-кўрсатувлар тингловчиларда катта таассурот қолдирмоқда. 1985 йилнинг ўзида 100 минг норвегиялик чекишни тарк этди.

САЙРОҚИ ҚУШЛАР

Югославиянинг Призрен шаҳрида бир неча йилдан бери ғалати бир музика билим юрти ишлаб турибди. Бу билим юрти ўзининг ғаройиблиги билан дунёдаги кўпгина мамлакатларга маълум ва машҳурдир. Паррандасевар кишилар уни кўпинча: «Канарейка консерваторияси», деб атайдилар. Шуниси қизиққи, бу билим юртида ҳам, худди одатдаги консерваториялардагидек, кириш имтиҳонлари бўлиб ўтади. Дастлаб канарейкаларга «ҳофиз қушлар»нинг қўшиқлари ёзилган магнитофон лентала ри қўйиб берилади. Қаттиққўл жюри аъзолари эса, лентадаги сайрашни бехато такрорлаган қушларнигина танлаб оладилар. Шундан кейин «конкурсдан эсон-омон ўтиб олган» жажжи қушлар чинакамига сайраш санъатини эгаллашга киришадилар.

ЧЕКМАГАНЛАРГА МУКОФОТ

Осло ёки Копенгаген шаҳарларида ўқиётган студентлар стипендия билан таъминланишни хоҳласалар, чекишни ташлашга мажбур бўладилар... «Нордиск контакт» журнали яқинда худди шу ҳақда хабар берди. Унда таъкидланишича, стипендиялар тақсимоти билан шуғулланувчи «Шимолий фонд» аъзолари бундан кейин ана шу бўлмағур одатни ташлайоладиган ёшларга афзаллик беришни мўлжалламоқдалар.

Шуни айтиш керакки, бу қарор чекмаслик борасидаги биринчи тадбир эмас. Шимолий мамлакатларда чекиш кўпдан бери қораланиб келинади. Финляндиянинг «Финнэйр» компанияси мамлакат ичкарисида қатнайдиган самолётларда чекишни тақиқлаган. Норвегияликлар ҳам бу ишдан намуна олдилар. Эндиликда уч мамлакатнинг касаба союз раҳбарлари иш жойида чекишни чеклаш масаласини муҳокама этишни мўлжалламоқдалар.

Норвегияда чиқадиган


ЧОЙ БЕРАДИГАН ҚУДУҚ

Аргентинанинг Эдуардо-Кастекс шаҳри яқинидаги кичикроқ бир қишлоқ кишилари икки ой давомида текинга чой ичиб юрдилар. Улар ана шу муддатда чойни аввал ўзларини сув билан таъминлаб турган қудуқдан олиб ичдилар. Дастлаб бунинг сабабини ҳеч ким билолмади. Кейинроқ маълум бўлишича, кунлардан бир куни полициячилар омбордан икки той қадоқланган чойни ўмарган ўғриларнинг изига тушган. Бироқ, тартиб сақловчилар қочиб бораётганларнинг машинасини тўхтатганларида ундан ҳеч нима топилмаганлар. Далил-ашё йўқлиги учун ўғрилар қўйиб юборилган. Аслида ўғрилар худди ўша қудуқ ёнидан ўтиб бораётганларида ўғирланган чойни чапдастлик билан қудуққа ташлаб юборган эканлар.

КЕНГУРУ ХАВФ ОСТИДА

Австралия ҳукумати бу йил 2,5 миллион кенгуруни отишга рухсатнома (лицензия) берди. Бу рақам, ана шу мамлакат матбуотининг хабарига кўра, ўтган йили отилган кенгуруларга нисбатан 700 минг кўпдир.

Маълумки, кенгурунинг териси ҳам, гўшти ҳам қиммат баҳода юради. Шу туфайли уни отишга берилган лицензиядан давлат хазинасига йиғиладиган даромад ҳам озмунча эмас. Бироқ кенгуруларнинг кўплаб қирғин қилинаётганига бу ҳам асосий сабаб эмас. Бир маҳаллар «Австралиянинг рамзи» деб аталган ва қатъий муҳофазага олинган бу жониворлар кейинги пайтларда фермерларнинг жонига тегди. Австралияда ҳозир кенгуруларнинг сони 17 миллионга етди. (Мамлакат аҳолисининг сони эса 15,5 миллион кишидир). Эндиликда кенгурулар гоят кўпайиб кетиб, экинзорларни пайҳон қилиб, ҳосилга горат етказмоқда, қўй-эчкилар ва қорамолларни емишдан маҳрум этмоқда. Табиатни муҳофаза этиш жамоат ташкилотлари кенгуруларни қирғин қилиб юборишга норозилик билдирмоқдалар. Бироқ мамлакатдаги ҳозирги аҳвол уларнинг фикрини ҳозирча инобатсиз қолдиришни тақозо этмоқда.



Республика Нефть ва газ геологияси илмий-тадқиқот институтининг ходимлари Рихсивой Назаров ва Собир Рамазонов лабораторияда органик модда микродунёсини электрон микроскопда текшириб кўрмоқдалар.

А. ЖУМАЕВ фотоси

Редакция почтасидан

ФАХР

Табиат ям-яшил либос кийган ва мевалар гарқ пишган пайтларда Москва районидаги Тоштепа қишлоғининг жамолига боқиб тўймайсан киши. Асфальт йўл ёқалаб саф тортган довдарахтлар қишлоққа ўзгача гўзаллик бағишлайди. Бир текис турар-жой бинолари олисдан оқариб кўринади. Бу уйларни қишлоқ қурувчилари бунёд этишган. Колхоз қишлоғи шаҳардан андаза олган.

Қишлоқ Советининг раиси Турсуной Исоқова ободончиликка, қурилишга, турмуш маданияти юксалишига жиддий эътибор бера бошлади. Унинг ташаббуси, қишлоқ аҳлининг куч-ғайрати натижасида бу ерда қисқа вақт ичида 240 ўринли шифохона, учта чойхона, учта новвойхона қурилиб ишга туширилди.

Ҳар ишда уддабурон, ташкилотчи, бурчини сидқидилдан адо этаётган Турсуной Исоқовани қишлоқ аҳли Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлади. Ҳозирги кунда халқ вакили раҳбар бўлган Тоштепа қишлоқ Совети территориясида медпункт ва амбулаториялар, оналар ва болалар шифохонаси, маиший хизмат уйи, оммавий кутубхона ва клуб муассасалари ишлаб турибди. Қишлоқда меҳнаткашларнинг фарзандлари учун ҳам алоҳида гамхўрлик қилинаяпти. Шу кунларда қишлоқда 624 ўринли янги ўрта мактаб биноси қурилиши тезкорлик билан олиб борилаяпти. 16 километр масофадаги йўллар асфальтланди. Ички йўлларга шагал ётқизилди.

Қишлоқларнинг кўркам ва обод бўлиб боришида қишлоқ, район ва область Советининг депутатлари фаоллик кўрсатмоқдалар. Ижроия комитет йиғилишларида ва сессияларида қишлоқ ўрамидаги колхоз, ташкилот ва маданий-маиший муассасаларининг ҳисоботини мунтазам эшитиб бориш билан бирга қарорларнинг ижроси устидан назорат кучайтирилди. Натижа ёмон бўлмади. Уч йилдирки, Фрунзе номли колхоз қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ва давлатга сотиш йиллик планини илгорлар қаторида ортиғи билан адо этмоқда. Қишлоқ Совети депутатлари Робия Мўминова, Аббос Эргашев, Отажон Сиддиқов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 37—40 центнерга етди.

— Совет ходимлари актив депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, КПСС Марказий Комитетининг иччиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тўғрисидаги қарорини изчил амалга оширмоқдлар. Меҳнаткашларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш учун колхоз клубида, мактабларда, кинотеатрларда учрашувлар, лекция ва суҳбатлар уюштирилмоқда, — дейди Турсуной Исоқова. — Эришилган ютуқлар билан бирга камчиликларимиз ҳам бор. Мактабларимиз ислоҳ талабларига ҳали тўла жавоб бермайди. Қишлоқ врачлик амбулаторияси ва медицина пунктларини иситиш яхши йўлга қўйилмаган. Ана шу нуқсонларни тезда бартараф этиш муҳим вазифамиздир.

Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,
Андижон область,
Москва райони

МИНГ ДАРДГА ДАВО

Шифобахш гиёҳлар

999 йилнинг ҳут ойи охирлари. Навбаҳорни орзиқиб кутган аҳли Бухоро кўнглида на бир қувонч, юзида на бир севинч изи кўринарди. Қаҳратон қиш изғиринидан изтироб тортган дов-дарахтларга, жамики гиёҳларга тафт берувчи қуёш ҳам булутларнинг қора пардасига ўраниб олган. Неча кундирки, ёмғир эзиб севалайди, юз очишга тутинган куртаклар кўз очолмайди. Сайроқи қушларнинг ҳам овози тинган.

Шаҳри азимнинг аҳолиси зич, торкўча ва маҳаллаларидан ўтган кишининг қулоғига гўдакларнинг зорланиб инграшию хотинхалажнинг оҳ-воҳи эшитилади: шу вақтгача номаълум бўлган бир офат тарқалган эди. Кўзлардан ёш, бурундан сув, оғиздан сўлак оқизадиган ана шу касалликни баъзилар резанда деб аташади. Бировлар иситмада куйиб, қуруқ йўталиб, силласи қуригани учун бу касалликка тумов деб ном берган. Бемор акса урганда, гаплашганда яқин турган кишига касаллик дарҳол юқар, айниқса, тим бозорга келган деҳқонлар ва харидорлар резанда — тумов бўлиб қолар эди...

Пешинга яқин бозор ва гузарларда отлиқ жарчининг овози эшитила бошлади:

— Бозордаги одамлар, боғда битган бодомлар! Эшитмадим деманглар, эшитганлар жилманглар! Ҳозир Абу Али ибн Сино ташриф буюриб, сизларни муолажа қилади.

Сал ўтмай, чўғ солинган сопол лаганларда қандайдир гиёҳни бошларига қўйиб олган қирқтача талаба бозорга кириб келди, тим гумбазлари бурқсиган тутун билан тўлиб кетди. Талабалар бозордаги кишиларга яқин келишиб, уларга тутун «улашар» эдилар...

Мазкур лавҳада бундан ўн аср муқаддам кўҳна Бухорода тарқалган грипп эпидемияси тўғрисида ҳикоя қилинган. Ҳалиги гиёҳни эса тутатилганда иси бурқсиб чиққани учун — аҳоли исбуруқ (исириқ) деб аташган. Ибн Сино талқинида эса у ҳазор (минг), асп (от), банд (боғланган) яъни Ҳазораспбанд (минг от боғланган) деган маънони билдиради.

Ривоят қилишларича, қадимда саҳродан ўтаётган минг отлиқ аскар бир қудуқ ёнида дам олмоқчи бўлишади, бироқ отларини боғлагани бирон дарахт йўқ экан, шунда улардан бири отини бир туп қовжираган кўкатга боғлабди, қолган отларни бир-бирига тушовлашиб қўйишибди. Эрталаб уйғонишса, отлар шу кўкатга боғланганича турган эмиш. Ана шу воқеадан сўнг кўкат номи ҳазораспбанд бўлиб кетган эмиш. Кейинги текширишларга қараганда, исириқнинг томири жуда чуқур — ер ости сувларигача етиб бориб, нам билан таъминланар ва биёбонларда ҳам ўсаверар экан.

Исириқ туятовонгулдошлар оиласига мансуб шифобахш гиёҳдир. Унинг бўйи 50—70 сантиметр келадиган, пояси сершох, барглари чачала-чачала, яшилкулранг тусда, меваси шохларининг учида, худди нўхат каттагида кўсакча ҳосил қилиб, ичи қоп-қора дончаларга тўла бўлади.

Бу доривор гиёҳ фанда яхши ўрганилган бўлиб, таркибида пеганин, гармалин, гармин ва бошқа алкалоидлар мавжудлиги аниқланган. Исириқни маданийлаштириш устида ҳам илмий ишлар олиб борилмоқда. Эндиликда у СССР Медицина академиясининг доривор ўсимликлар етиштириладиган майдонларида ўстирилмоқда ва ундан гармалин деб аталувчи юрак дорини тайёрланмоқда.

Ўзбек халқи одатлари орасида исириқ солиш удуми ҳам бўлиб, хонадонларда кўпчилик меҳмон тўпланганда, келин туширилганда, исириқ тутатилади. Юқумли касалликлар тарқаганда бу гиёҳдан дори сифатида фойдаланилади. Негаки, исириқ тутаганда ажралган алколоидлар атрофига таралиб, жамики кўзга кўринмас микроблар, вируслар, пўпанаклар ва бошқа зараркунанда микроорганизмларга қирон келтиради.

Исириқни устунга ёинки бирон дарахтга «кўз тегмасин» деган маънода осиб қўйиш — бидъат, албатта. Лекин шундай оддийгина муолажалар борки, билиб қўйиш фойдадан холи бўлмайди. Чунончи: шамоллаганда, бурун битганда, резанда — тумов, яъни гриппга чалинганда, исириқ тутуни ҳидланади. Бу нафас йўлларини очади, вирусларни қиради.

Қишга сақланаётган ҳўл мева ва сабзавотларни моғор босганда исириқ тутатилади. Бу моғор пўпанаклари фаолиятини тўхтатади. Ҳафтада бир марта тутатиб туриш тавсия этилади.

Томоқ оғриганда, тутқаноқ тутганда (бу касалликни халқимиз «дард тутиш», «қуёнчиқ» деб атайди) исириқ донидан табиий таблетка сифатида фойдаланилади. Миқдори: катталар учун ўн дона, ёш болаларга уч дона.

Исириқ дони — юракка ҳам даво. Илгари валидол, нитроглецирин, валерянка, волокордин каби дорилар бўлмаган. Юрак санчиганда ёки сиқилганда, исириқ донидан 5—6 донаси ютқизилган. Бу санчиқни тўхтатиш воситаси ҳисобланган.

Резанда (тумов), яъни грипп эпидемиясида исириқ қайнатмаси билан бурун бўшлиғини чайиш ва оғизга ғарғара қилиш яхши самара беради. Тиш оғриганда, нўхат ивитилган сувга исириқни солиб, қайнатиб, иссиғида оғиз чайилса, оғриқни қолдиради, милкларни мустаҳкамлайди. Муолажа икки кун олти мартадан бажарилади.

Беланги бўлганда, қўл ва оёқ бўғинлари шамоллаганда, исириқ қайнатмасидан ванна қилинади. Муддати то сув совигунча, ҳар бир ванна қилишнинг таъсири бир суткагача етади. Иссиқ ўраниб ётиш керак. 3—4 муолажадан сўнг оғриқ қолади.

Чойнакдаги қайноқ сувга бир чой қошиқ қора чой, ярим чой қошиқ мурч ва 30—40 дона исириқ донидан дамлаб ичилса, терлатади ва пешобни яхши ҳайдайди.

Балғам кўчириш мақсадида қайнатиб олинган исириқ ҳашагини кўкракка ёки елкага бир кеча боғлаб ётиш керак. Шунингдак, исириқни тез-тез дудлатиб турилган хоналардан тахтакана, суварак, пашша, чивин, сичқон каби зараркунандалар қочади.

Хазораспбанднинг хосиятлари тўғрисидаги бу гапларга ҳурматли ўқувчиларимиз эътироз билдирмаслар, деб ўйлайман. Негаки, халқ буни минг йиллар давомида қайта-қайта тажрибадан ўтказган.

Карим **МАҲМУДОВ**



Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XXI съезди делегати Мастура ТЎЙЧИЕВА (ўнгдан иккинчи) ўз ҳамкасблари — Риштон бадиий кулолчилик заводи ишчилари даврасида.
А. Жумаев фотоси

ТЕЛЕФОНДА

Ишдан қайтиб квартирангиз эшигини очмоқчи бўлаяпсиз. Шу топда ичкарида кетма-кет телефон жиринглайди. Аксига олиб эшикни тезроқ очолмайсиз. Ичкарига кираман, дегунча телефон овози тинади. Сизни эса ўша заҳоти қайдандир фавқулоддаги ҳиссиёт безовта қила бошлайди: ким бўлдикин, нима демоқчи экан? Шундай жавобсиз савол оромингизни бузади. Бунинг устига кун бўйи ишлаб толиққансиз.



Бундай вазиятга ҳар биримиз тушишимиз мумкин.

Ёки бўлмаса кеч тунда ёки эрта тонгда телефон жирингидан сесканиб уйғонасиз. Бу шунчаки адашиб тушган қўнғироқ бўлсин дейлик. Барибир оромингиз бузилади, қайта ухлаб ором ололмайсиз. Чунки асабингиз қўзғалган бўлади. Тўғри, телефон қилиш вақт-соати белгиланган эмас; уни белгилаш, графикка тушириш ҳам қийин, албатта.

Маълумки, телефон зарур хабарларни билдириш, **қисқа сўзлашиш**, иш юзасидан ёки оилавий юмуш юзасидан ахборотлар олиш учун яратилган. Шунинг учун ҳам телефондаги гап қисқа ва ихчам, аниқ бўлиши лозим.

Телефон хизмати тез, оддий ва қулай бўлгани учун алоқанинг бошқа турларига қараганда тобора кенгроқ оммалашиб, халқ хўжалигининг ҳамма миқёсига, кундалик турмушга, ўзаро муносабатларимизга чуқур сингиб бормоқда. Ҳар қандай техник имкониятлардан, жумладан, телефон хизматидан ҳам тўғри ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш лозим. Телефоннинг вақтни тежаши, мулоқотни енгиллаштириб, ўзаро алоқани осонлаштириши сизга маълум. Лекин ундан кўп ва мақсадсиз фойдаланиш эса бўш вақтингизни қисқартиришга, иш унумини пасайтиришга сабаб бўлади; ҳали айтганимиздек, оромингизни бузади, ўзаро мулоқотни гариблаштиради.

Кўпгина корхоналар, муассасаларнинг ишини телефон хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иш вақтининг 27 процентигача телефонда гаплашувга сарф бўлиши ҳисоблаб чиқилган. Бу фақат иш юзасидан сўзлашувга кетган вақтдир. Албатта, бунда иккинчи даражали гапларни, ортиқча эзмаликни чегириб ташлаш осон эмас.

Шу нарса эътиборга моликки, Японияда хизматчилар учун махсус мактаб, бизнингча атаганда, малакани ошириш курслари мавжуд. Унда бошқа предметлар қаторида **телефонда гаплашиш санъати** ҳам ўқитилади: телефонда икки минутда ҳар қандай савolга хушмуомалалик билан қисқа жавоб бера олиш керак.

Одатда, корхоналар ва қурилишларнинг хавфли жойларига «Краннинг тагида турманг!» деган огоҳлантириш ёзувига кўзимиз тушади. Менга қолса, хизмат телефон аппаратлари ёнига: «Зарурат бўлмаса, қўнғироқ қилманг!» деган таъкидли ёзувни ҳам илиб қўйган бўлардим.

Шу нарса маълумки, товуш асаб системасини кучли қўзғатувчилардан ҳисобланади. Сукунатни бузадиган, тез-тез ва қўққисдан бўладиган телефон қўнғироғи эса асабга ёмон таъсир этади.

Кўпинча телефонда овоз ёмон эшитилади. Шу боисдан кўпчилик кишилар унда қаттиқ, ҳатто бақириб гапирадилар. Бундай ҳолат иккала гаплашувчининггина эмас, балки ўша пайтда уларнинг ёнида бўлган кишиларнинг ҳам асабини бузади. Шунинг учун телефонда гапириш суръати ва манераси ҳам маълум аҳамиятга эга.

Телефон трубкасининг қанчалик тез олиниши ҳам гаплашувчининг асаб-психикасига таъсир қилиши мумкин. Асабий кишилар сабри чидамай трубкани тез — биринчи қўнғироқдаёқ кўтарадилар. Оқибатда бундай ҳолларда телефон кўпинча узилиб қолади. Одатда, трубкани иккинчи қўнғироқ бўлгунча бамайлихотир кутиш ва шундан кейингина трубкани кўтариш лозим.

Ҳатто Янги йил табриги ва шунга ўхшаш бошқа хил яхши тилаклар ҳам бемаҳал, сиз энди ухламоқчи бўлган пайтда телефонда айтилса, табиийки, сизни безовта қилиб, оромингизни бузади.

Телефонда гаплашиш тартиби ва меъёри бор. Телефон-автоматларда уч минут давомида бемалол айтадиган гапни айтиб улгурса бўлади. Ваҳоланки, бундай телефонларда узоқдан-узоқ гаплашамиз. Ахир, сиз гаплашаётган ўша телефонни бир-икки киши кутиб турган бўлади. Демак, сиз ўшанда ўзингизнигина эмас, балки навбатдагиларни ҳам ўйлашингиз лозим, уй телефонларида гаплашганда ҳам худди ўша томонни ўйлаб (айниқса, қўшма уланма телефонларда) иш тутинг. Ўшанда сиз ўзингизнинг ҳам, ўзганинг ҳам вақтини тежаган, асабингизни асраган бўласиз.

Кўпинча биз тегишли маълумотни олиш учун справка берадиган, буюртма қабул қиладиган номерларга («09», «06», «07», «062» ва ҳоказо) бетўхтов, кетмакет телефон қилаверамиз. Худди ўша вақтда шу номер банд эканлигини, унга турли томонлардан сигналлар оқиб келаётганини инобатга олмаймиз. Оқибатда безовталаниб, асабийлашамиз, иш устидаги телефонистканинг ҳам ғашига тегамиз. Демак, телефон хизматидан фойдаланишда вақт тежашнинг меъёрини билсангиз, ўзингизнинг ҳам, шу юмушга алоқадор иккинчи бир кишининг ҳам асабини муҳофаза қилган бўласиз.

Яна бир ёмон томони шундаки, кўпгина оилаларда телефон қилишга мойиллик касали болаларда кучли. Улардан кўпинча телефон бўшамайди. Ҳатто ўқувчи болалар уй вазифаларини ва уларнинг ечилишини ҳам бир-бирларидан телефонда сўрайдилар, узоқ вақт трубкани ушлаб турадилар, ҳатто ёшлар магнитофон кассеталаридаги янги «ёзувлар»ини қўйиб телефонда эшиттирадилар. Эҳтимол, ўша хонадонда шу вақт катта ёшдагилардан кимдир — ё отаси ёки ойиси (бувиси) дам олаётган бўлади. Бундай вазиятда, табиийки, уларнинг ороми бузилади.

Мана шу айтилганлардан хулоса шуки, назаримизда, бизда телефонда гаплашиш маданиятини ишлаб чиқиш вақти етди. Бу нарса ўзимизни, атрофдагиларни телефоний-асабийлик касалидан (гарчи, бу «дард» бирорта тиббий маълумотномаларда ҳали қайд этилмаган бўлса-да) муҳофаза қилган бўлур эди.

СЎЗЛАШМОҚЧИМИСИЗ?



Ф. Л. ПАССЕР,
РСФСРда хизмат кўрсатган врач

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

Иигирманчи асрнинг иккинчи ярмига келиб, инсоният тарихида ниҳоятда хавфли вазият вужудга келди. Бу — ялпи қирғин қуролининг яратилиши билан боғлиқ. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, ядро қуролига эга бешта давлат аслаҳахоналарида мавжуд қуроллар ишга солинса, сайёрамиз ҳаёт учун яроксиз ҳолга келиши аниқ. КПССнинг XXVII съездига Сиёсий докладида айтиб ўтилганидек, замонамизнинг аччиқ ҳақиқатларини пировардигача тушуниб олиш пайти келди: ядро қуроли замирида инсон зотини ер юзидан супуриб ташлашга қадар бўлган офат яшириниб ётибди. Бу хавфдан халос бўлиш мумкинми? Ҳозир инсоният икки йўл орасида турибди. Агар у ўз қўли билан яратган қуролни ўзи йўқотмаса, бу қурол унинг ўзини йўқ қилиши мумкин.

Аммо ядро қуролини биринчи бўлиб яратган, уни биринчи бўлиб қўллаган ва бугунги кунда шу қуроллар сонини тинмай кўпайтираётган, такомиллаштираётган ҳамда бу ажал уруғини бутун инсониятнинг кўзи ўнгида синаб кўраётган империалистик доиралар вужудга келган вазиятни ҳисобга олмаяпти ёки ҳисобга олгилари келмаяпти.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида, Женевада бўлиб ўтган Олий даражадаги Совет-Америка учрашуви якуни бўйича қабул қилинган қўшма Баёнотда, икки давлат раҳбарлари ядро уруши ҳеч қачон бошланмаслиги кераклигини, СССР билан АҚШ ўртасида ҳар қандай — ядровий ва оддий урушнинг олди олиниши лозимлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Аммо Вашингтондаги империалистик доиралар ядро зарядлари ва уларни мўлжалга элтадиган ракеталарни ишлаб чиқаришни авж олдирмоқдалар.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, АҚШда 1945 йилдан буён 116 хил қуролда қўлланиладиган 71 типдаги 60 минг ядро заряди ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткичлар Американинг милитаристик доиралари учун ҳали камдай туюлмоқда. Улар яна яқин ўн йил атрофида қўшимча 17 минг ядро заряди ишлаб чиқаришни режалаштириб қўйдилар.

Халқаро кескинликни юмшатиш, дунёда тинчликни мустаҳкамлаш мақсадида КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ва Совет ҳукумати бир қанча тадбирлар ишлаб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Баёнотида ўз ифодасини топган фикр, яъни Совет Иттифоқининг 2000 йилга қадар, қолган 15 йил мобайнида ядро қуролидан батамом халос бўлиш ҳақидаги таклифи жаҳон халқларида катта умид туғдирмоқда.

Ер юзини ядро қуролидан халос этиш ҳақида Совет Иттифоқи таклиф этаётган программанинг формуласи — ядро қуроли запасларини босқичма-босқич тугатиб бориш, шу вақт мобайнида бу қуролнинг мавжуд турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш, янги турларини эса яратмасликдан иборатдир.

Инсониятни ядро қуроли хавфидан халос қилиш, бу фақатгина Совет Иттифоқининг истаги ва нияти эмас. Бу айни вақтда барча тинчликсевар халқларнинг ҳақли талабидир.

Ер юзини ядро қуролидан батамом халос этиш программасининг амалга оширилиши халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш билан бирга ривожланаётган давлатлар олдида турган кўпдан-кўп ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳадаги муаммоларни ҳам бартараф этиш имкониятларини берган бўлар эди. Ваҳоланки, дунё миқёсида қуролланишга йилига 800 миллиард доллар маблағ сарфланаётган бир вақтда, 400 миллиондан ортиқ киши очликда яшамоқда, медицина ёрдами олабилмаганлиги учун ҳар минутда 5 ёшгача бўлган 30 гўдак нобуд бўлмоқда.

Қуролланиш пойгасининг ҳозирги суръати сақланиб қоладиган бўлса, юқорида санаб ўтилган муаммоларнинг янада кескинлашуви турган гап. Ҳисоб-китобларга қараганда, аҳвол шундай давом этаверса, 2000 йилга бориб, ривожланаётган 90 мамлакатнинг очликда яшаётган аҳолиси сони яна 200 миллионга кўпайиш эҳтимоли бор.

Қуролланиш пойгаси уруш хавфини кучайтириши, моддий ресурсларнинг бекорга сарф бўлишига олиб келиши билан бир қаторда экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда, бу эса ўз навбатида, қатор оғир касалликларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги пайтда касалликларнинг 20 фоизи атмосферанинг ифлосланиши билан боғлиқ касалликлардир.

Хўш, Ер юзини ядро қуролидан батамом халос этиш, тежалган маблағларни мавжуд муаммоларни бартараф этишга сарфлашни назарда тутаётган Совет тинчлик программасига Америка Қўшма Штатларининг муносабати қандай бўлаяпти?

Халқаро мавзуларда

КПССнинг XXVII съезди арафасида Совет Иттифоқининг таклифларига президент Рейгандан олинган жавобда, ядро қуролини тугатиш барча ядровий давлатлар интилиши лозим бўлган мақсад эканлиги кўрсатиб ўтилган. АҚШ маъмуриятининг фикрига кўра бунга эришиш учун аввало космосга қурол жойлаштириш керак эмиш. Қўшимча қуролланиш орқали қуролсизланишга эришиш...

Вашингтоннинг бу программаси, Ердаги ракеталари орқали иккинчи томонга биринчи бўлиб ядро зарбасини бериб, ўзларини космосдаги мудофаа қуроллари орқали жавоб зарбасидан сақлаб қолишга қаратилмаганлигига ёки космосга олиб чиқилган қуролларнинг техник жиҳатдан бенуқсонлигига ким кафолат беради?

Американинг «Чэлленжер» космик кемаси билан бўлган фожиали воқеа қуролланиш космосга ёйилишининг яна бир хавфли томонини ошкор этди. Қўшма Штатларнинг режасига кўра, юзлаб космик кемалар бошимиз узра учиб юради. Бу космик кемалар ядро зарядлари, лазерь нурлари билан қуролланган бўлади ва уларни бошқариш компьютерларга топширилади. Агар уларнинг бирида «Чэлленжер»даги каби ҳалокат рўй берса, унда бошқа томоннинг йўлдошларга қарши қуроли орқали йўқ қилиндими ё кеманинг ўзидаги техник сабабларга кўра ҳалокат юз бердими, деган муаммоларни аниқлаш учун имкон бўлмайди.

Совет Иттифоқи АҚШни космосни милитарлаштириш режасининг амалга оширилиши қандай ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириб, космосни аслаҳахонага айлантирмаслик тўғрисидаги битимга келишишга чақирмоқда. Лекин АҚШ маъмурияти СССРнинг чақириқ ва огоҳлантиришларини бутунлай бошқача талқин қилмоқда.

Президент Р. Рейган нутқларидан бирида: «СССР Америка фан, техника ва технологияси тараққиётини тўхтатишга уринмоқда, бизга йўл қўймаганлари ҳолда ўзлари «стратегик устунликка» эришишга ҳаракат қилмоқда», — деб даъво ҳам қилди. Бу сингари туҳматларнинг бироитаси ҳам асосли эмас.

Қўшма Штатлар маъмурияти космосга қурол жойлаштириш режасини қандай беозор ном билан атамасин, уни қанчалар кўкларга кўтариб мақтамасин, лекин унинг замирида яшириниб ётган қора ниятларни ниқоблаб бўлмайди.

1986 йил БМТ томонидан Халқаро Тинчлик йили, деб эълон қилинди. Совет Иттифоқи Тинчлик йили, тинч ўн йилликларнинг бошланишига асос солсин, деган олижаноб мақсад йўлида муҳим таклифларни илгари суриб, амалда бошқа давлатларга ўрнак кўрсатмоқда.

Ташқи сиёсий стратегиямизнинг асосий мақсади «қуролсиз ва зўравонликсиз дунё, ҳар бир халқ ўз ривожланиш йўлини, ўз турмуш тарзини эркин танлаб оладиган дунё бизнинг олий мақсадимиз» эканлиги партиямизнинг съезди минбаридан дунё аҳлига яна бир бор маълум қилинди.

Партиямизнинг биз яшаб турган давр чуқур таҳлил этилган янги таҳрирдаги Программасида шундай дейилади: «Инсоният боши узра ҳали ҳеч қачон шу қадар даҳшатли хавф пайдо бўлган эмас. Тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш имкониятлари ҳам ҳали ҳеч қачон шу қадар реал бўлмаган эди. Халқлар ўз кучларини бирлаштириб, ядровий қирғин хавфини даф қилишлари мумкин ва лозим».

Шундай экан, ядро асрида сайёрамизни ҳалокатдан сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли — турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш йўлидир.

Бу йўл яхши қўшничилик ва ҳамкорлик алоқаларини тўғри изга солиши, фан ва техника ютуқлари, маданият бойликлари барча халқларнинг муштарак манфаатларга хизмат этадиган халқаро тартибни вужудга келтириши лозим. Давлатларнинг куч-қудрати, фан-техника соҳаларида эришган ютуқлари инсоният манфаатларига хизмат этиши лозим.

Социалистик давлатлар ҳар бир тузум уруш майдонида эмас, балки социал-иқтисодий ва маданий соҳалардаги мусобақада ўз афзаллигини намоён этиши тарафдоридир.

Турсун ҚОРАТОЕВ,
сиёсий шарҳловчи

ИЧКИЛИК ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАЙДИ

Ичкиликбозлик оқибатида турли хил касалликларнинг пайдо бўлиши, ақли норасо, ногирон болаларнинг туғилиши, орзу-ҳавас билан қурилган оилаларнинг бузилиши бизга маълум. Бу иллат ишлаб чиқариш жараёнларига салбий таъсир кўрсатиб, интизомни сусайтириб, маҳсулот сифатини пасайтиради, фалокатларга, бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлади.

Ичкиликбозлик жиноятчиликда «етакчи» эканлигини биз яхши биламиз. Бу аччиқ ҳақиқат ҳеч ким учун сир эмас. Биз — ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари ичкиликбозлик сабабли келиб чиқадиган жамики салбий оқибатларга, жиноятчиларга ҳаммадан кўпроқ дуч келамиз.

...Судланувчи суд ҳайъатининг саволига жавоб бериш олдидан ўйланиб ерга қаради. Унинг ёшланган кўзлари зал охирида бир-бирига суяниб ўтирган ва ёши ўтиб қолган ота-онасига қадалган эди. Бироз жимликдан сўнг у йиғи аралаш, бўғиқ овозда жавоб берди:

— Ароқ, ичкилик оқибатида шу аҳволга тушдим. Минг лаънат ўша ичкиликка! Ўз фарзандимнинг қотили бўлдим, ўз илдизимни ўз қўлим билан чопдим...

Алексей бошқа гапиролмасдан томоғига гўё бирор нарса тиқилгандек бўғилиб қолди.

Энди мустақил ҳаёт йўлига қадам қўйган ёш йигитнинг одил суднинг қора курсисида ўтириб айтган калта-юлуқ сўзлари мазмунини чақиб олиш учун залга кўпдан-кўп гувоҳлар чақирилган эди. Жиноий ишга тикилган қатор ҳужжатлар синчиклаб ўрганилди.

Воқеа бундай бўлган экан: Алексей дунёга келган кунданоқ ота-онаси фарзанд кўриш қувончини «нишонлашдан» иш бошлабдилар. Бола эсини таний бошламасданоқ, унинг кўзлари ҳар хил ёзувли қоғозлар ёпиштирилган катта-кичик шишаларга; қулоқлари эса, ота-онаси ва уйга тез-тез ташриф буюриб турадиган ҳамтовоқларининг маст-аласт қичқириқларига, димоғи қўланса ҳидга ўрганиб борди. Унинг ўқувчилик йиллари ҳам деярли шу аҳволда ўтди. Алексей мактабдан кўра, ён кўчадаги гастрономга серқатнов эди. Ота-онанинг топшириғи шу эди-да!

Ҳали мўйлови сабза урмаган ўсмир чекишга, ичишга, «қўлансa» сўзлар билан сўкинишга ўрганди. Мактаб коллективининг, тенгдошларининг, яхшилик истаб, унга насиҳат қилмоқчи бўлган кишиларнинг уринишларидан, қуш бўлиб уясида кўргани — ота-онасининг хурмача қиликлари устун чиқди. Жамоатчилик ва тегишли идораларнинг аралашуви эса, ота-онага ёқмасди. Улар яшаш ва ишлаш жойларини, ҳеч ким танимайдиган жойга алмаштирардилар ва янги қўни-қўшниларга «танилгунча» яна ичкилик давом этарди.

Алексей вояга етиб, Ольга билан танишиб, турмуш қурганларида у ичкилик ичиш борасида отаси билан беллашадиган бўлиб қолган эди. Меҳнат қилишга, ҳалоллик билан кун кўришга кўп ҳам бўйни ёр бермасди. У бирор жойда муқим ишламасди, кун ўтказишнинг осонроқ йўлини танларди.

Ҳа, ичкилик деган қабоҳат барибир қачондир ўз касофатини кўрсатмасдан қолмайди, Алексей ҳам ичса жазаваси тутадиган, жиртаки, бўлар-бўлмасга жанжал чиқарадиган бўлиб қолди. Ҳар нарсадан ҳадиксираш, қўрқув, ёмон тушлар куну тун ҳамроҳи эди. Ҳатто хотини Ольгадан ҳам ҳадиксирай бошлади. Хотинининг кўзи ёриш арафасида, авайлаб оёқ босаётган умр йўлдоши, гўё унга бевафолик қилгану одамлар унинг устидан кулаётгандек туюлди. Навбатдаги маст-лик оқибатида ҳеч гап-сўзсиз, ҳомила устидан пичоқ тортиб юборганини билмай қолди... Операция столида она қорнидан бевақт олинган гўдак ўғил икки кун умр кўриб, врачлар қўлида жон берди...

Бу — ичкиликбозлик келтириб чиқарган фожиаларга битта мисол, холос.

Ичкилик ва жиноят. Бу иккала иллат бир-бири билан шундай маҳкам боғланганки, бири иккинчисига етаклайди.

Партия ва ҳукуматимиз халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалаб, ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этишни таъминлашга қаратилган бир қанча қонун-қарорлар қабул қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва шу асосда белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши, 1986 йилнинг февраль-июнь ойларининг «Ҳушёрлик ва соғломлик» беш ойлиги деб эълон қилиниши бу борада қатъий курашилаётганини кўрсатади. Дарҳақиқат, орамизда, битта бўлса ҳам, ичкиликка мойиллиги бор шахс қолса, биз курашни давом эттираверишимиз лозимдир.

Ичкилик ва жиноят. Маъмурий идоралар томонидан қилинган таҳлиллар бу сўзларнинг мантиқан «ҳамоҳанглигини» кўрсатмоқда. Фақат Тошкент шаҳрида ҳар бешинчи жиноятнинг мастлик ҳолати ва оқибатида содир этилганлиги қайд қилинган. Ваҳоланки, чуқурроқ ўрганилса, жамики жиноий ҳаракатлар, у ёки бу ҳолда, ичкилик туфайли содир этилганлигининг гувоҳи бўласиз.

Мана, бир мисол. Мирзажонов мудирлик қилган магазинда жуда катта миқдорда камомад аниқланди. Ревизия пайтида ва тергов жараёнида Мирзажонов маст эмас эди, яъни жиноят содир этилганлиги аниқланганда у ҳушёр эди. Лекин терговда аниқланишича, мудирнинг системали равишда спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолда, савдо пулини орқа-олдига қарамасдан ҳар хил ҳаром-хариш ишларга сарф қилганлиги маълум бўлиб қолди...

...Баҳодир, Шокир ва Ғулом деган ёш йигитлар бир вақтлари институтнинг дуруст студентлари саналардилар, ўзларининг ҳам, ота-оналарининг ҳам орзу-ҳавасларига чек йўқ эди. Бу тенгдошлар навбатдаги имтиҳондан кўнгилдагидек ўтишгач, бу муваффақиятни «ювишга» тушиб кетишди. Чўнтаклари бўшаб қолганда улар «шермисол» кайфиятда эдилар. Кимнидир туртдилар, аллакимга мушт ўқталдилар, калла қўйдилар, такси ҳайдовчисидан эса «йўл харжи» талаб қилдилар ва ниҳоят уни жароҳатладилар. Гувоҳлик берган маҳалла аҳли, қўни-қўшнилари, ҳамкурслари улар ҳақида «ичмаган пайтларида қўйдай ювош, одобли эдилар» деб кўрсатма бердилар.

Ичкилик оқибатида уч навқironнинг ҳар бири 7—8 йилдан жазо муддати олди.

Шунинг учун ҳар бир киши ўз вақтида ҳушини йиғиб олиши, ичкиликдан қатъий юз ўгириши лозим.

Ҳар бир эс-ҳушли одам ичкиликнинг жамиятимизга, келажак авлодга, оилага, ўзи ишлайдиган корхонага нақадар катта зарар келтиришини, ўз ҳаётини ва бошқалар ҳаётини заҳарлашини, руҳан ва жисмонан мажруҳ қилиб қўйишини асло унутмаслиги керак.

Хулоса битта: ичкиликбозлик жиноятга етаклайди. Қонун ва халқ қаҳри эса жиноятчига бешафқатдир.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия бош маслаҳатчиси

«МЕРГАН ИЛОН»

Африка қитъасида Мозамбик кўзойнакли илони ўзининг ашаддийлиги билан ажралиб туради. У заҳар безлари жойлашган мушакларининг ниҳоятда тез қисқарувчанлиги натижасида тишлари орасидан заҳар отишга жуда уста. Унинг тишлари орасидан отилган заҳар икки йўналишда ҳаракатланиб, уч метр узоқликдаги рақибининг кўзига бехато тегиши ва уни узоқ муддатга ёки бутунлай кўр қилиб қўйиши мумкин. Заҳар кўзга тушганда кучли оғриқ қўзғатади.



Мозамбик кўзойнакли илони ўз «имконияти»дан энг сўнгги дақиқада — ҳимояланиш учунгина фойдаланади.

Ушбу фотосурат олинаётган пайтда ҳам кўзига махсус ҳимоя ойнагини қоплаган ёрдамчи унинг роса жиғига тегди. Суратга олиш учун шай турган фотограф эса, бир кўзини юмиб, иккинчисини фотоаппарат бўлмасига ниқаб туриб, вазифасини бажарди. Шунда ҳам илоннинг заҳри фотоаппарат объективига келиб урилди.

Ҳақир-тиканак

ИКИР-ФИКРЛАР

«Консерваторияга Булбул, Саъва, Канарейка сингари қобилиятсиз қушлар қабул қилинаётир. Бизга ўхшаган таниш-билиши йўқ бечораларнинг фарзандлари эса имтиҳондан йиқилмоқда». Қарғанинг хотини, Ҳакканинг хотини ва бошқалар
(Аризадан)

«Бир ўтиришда юрагида ўти бор йигитларданмиз деган эдим, Соли шартаки: гапингиз тўғри, бурнингиздан кўриниб турибди деб, нимагадир ишора қилди». (Ичкиликни ташлаган кишининг шикояти)

«Рангли телевизор кўрганимдан кейин рангли туш кўраяпман».
(Дўстлар суҳбатидан)

«Қишлоғимиз шифохонасида даволанаётган беморлар касаллик гаштини сурмоқдалар». (Юмалоқ хат ёзадиган «мухбир» хатидан)

«Мамаюсуфнинг ҳўкизи туққан эмиш, шу гапга ишонса бўлармикин десам, қўшнимиз: бунақа «миш-миш»га ҳўкизмижоз одамлар ишонади, деб шаштимни қайтариб қўйди».
(«Миш-миш» тарқатадиган бекорчи кишининг ҳасрати)

Фарҳод **МУСАЖОНОВ**

ЧОРА

ҲАЖВИЯ

Омонулла аканинг қўл остида ишлайдиган ходимларнинг ҳаммаси ҳам муомалага юрадиган инсофли одамлар эди. Аммо ичида Суқсур деган битта ғирроми бор эди. Ходим сифатида ёмон эмасди, ўз ишини биларди. Бир айби — интизоми ёмон эди. Омонулла аканинг Суқсурга нисбатан кўрмаган чораси қолмади. Уришиб ҳам, сўкиб ҳам кўрди, яхши гапириб ҳам кўрди, ҳайфсан эълон қилди, мажлисларда қизартирди, маошидан қирқди, аммо фойдаси бўлмади. Суқсурга ҳеч нарса таъсир қилмас, минг койинг, ўзига юқтирмас эди, шунақа без ва сур эди Суқсур қурмагур.

Мана бугун ҳам Омонулла ака эрталаб келиб Суқсурни чақиртирди ҳузурига. Котиба қиз Суқсур ишлайдиган хонани қараб келди.

— Ҳали... — гап бошлади котиба.

— Келмабдилар?..

Котиба «ҳм» дегандек бош иргади.

— Бўпти, келиши билан менга учрасин, — деди бошлиқ.

— Яхши, — котиба қиз чиқиб кетди. Омонулла ака ўтириб интизомбузар ходимига нисбатан қандай чора кўришни ўйлади. Охири яхши бир чора топгандек бўлди.

Орадан ярим соатлар ўтар-ўтмай хонага Суқсур бостириб кириб келди. У ҳеч нарса бўлмагандек очиқ чеҳра билан бошлиққа яқинлашди.

— Ассалому алайкум, акахон. Соғлиқлар, кайфиятлар?

— Келинг, — лоқайд қарши олди уни Омонулла ака.

— Сўраттирган экансиз, — ишшайди Суқсур, — шунга келувдим.

— Ҳа, сўратган эдим. Аммо иш бошланганида, яъни бундан ярим соат бурун сўратган эдим.

— Йўғ-е, акахон, жуда ярим соат бўлмагандиру, аммо ўн беш дақиқагина кеч қолдим, — Суқсур қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди, — бир галчалик шундай бўлиб қолди. Маъзур тутасиз.

— Бир галчалик?! — бошлиқнинг тепа сочи тикка бўлиб кетди, — одам деган ҳам шунчалик сурбет бўладими? Ҳар куни аҳволингиз шу-ку?! Доим кеч келасиз, вақтли қочасиз.

— Сал тушинг, акахон, сал тушинг, — илтижо қилди Суқсур.

— Э қўйинг-е, — энсаси қотганини яширмади Омонулла ака, — сизнинг баҳона тўқиб чарчамаганингизга ҳайронман. Бугун ҳам баҳонанинг теша тегмаганидан топиб келгандирсиз?

— Бугун баҳона тўқимайман, — кўзларини чақчайтириб жавоб қилди Суқсур, — бугун тўғрисини айтаман.

Бошлиқ қўл силтади.

— Ҳар куни баҳона тўқийсиз! Суқсур худди хафа бўлган одамдек бошини эгиб қовоқ солди.

— Майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Ишонмасангиз, нима ҳам дердим.

Бошлиқ далилларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

— Ахир кейинги бир йил ичида ҳали аммаваччам, ҳали холаваччам ўлиб қолди деб бутун уруғ-аймоғингизни қириб ташладингиз. Бу ҳам етмагандек, ҳар ҳафта ёру биродарларингизнинг кимдир тўй қилиб ош беради... Иннайкейин, агар тўқийдиган баҳоналарингизни шаҳримиз транспортчилари эшитиб қолгудек бўлса, сизни уриб ўлдиришлари турган гап. Чунки, сизнинг гапингизга қараганда, кун ора транспортда авария содир бўлади. Бир кун трамвай изидан чиқиб кетади, бошқа куни троллейбус ағдарилади.

— Транспорт ёмон ишласа, мен айбдорманми? — бўш келмади Суқсур, — бўлган нарсани бўлди деймиз-да.

— Қолаверса, ҳар ҳафта икки марта тумов бўлиб турасиз, — Суқсурнинг гапига мутлақо эътибор бермай давом этди бошлиқ, — тумов экану, чивин чақса ҳам дарров докторга югурасиз.

Суқсур олдин кўзини сузди, хомуза тортаётгандек чуқур нафас олди, кейин чунонам бир аксириш қилдики, Омонулла ака ўтирган жойидан нақ учиб кетай деди. Бошлиқ таажжубдан ёқасини ушлади, аксириш ўлгур ҳам тайёр экан-да, керак пайтида дарров кела қоладиган.

— Нима қилай, акахон, касалманд одамлигимни биласизу, — инқиллаб гапирди Суқсур.

— Сиз касалмандмисиз? Сиздан ўтадиган соғлом одам бўлмаса керак. Хуллас, ҳийла-найрангларингиз жонга тегди, Суқсурбой.

— Тўғри, ўзимга ҳам алам қилади гоҳида омадсизлигим. Худди ўчакишгандек ҳамма балоқазо менга ёпишади. Мана, олинг бугунги воқеани.

— Хўш, хўш, бугун қандай баҳона тўқимоқчисиз?

— Жуда унчалик одамни ерга урманг, — ўксигандек норозилик билдирди Суқсур, — айтаяпманку бугун баҳона тўқимайман, деб Омонуллахон ака, бугун тўғрисини айтаман.

— Йўғ-е, тўғри гапни ҳам биласизми, — пичинг қилди бошлиқ.

— Эрталаб, уйдан энди чиққанимни биламан денг, — гўё бошлиқнинг пичингини сезмагандек бурролик билан бошлади гапни, — эшикдан қайним Суҳбатали кириб келаяпти. Опасига ўхшаб, унда ҳам фаросат камроқ. Бўлмаса, меҳмон деган ўлгур ҳеч маҳал эрта саҳарлаб ҳам келадими? Ўзингиз биласиз, хотин авлоди нозик бўлади, уйга таклиф қилиб олдига бир пиёла чой қўйдим. Кўнгли учун озгина у ёқбу ёқдан гаплашган бўлдик. Кейин оёғимни қўлимга олиб, ишга югурдим. Бор гап шу.

— Гаплашадиган одам беш минут гаплашар, ўн минут гаплашар, лекин ярим соат эмас-да!

— Бор экансиз-ку, акахон, отангизга раҳмат! Менинг ҳам хунобим ошгани шундан-да. Ишга шошиб, игнанинг устида ўтирганимни сезиб турган бўлса ҳам, гапни чўзади, хумпар, — Суқсур олдинга энгашиб гўё сир айтаётгандек овозини пастлатди. — Қайнимиз ҳам опасига ўхшаган эзмароқ, минг қилса қони бир-да. Отини билиб Суҳбатали қўйишган.

Ҳамсуҳбатининг топқирлиги Омонулла акани ҳайратга солди, у сал юмшаб:

— Аммо, оддий бухгалтер бўлмай, ихтирочи бўлганингизда сизнинг олдингизга тушадиган бўлмасиди. Кунда биттадан кашфиёт қилиб турардингиз!

— Йўғ-е, — деди оғзининг таноби қочиб Суқсур, — мана шунақа, мақтаб, одамни талтайтириб юборасиз-да, акахон.

— Асло. Бу ерда зиғирча ҳам мақтов йўқ, — яна жиддий тусга кирди бошлиқ. — Қани, ўзингиз чўтга солиб кўринг. Йил давомида уч юзтача иш куни бўлса, сиз худди шунча баҳона тўқийсиз, кунига биттадан. Шундай баҳоналарки, ҳар бири битта кашфиётга тенг.

— Аммо гапни қойил қиласиз, Омонуллахон ака, одамни бирпасда осмонга ҳам олиб чиқиб қўясиз, бирпасда ер билан яксон ҳам қилиб ташлайсиз, — тилёғламалик қилишга уринди Суқсур.

Омонулла ака ходимининг кўзига тикилиб бирпас ўтирди. Йўқ, гапнинг фойдаси йўқ, Суқсур ўша-ўша — дарди бедаво! Ҳа, ўйлаган режасини амалга ошириши керак. Бошқа илож йўқ.

— Бундай ўйлаб қарасам, мулла Суқсурий, муассасамизда ҳаммадан кўп сиз боёқишга қийин экан. Топиб олганлари сиз, нуқул сизни савалашади, — ҳар мажлисда, ҳар йигинда. Мен ҳам гапираверіб, жонингизга теккандирман.

Суқсур бошлиқ гапни қаёққа бураяпти — англолмади, лекин шундоқ бўлса ҳам, хавфнинг олдини олиб, муроса таклиф қилди.

— Ҳа, энди иш бўлгандан кейин шунақа гап-сўз, тушунмовчиликлар чиқиб туради. Иш юза-

---

— Соясидан от ҳуркади-ю...

Расмни Г. Раҳмонова чизган



сидан бўладиган гаплардан эса ҳеч ким хафа бўлмаслиги керак.

«Оббо тўллаг-ей, шу ерда ҳам чап бермоқчи», деб ўйлаб қўйди бошлиқ.

— Шундоқ бўлгандан кейин ҳадеб сизни эзавермай, бугун яхши гап ҳам айтмоқчиман.

Суқсур ҳушёр тортди, юрагида пайдо бўлган хавотирни яшириш учун худди тортинчоқ одамдек илжайиб, ерга боқди.

— Сизнинг ўзингиздан яхши гап эшитиш, акахон, мен учун ҳар қандай мукофотдан ҳам қимматлироқ.

— Ана ўзингиз худди мўлжалга уриб қўя қолдингиз, сизни мукофотламоқчиман.

— Лаббай? — Суқсур умрида биринчи марта гангиб қолди.

— Муассасамиз номидан сизга мукофот бермоқчиман. Сиздек буюк кашфиётчи тақдирланмай қолиб кетса, инсофдан бўлмайди. Мана шуни шахсан менинг ва муассасамизнинг номидан олиб қўясиз.

Омонулла ака стол тортмасидан йўқламага ўхшаган катта дафтар олиб, Суқсурга узатди.

— Чин юракдан табриклайман.

Суқсур нима бўлаётганига тушунмай, борган сари гангирди.

— Раҳмат, Омонуллахон ака, совғангиз учун минг раҳмат, — деди у каловланиб, — яхшилигингизни бир умр...

— Нимади бу? — унинг сўзини бўлди бошлиқ.

— Қ...қ... қайси?

— Қўлингиздаги...

— Совғамни айтаяпсизми?

— Ҳа, совғангизни айтаяпман.

— Дафтар шекилли...

— Бу оддий дафтар эмас, йўқлама! Зиммангизга оғир масъулият юклайди. Бу йўқламани муассасамизнинг башараси десак ҳам бўлади.

— Ўлай агар, ҳеч нарсага тушунмаяпман, — мағлубиятини очиқ тан олди қийналиб кетган Суқсур.

— Ҳозир тушунасиз. Бундан буён ҳар куни эрталаб бешта кам тўққизда келиб, эшик тагида ўтирасиз. Мана шу йўқламага ишга келаётган ҳамкасбларингизга қўл қўйдирасиз. Тўққиздан бешта ўтиши билан йўқламани қўлтиққа уриб, хонангизга кириб кетасиз. Олтида эса, кетиш олдидан, яна ҳаммага қўл қўйдириб чиқасиз. Шугина холос. Сиз қўл қўйдириб берсангиз кифоя, интизомбузарларнинг чорасини ўзимиз кўрамиз.

Суқсур безрайиб қолди. Кейин илжайишга ҳаракат қилди.

— Қайси хизматларим учун шу қадар катта мукофотга сазовор бўлдим, Омонуллахон ака? Балким сал кичкинароқ мукофот берарсиз?

— Сизга раҳмим келганидан бераяпман бу совғани. Ҳар куни баҳона тўқийвериб, сиз шўрлик жудаям қийналиб кетдингиз. Мана энди қутулдингиз. Энди маза қилиб, ҳамкасб оғайниларингиз тўқиган баҳоналарни эшитиб ўтирасиз. Ҳа, ноз қилмасдан оларинг. Сизга янги ишингизда муваффақият тилайман, ўртоқ Маллабоев, мукофот муборак!


— Э мукофотингиздан ўргилдим, — минғирлаб ўрнидан турди Суқсур. Сўнгра йўқламани қўлтиқлаб, икки букилганича хонани тарк этди.

ЧАЙНКРОССВОРД

1. Бухородаги меъморлик ансамбли. 2. Юқорига чиқиш учун белгиланган мослама. 3. Ўрта аср Шарқи пойтахтидаги қаср. 4. Металл ўймакорлиги санъати. 5. Хевадаги меъморлик обидаси. 6. Тасвирий санъат вакили. 7. Иморатсоз уста. 8. Бинонинг олд томонидаги ҳашамдор қисми. 9. Езув қуроли. 10. Металл буюмлари ҳунарманди. 11. Ойнаванд хона. 12. Кўркам гуллардан бири. 13. Инсоннинг ҳаётдан тўла мамнунлигини белгиловчи мезон. 14. Ҳиндистоннинг Агра шаҳри яқинида, Жамна дарёси бўйидаги меъморлик ёдгорлиги. 15. Энг қадимги юнон торли чолғу асбобларидан бири. 16. Самарқанднинг қадимий харобаси. 17. Рассомлик ашёси. 18. Ярим шар шаклидаги гумбаз. 19. Дурадгорлик асбоби. 20. Намуна, нусха. 21. Ўзбекистон ССР халқ рассоми. 22. Бухоро яқинидаги кўҳна қалъа. 23. Ипак газлама. 24. Ўзбек халқ чолғу куйларидан бири. 25. Пардозлаш бўёғи. 26. Газламага безак тикувчи ҳунарманд. 27. Заргарлик буюмларидан бири. 28. Ўрта Осиё меъморлигига хос иморат тури. 29. Тошкентдаги меъморлик ёдгорлиги. 30. Самарқанддаги Регистон ансамбли таркибидаги мадраса. 31. Ўрта Шарқ шаҳарларидаги марказий майдон. 32. Ўйиб ёки бўяб ишланган миллий безак. 33. Ёлик оромгоҳ бино. 34. Ўзбек халқ мақоми. 35. Меъморлик ёдгорлиги. 36. Газламанинг ўриши билан кўндалангига кесувчи ипи. 37. Майда заррачалардан иборат чўкинди тоғ жинси. 38. Нафис ишланган кичик ҳажмли тасвирий санъат асари. 39. Ўзбек бадиий каштачилигида қўлланиладиган безак турларидан бири.

Чайнкроссвордни ҳал этгандан сўнг жавоблари асосида шаклдаги цифрограммани топинг. Бунда атоқли ўймакор наққош, Ўзбекистон ССР халқ рассомининг исми ва фамилияси ҳосил бўлади.

Тузувчи: Фозилжон **ОРИПОВ**



2-СОНДА БОСИЛГАН «СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ» ЦИКЛОКРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБИ

1. Жалолов (Маннон). 2. Королёв. 3. Туполев. 4. Чудная. 5. Эргашев (Мадумар). 6. Қорабоев (Ҳамид). 7. Мирзаев (Маҳмуд). 8. Уланова. 9. Уйғун. 10. Охунова. 11. Шолохов. 12. Курчатов. 13. Исоқова (Мунаввар). 14. Марков. 15. Ерматов. 16. Жўраева (Буолма).

Рим рақамларида: Комил Яшин.

Цифрограммада: Меҳнатинг — зебу зийнатинг.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: В. Будаев. В. И. Ленин портрети.

Иккинчи бет: Н. Қўзибоев. Совет Туркистони делегацияси В. И. Ленин ҳузурида.

Тўртинчи бет: О. Бакиров. Еш пиллакорлар.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталаридан фойдаланилди.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎИДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ҲАЙДАРОВ, О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 20.02.86 й. Босишга рухсат этилди 21.03.86 й. Р—10660 Қоғоз 70×108 1/16. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6 Нашр ҳисоб тобоғи 7.80. Тиражи 203059. Буюртма 3001. Нашр А-112

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000: Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41





Озод Афғонистон болалари. Қобул шаҳри. Л. Миронов фотолари



Баҳор Н. Муҳаммаджонов фотоси



Баҳоси 35 тийин
индекс 75233.
ISSN 0134—2207